

Хикмат қзлаганга хикматдир дунё!



Дар кунини
хикматлар

DAVR PRESS

821
8-24
128

Книга должна быть
возвращена не позже
указанного здесь срока

Количество предыдущих выдач	
7.02.17	
11.02.17	
16.02.17	
28.02.17	
10.03.17	
18.04.17	
28.04.17	
17.05.17	
1537 20.09.19	

ООО «Чирчикская городская типография» Зак. 1000-3341

ҲАР КУНГИ ҲИҚМАТЛАР

Донишмандлар муваффақиятнинг
абдий қонунлари тўғрисида

CHIRCHIQ
IJTIMOIY-IQTISODIYOT
KO'RSATKICHI
AXBOROT-RESURS
MARKAZI

TOPIKENT
JAMHURIYATI RESPUBLIKASI O'LY VA ORTA
TAYYISUS TALIM VAZIRLIGI CHIRCHIQ DAVLAT
«DAVR PRESS» HMY PEDAGOGIKA UNIVERSITETI
2014
AXBOROT RESURS MARKAZI
1-FILIALI

9839 07.17 - 2145/к -

Мусанниф А.Бедилова

Таржимон Ф.Намозов

Тақризчилар: С.Мамашокиров,
фалсафа фанлари доктори,
Ўзбекистон Миллий
университети профессори

А.Мухторов,
фалсафа фанлари доктори,
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети "Фалсафа"
кафедраси муdiri

Барча ҳуқуқлар амададаги қонунларга асосан ҳимояланган.

"DAVR PRESS" нашриёт-матбаа уйининг ёзма рухсатисиз
ушбу нашрни қисман ёки тўлиқ ҳолда бошқа оммавий ахборот
воситаларида электрон ёки механик кўринишда кўчириб босиш,
магнит ташувчи воситаларда тарқатиш қатъий тақиқланади.

ISBN 978-9943-4314-4-7

© «DAVR PRESS» НМУ, 2014

Эътиборингизга ҳавола этилаётган ҳикоятлар шун-
чаки оддий воқеалар эмас. Ҳар бир ҳикоят ниманидир
ўқтиради, нимадандир сабоқ беради. Ҳар бир ҳикоятда
муайян ҳақиқат мавжуд, қандайдир билим мужассам.
Уларда биз яшаётган дунёнинг митти ёки улкан қонуни
жо бўлган. Шунингдек, улар содда усулда баён этилган,
чунки ҳикоятлар сўз санъати бўлиб, тўтридан-тўтри
қалабга таъсир қилади. Улар ўзига хос ибрат манбаи
ҳамдир. Ҳикоят синчков ва ўйчан ўқувчининг дунё
бўйлаб хушнуд саёҳат қилишига сўзсиз ёрдам беради.

Абул Форож таърифиға кўра, ҳикоятлар ақлни
тиниқлаштиради ҳамда кўнгилдаги ғам-қайғуни бар-
тараф этади. У "Ҳикоятлар азият чекканларга тасамми
берсин, кўнгли вайрон инсонларга малҳам бўлсин,
панда-насиҳат излаганларга сеvimли йул кўрсаткич,
кулагини яхши кўрганларга эса энг яхши дўст бўлиб
қолсин", деб ёзган экан.



Ї БЎЇИМ

ҲАММАСИ СЕНИНГ ҚЎЛИНГДА

Дунёда қизиги йўқ инсон топилмас,
Қисматлари — сайёра тарихи гўё.
Ҳар кимда ҳаммаси ўзгача, бошқа,
Ўхшаш сайёра ҳам топилмас асло.

Е.Евтушенко

КАФТДАГИ ЖОН

Қадим-қадим замонда эски шаҳарлардан бирида шогирдлари қуршовида донишманд Устоз яшар эди. Бир куни шогирдларидан энг қобилиятлиси: "Устоз жавоб беролмайдиган бирор жумбоқ ҳам бормикан?" деб ўйланиб қолди. У гуллаб ётган боққа келиб, энг чиройли капалакни тутди ва кафтлари орасига яширди. Капалак нозик тиширичаб кафтини сийпалаар, шогирдининг қитиги келарди. У жиламайганича Устоз ёнига келиб сўради:

— Айтинг-чи, қўлимдаги капалак тирикми ёки ўлик? У капалакни кафтларида маҳкам ушлаб турарди. Агар Устоз капалакни тирик деса, бир сиқиб ўлдиради, мабодо ўлик деса, шундоқ кафтини очиб, тирик эканлигини кўрсатади. Бунинг учун бир неча лаҳза кифоя қилади.

Шогирдининг қўлига қарамаган Устоз донолик билан жавоб берди:

— Капалакнинг тирик ёки ўликлиги сенинг қўлингда.

Ҳар қандай одам ўз тақдирининг ижодкоридир.

Салюстий

ЖУМБОҚНИНГ ЖАВОБИ

Бир подшоҳга айнан ўхшаш учта олтиндан ясалган анжом жўнатишди. Илова қилинган хатда эса ҳар бири алоҳида маъно ва қийматга эга, деб ёзилганди.

Подшо анжомларни мулозимларига бераркан, уларнинг бир-биридан қандай фарқ қилишини аниқлашни талаб қилди.

Мулозимлар анжомларни ўлчаши, узунлиги, олтиннинг софлик даражасини аниқлашди, аммо ҳеч қандай нарқки ва ташқи тафовутларини топа олишмади.

Улар узок вақт бош қотиргач, ожизликларини билдириб елка қисиб қўйишди, холос.

Фақат донишманд вазир бўш келмади. У шакмларнинг қулоқ қисмида кичкина тешикчани куриб, ингичка олтин ишни тиқаркан, қуйдагиларни аниқлади: биринчи шаклнинг қулогига тиқилган ип иккинчи қулогидан, иккинчисиники оғзидан чиқиб, учинчисида эса ип юрагига яқин жойда туриб қолди. Бир оз ўйга чўмган вазир шундай деди:

— Аъло ҳазрат, назаримда жумбоқнинг жавоби топилаганга ўхшайди. Биринчи шакл бир қулогидан кирган гап ўша заҳоти иккинчи қулогидан чиқиб кетадиган одамнинг айнан ўзидир. Иккинчи шакл янгиликни эшитган заҳоти мулоҳаза қилиб ўтирмасдан бошқага айтиб беришга шошиладиган кишини эслатади. Учинчи шакл эса эшитганини юраги орқали ўтказиб, эслаб қолишга уринадиган инсон рамзидир. Учови орасида энг қимматлиси шудир.

Қиссадан келиб чиқадиган ҳисса шуки, ўз ақли ва юрагининг амрига қулоқ солган инсон доноликка эга бўлиши мумкин.

АСАБИЙ ПРОФЕССОР ТАШРИФИ

Фалсафадан сабоқ берувчи профессор машхур Устознинг ҳузурига ташриф буюрди. У бутун йул бўйлаб савомларини уйлади: улар ниҳоятда кўп эди! Профессор суҳбатни қай тарзда яхшироқ олиб боришни мулоҳаза қилиб кўрар экан, Устоз унга "Марҳамат, кираверинг, аммо оломонни эшик ташқарисида қолдиринг", деди. Муаллим атрофига аланглаб қаради: ёнида ҳеч ким йўқ эди.

Устоз эса:

– Атрофга эмас, кўнглингизга қаранг, оломон ушарда! – деди.

Профессор қарахт бўлиб қолди. Аммо у доно киши бўлгани учун "Сиз ҳақсиз, оломон шу ерда. Аммо мен профессорман. Менинг ишим доимо оломон билан бир-га битади. Кечиринг, шу бойсдан ҳам оломонни эшик ортида қолдиролмайман. Мен сиз билан гаплашиб, ҳақиқатни билиб олмоқчи эдим. Ҳаётда ҳақиқат борми, у нималарда мавжуд?" – деб сўради.

Устоз шундай жавоб берди:

– Мен ҳақиқат тўғрисида гапираман деб бирор кишига ваъда берганмидим? Агар ҳақиқат мавжуд бўлса, ҳамма жойда бор. Агар сиз уни турган жойингизда кўрмаган бўсангиз, ҳеч қаерда кўролмайсиз. Профессор:

– Агар мен билан гаплашишни истаётган бўлсангиз, кетганим бўлсин, – деб бир оз хафа бўлди. Устоз шундай деди:

– Шошилманг! Сиз чарчагансиз, чунки куча роса иссиқ. Ўтиринг, бир оз дам олинг, чой ичинг.

Устоз пиёлани меҳмоннинг олдига қўйди ва аста-секин чой қуя бошлади.

Профессор нима рўй бераётганини кузатди. Пиёла чойга лиммо-лим тўлди. Аммо Устоз қуйишда давом

этарди. Чой пиёла четидан тагидаги тақсимчага тўкила бошлади.

Профессор ўзини хотиржам тутишга уринди, чунки у "оломон" жим утиради, деб ваъда берганди-да. Аммо ботинида мавжуд бўлган "оломон" унга: Бу одам оқладан озган! Шуям иш бўлди-ю? Бу билан нима де-моқчи ўзи? – деди.

Аммо Устоз қуйишда давом этарди. Чой стол устига оқда бошлагач, профессор ҳайқириб юборди:

– Марҳамат қилиб, тўхтатинг! Нималар қиялпсиз ўзи? Пиёла тўлиб кетган-ку, унга бир томчи ҳам чой сикмайди.

Шунда Устоз:

– Тўғри пайқадингиз, агар пиёла лиммо-лим бўлса, унга бирор томчи ҳам қуйиб бўлмайди. Сиз мана шу пиёла каби тўлиб-тошиб турибсиз. Мени тўғри тушу-нинг, агар сизни тўлдиришга уринсам, барча саъй-ҳа-ракатларим беҳуда кетади. Янаги сафар "бўш пиёла" билан ташриф буюришга ҳаракат қилинг. Ана шунда биримни сиз билан бажонидил баҳам кўраман.

Ақали кишидан улутроқ одам — ҳаёт томонидан қў-йилган битмас-туганмас савомлардан асосийларини, жавобларнинг улкан миқдоридан эса энг тўғриларини танлай биладиган одамдир.

В.Швебель

ОТА-БОЛА ВА ЭШАК

Бир куни ота-бола катта шаҳарнинг чанг кўчалари бўйлаб саёҳатта чиқишди. Отаси эшакка минган, ўғли эса орқароқда келарди.

– Шурилик бола, – дейишди ўткинчилар, – ёш бул-гани учун эшак ортидан зўрга қадам босмоқда.

Отасига бу гап тегиб кетди. У эшакдан тушиб, ўг-лини миндирди. Ўзи эса эшакнинг арқонини ушлаб, олднингга қараб кета бошлади.

Куп ўтмай, уларга бошқа киши дуч келди ва баланд овозда "Ўят эмасми, ахир?! Бола эшак устида худди подшоҳдай керилиб ўтирибди, унинг шўрпешана қари отаси эса пиёда кетмоқда!" — деди.

Бола бу гаплардан қаттиқ ранжиди ва отасидан эшакка минишини илтимос қилди. Биргалашиб ўтириб кетдилар.

— Эй ахшилар, буларга ўхшаганларни бирор марта кўрганмисиз? — деб қичқирди кекса кампир. — Жониворни ҳам шунчалик азоблашадими? Бечора эшакнинг бели майишиб кетгандир!

Ота-бола бир огиз гапирмай эшакдан тушиб, ёнма-ён кета бошладди.

Бир оз юрган ҳам эдиларки, илк дуч келган киши уларни масхаралаб кула бошлади:

— Нима бало, эшагингиз ҳеч иш қилмайдими? У эгаларига фойда келтирмайдими? Ҳатто бирортангиз ҳам унга минмабсиз?

Отаси эшакка бир гарам сомон тутди. Сўнг ўглининг елкасига қўлини қўйиб, шундай деди:

— Нимаики иш қилсак ҳам биздан норози киши албатта топилади. Энда ҳеч кимга қулоқ солмаймиз. Қандай иш тутиш кераклигини ўзимиз ҳал қиламиз!

Гайратинг сарфласанг киймоқ, ичмоққа,

Арзийди бу ишинг маъзур тутмоққа.

Ҳушёр бўл, қолгани сира арзимас

Ўмрингни сарф этиб, утиб кетмоққа.

У.Хайём

ЕР ОСТИДАГИ ОДАМЧАЛАР

Муваффақиятсизликка қандай муносабатдаа бўлиш ҳақида ривоят

Ёр остида митти одамлар ўз ҳаётидан рози истиқомат қилнашар экан. Аммо бир куни одамчалар орасида, "Ёр рози ниҳоятда чиройли, фақат жуаа ҳам хатарли", деган овоза тарқалибди. Шундан кейин ёр остидаги одамчишта ҳаёт нотинч бўлибди. Улар ўзларига нотаниш тузал ҳаётга назар ташлаб кўришни жудаям хоҳлаб қолнашибди. Аммо замин юзига чиқишга қўрқибдилар. Ниҳоят битта ботир йигитни текшириб кўриш учун юборишга қарор қилиб, "У ҳаммасини билиб келсин, кейин бизга гапириб беради", дейишибди.

Ботир йигит ёр сатҳига кўтарилиб, бошини чиқариб қараган экан, даҳшатдан ўзини йўқотиб қўйибди. Кўчада тонг отган, қаҳратон қиш пайти экан. Йигитни қор учқунлари қоплаб, аста-секин музлаб қола бошлабди. Ўзини заминда бутунлай бошқача тасаввур этибди. Тезда ёр остига тушиб, кўрган барча даҳшатлар ҳамда улам билан баробар хавф-хатар тўғрисида ошириб-тошириб гапириб берибди.

Одамчалар маълум вақтгача жим юришибди. Аммо бир оз вақт ўтгач, ёр юзининг нафосати ҳақидаги овозлар яна янги куч билан тарқала бошлабди. Шунда одамчалар бошқа чопарни юборишга қарор қилишибди.

Навбатдаги одамча юқорига кўтарилганида кўз оламида бутунлай бошқа манзара намоён бўлибди. Қуёш чарақлаб нур сочар, қушлар чах-чахлаб сайрар, капалаклар учиб қунаркан. Ёр ости одамчаси ёқимли ифорлар, кўкатлар иси билан лиммо-лим му-саффо ҳаводан симираркан, роҳат қилибди. Ў ўзининг танасини қуёш нурига роса тоблабди. Кейин ортига қайтиб, кўрганлари ҳақида энтिका-энтика қавмдош-ларига гапириб берибди.

Ер ости одамчалари хайратта тушибдилар. Улар кимга ишонишни билишмабди. Шундай бўлибдики, навбатдаги чопарларни куз ва баҳорда жунатишибди. Табиийки, яна қарама-қарши фикрларни эшитибдилар.

Хуллас, ер ости одамчаларининг бошлари қотиб қолибди. Юқорида нималар бўлаётган экан? Гулларми, қуёшми ёки совуқ билан қорми? Шундай қилиб, улар таваккал қилишдан воз кечишибди ва умрбод ер остида қолиб яшашга аҳд қилишибди.

Муваффақиятсизлик ҳам айнан қаҳратон қиш каби муқаррардир. Унга қандай муносабатда бўлишни эса ҳар ким ўзи танлайди: агар кайфияти бўлмаса, дили огрийди ёки хурсанд бўлиб, чанги олиб келишга отланади. Йил фасллари ҳар бир ишда доимо ҳар хил кечади. Оғир дамлاردан ўтишни ўрганиш керак, ахир, бир куни ёз албатта келади-ку!

Қисмат ёзуғида тасодифлар йўқ. Одам ўз тақдирини кутгандан кўра уни тезроқ яратади.

А. Вильмен

СОҒЛИК, БАХТ ВА МУҲАББАТ ДЎКОНИ ҚАЙДА?

Бир аёл ажойиб туш кўрди. У гўё ғалати дўконга тушиб қолганмиш. Бу ерда хоҳлаганини сотиб олиши мумкин экан. Чунки сеҳрли пештахта ортида Хизр алайҳиссаломнинг айнан ўзи турган эмиш.

Аёл кўзларига ишонмай, қувониб кетибди ва дўконга кириб, сотувчига хайрат ичда мурожаат қилибди:

— Наҳотки сиз ҳақиқатан ҳам Хизр алайҳиссалом бўлсангиз?

— Ҳа, худди ўзиман! Мен хоҳлаган нарсангни муҳайё қилиб, сенга ҳада этишим мумкин!

Аёл узоқ ўйлаб утирмай, жавоб берибди:

— Ҳазратим, ундай бўлса, марҳамат қилиб менга соғлиқ, бахт, муҳаббат, бойлик ва барча ишда омад беринг!

— Бўпти! — деб кулимсирабди Хизр алайҳиссалом ва буюрилаган молларни олиб келиш учун чиқиб кетибди. Бир неча дақиқадан сўнг қўлида кичкина қогоз қутича ютурганича қайтиб келибди.

— Ҳаммаси шуми? — дебди ранжиган ва ҳафсаласи тир булаган аёл.

— Ҳа! — деб жавоб берибди эътирозга ўрин қолдирмаган Хизр. — Сен менинг дўконимда истакларингнинг уруғларингга сотиляшини билмасмиди?

Иш — ҳаётимиз озۇқаси, қониқиш эса унинг ширинлигидир.

Б. Форбс

ГУЛ ВА ГЎЗАЛЛИК

Сахро чеккасида яшаган бир киши боғига ёш атиргул кучатини ўтказди. Атиргул бирор марта ҳам гулламабди. Боғбон роса кутди, аммо гуллардан дарак йўқ эди. Шунда у атиргул бутасидан, “Нега гулламаяпсан?” деб сўради.

— Нега гулламаяпман? — ҳайрон бўлди бута. — Нима учун гуллашим керак экан? Атрофга қара, менга ўхшаш гўлтиканак ниҳолларидан ҳеч қайсиси гулламаган.

— Ахир сен тиканак эмассан-ку.

— Қанақасига тиканак бўлмайин? Қара, худди уларга ўхшайман, менинг тиканларим ҳам бор.

— Йўқ, сен атиргул ниҳолисан ва гуллашинг керак, — дедан боғбон.

Боғбон бутага қанчалик уқтириб, “Атиргулсан, гуллашинг керак!” дея ишонтиришга уринмасин, киктобларни кўрсатиб, атиргул таърифи билан туятиканакнинг фарқини изоҳламасин, натижа чиқмабди. Атиргул бутаси эшитишни ҳам хоҳламай, туятиканакман, деб таъкидлайверибди. Тиканаклар эса гулламабди.

Ужар кучатни ишонтириш учун богоннинг сабр-тоқати ҳам, ибот-даилии ҳам қолмабди. Шу боис, у иккинчи атиргул бутасини сотиб олишга жазм қилибди. Куп утмай, богда богоннинг шогирди пайдо бўлибди. "Мана, худди менга ўхшаган яна битта туятиканак, деб ўйлабди оладинги бута, богбон янги кучатни ўтқазиб бўлгач. — Энди унчалик зерикмайман Бошқа тиканаклар мендан ҳададан зиёд узоқда ўсади, ҳеч қайсиси билан гапашолмайман".

Янги қўшнилар дарров дўстлашиб олишибди. Улар узоқ суҳбатлашибди экан. Куп утмай, янги кучат қўш-ниси негадир ўзини туятиканак деб ҳисоблашини англаб қолибди. Бундай сўзларни эшитиш галати эди, чунки унинг аслида қандай эканлигини яхши биларди. Шунга қарамай, янги дўсти билан тортишиб, ишонтиришга ҳам уринмабди.

Баҳор, унинг ортидан эса ёз келиб, янги бута гуллабди. Ўзини туятиканак деб ҳисоблаган бута буниси сира кутмаган экан... Дўсти бўлмиш гул шунчалик гузал эдики, у беихтиёр "оҳ" деб юборибди. Афсус чекиб, япроқларида куз ёшлари пайдо бўлибди. Кейин эса бундай манзарадан кўнгли қувонч ва шодликка тўлибди. У шу қадар гўзалликка мафтун бўлганидан, куп утмай ўзи ҳам гуллаб юборганини билмай қолибди.

Шундай нарсалар борки, уларга ишонишдан аввал қўриш керак.

Яна бошқа нарсалар ҳам мавжудки, уларни қўришдан олдин ишонмоқ даркор.

П.Буаст

БИР ТАНГ АНИНГ ИККИ ЮЗИ

Япон саркардаси душманга қарши ҳамма қилмоқчи бўлди. Ёв ун баробар куп эди. Саркарданинг галаба қозонишига кузи етар, аммо аскарлар иккиланиб туришарди.

У йўл устидаги ибодатхона олдиди тўхтади ва одамларига шундай деди:

— Мен ибодатхонадан чиққанимдан сўнг танга ташлайман. Агар бургутнинг расми туширилган тарафи тўнса, биз енгамиз. Борди-ю, тескари томони тўнса, енгиламиз. Тақдирни маҳкам ушлаш ўз қўлимизда.

Япон саркардаси ибодатхонага кириб, сукут ичида ибодат қилди. Сўнг қайтиб чиқиб, осмонга танга отди. Бургут томони тўшди. Унинг аскарлари жангга шунчалик жон-жаҳдлари билан киришдиларки, натижада галабани осонгина қўлга киритдилар.

— Тақдирни ҳеч ким узгартиролмайди, — деди жангдан кейин хизматкори саркардага.

— Худди шундай, — маъқуллади япон саркардаси, сўнг тангани кўрсатди. Танганинг ҳар иккала томонида ҳам бургут тасвири бор эди.

Ҳар бир киши тақдирини унинг феъл-атвори яраган.

Непот

ОЁҚ ОСТИДАГИ ХАЗИНА

Бир шаҳарда тиланчи вафот этди. Ўлим ҳар куни руи берадиган ҳодиса бўлгани учун ҳеч ким унинг вафотига эътибор қаратмади. Аммо бир воқеа содир бўлиб, унинг улими тилга тушди.

Бу тиланчи бир жойда қирқ йил тик туриб, садақа сўраганди. У шаҳарнинг ҳамма танийдиган кишиси эди. Шу боис, шаҳарликлар уни мана шу жойнинг ўзи-да дафн этмоқчи бўлишди.

Қабр қазина экан, бирдан хазинага дуч келишди. Шов-шувни кўринг! Одамлар мазкур воқеани тақдир ҳазили деб қабул қилишди. Улар: "Тиланчи шундоқ ойғи остини қовлаб кўрганида ҳам шаҳарнинг энг бой одамига айланган бўларди!" деб гапиришарди.

Тақдир ўзига маъқул равишда ўйлайди ва бунёд этади.

Главт

ҒОЙИБ БЎЛГАН КЎЛАНКА

Бир бор экан, бир йўқ экан, донишманд подшоҳ утган экан. У ўз фуқароларини хурсанд қилишга бел боғлабди. Шу мақсадда узоқ сафарларнинг биридан қуёш соатини олиб келиб, шаҳарнинг бош майдонига ўрнатибди.

Бу мамлакат кишиларининг ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборибди. Фуқаролар ўз вақтларини тақсимлаш ва уни қадрлашни ўрганиб олибдилар. Аниқ ва осойишта иш юритадиган бўлишибди. Бир оз вақт ўтгач, барчалари бойиб, бахтли ҳаёт кечира бошлашибди.

Подшоҳ вафот этгач, фуқаролар унинг қилган хизмати учун қай тарзда миннатдорчилик билдириш ҳақида ўйлаб қолибдилар. Барча муваффақиятлар рамази айнан қуёш соати бўлгани боис, унинг атрофига олтин гўмбазлари ярқираб турган улкан ибодатхона қуришга қарор қилишибди. Аммо ибодатхона қуриб битказилгач, қуёш нурлари соатга келиб тушмабди ва вақтни кўрсатувчи соя ўз-ўзидан ғойиб бўлибди. Одамлар яна бир вақтлардагидек ўз вақтида аниқ иш юритолмай қолибдилар. Давлат миқёсидаги тартиб аста-секин издан чиқибди ва у ҳалокатга учрабди.

Улутвор ишлар — айнан ҳаётни бахт-саодатга буркаб, унга янги-янги шодиёна бахш этиш ва турмушимизга шинамлик олиб кириш ёки ҳар жиҳатдан покиза, ҳар жиҳатдан бардавом роҳат-фароғатли йўлга бошладан иборат.

А.Миялтон

ЮМУҚ КЎЗЛАРДАГИ ЎЗЛИК

Устоз "Мен ёшлигимда қайиқда сузишни яхши кўрардим. Кичкина қайиғим бор эди. Қўлда сузиш учун унда якка ўзим йўлга тушардим-да, соатлаб ўша ерда қолиб кетардим", деди.

Бир куни кўзларимни юмиб, муруқбага киришиб турганим эсимда. Ажойиб тун эди. Қандайдир қайиқ оқим билан сузиб келди-ю, қайиғимга урибди. Шу-

нақдиги аччигим чиқиб кетдики! Кўзимни очиб, беварида қилган кишини боғлаб сўмоқчи бўлдим, аммо қарасам, қайиқ бўш. Жаҳлимни кимга сочишни билмасдим. Кимга тарқатиб, хумордан чиқсам экан? Нима қилганини билмай, кўзимни қайтадан юмиб, қаҳр-ға-забимга тик қарашга уриндим. Уни кўрган лаҳзада эса ўз йўлим бўйлаб биринчи қадамимни қўйдим.

Мен ўша сокин тунда ботинан кашфиётга қўл урдим. Ботиний кашфиёт ўз-ўзини англашни билдиради. Бўш қайиқ устозимга айланди. Шу фурсатдан бошлаб, юмиб мени хафа қилишга уринса ва қаҳр-ғазабим юмибини келса, куламан-у, ўз-ўзимга шундай дейман: — Бу кема ҳам бўм-бўш.

Кўзларимни юмиб, ботиним сари йўл оламан.

Кимки ғазабга ғазаб билан жавоб бермаса, икки кишининг кутқарган бўлади — ўзини ва ўзгани.

Қадимги ҳинд ҳикмати

ДУНЁНИ ЎЗГАРТИРМОҚЧИ БЎЛГАН ОДАМ

Бир киши дунёни ўзгартирмоқчи бўлди. Аммо дунё шунчалик улкан, у эса кичкина эди.

Ўйлаб-ўйлаб, ўзининг шаҳрини ўзгартаришга аҳд қилди. Аммо шаҳар шунчалик катта, у эса шу қадар кичкина эди.

Энди оналасини ўзгартаришга жазм қилди. Аммо она-асини ҳам шунчалик каттаки, болаларининг ўзи унга тағам берди. Шунда у кучи етадиган ягона ишга қўл урди. Бу кичик ҳаракат эса ўз-ўзини ўзгартариш эди.

Одам дераза ойнасига ўхшайди. Улар қуёш чиққанида янгилаб, ёйду сочади. Зулат ҳукмронлик қилганида эса эса гузаалиги ботинидаги ёруғлик туфайли намоён бўлади.

Э.Кюлер-Росс

ҲАРАКАТ УЧУН... ЁРДАМ

Бир устоз шогирди билан қишлоқ кўчасидан ўтиб борарди. Шунда қарама-қарши томондан шайтоний сўзлар билан сўкинганча, аъзои бадани қалтираб, сал бўламаса йиғламоқдан бери бўлиб келаётган кишига кўзлари тушди.

— Нима бўлди, аўстим? — сўради устоз.

— Мени ҳозиргина бир аблаҳ ёмон сўзлар билан ҳақ қоратлади, бунинг устига ҳеч бир сабабсиз! Унга нима ёмонлик қилгандим?

— У сени ҳақорат қилолмасди! — деди устоз.

— Нега энди, ахир ҳақорат қилди-ку! — ҳайрон бўлди ўткинчи. — Ахир уни билмайсиз-ку, мени ҳам биринчи марта кўриб турибсиз. Нега бундай деябсиз?

Устоз бир неча қадам ортга чекинди. Ёрда ётган ин-магадир кўз тикди. Сўнг эгилиб уни қўлига олди ва ўткинчига яқинлашиб, қўлида маҳкам ушлаб олган нарсани узатди:

— Олгин, бу сенга албатта ёрдам беради.

Ўткинчи шоша-пиша олди ва қўлидаги қўнгиз экан-лигини билиб, гангиб қолди ва жониворни улоқтириб юборди.

— Бу нима қилиқ? — деди аччиқланиб.

— Кечир аўстим, сени қўрқитмоқчи эмасдим. Аммо шогирдимда сенга керакли нарса борлиги аниқ.

У шогирдига мурожаат қилиб, шундай деди:

— Ҳурматли жанобга боғда дам олганимизда тошган нарсамизни бериб юбор.

— Бу нима? — ҳушёр торғди ўткинчи. — Агар яна бир рорта ҳашарот бўлса, мен уни олмайман!

Шогира йўлхалтани очиб, олма чиқарди. Ўткинчи ҳайрон бўлиб чиройли ҳамда ширин мевага қаради, унда ҳеч қандай ёмонлик йўқлигига ишонди. Миннатдорчилик билдирди, аммо олмани олишга ҳаракат қилмади.

— Нега олмаяпсан? — қизиқсиниб сўради устоз. — Қўнгизни ушладинг-ку!

— Қўнгизни билмасдан олдим. Менга нима бераётганингни билмагандим-да! Олманинг эса менга умуман кераги йўқ.

— Ҳаётда ҳам айнан шундай бўлади: биз баъзида ўзининг кераксиз, ҳатто ярамас нарсани ўйлаб ўтирмай олаверамиз. Беришади, олаверамиз. Аммо "бериш" билан "бермоқ" ўртасида жиддий фарқ бор. Мен сенга шундан беришим мумкин, аммо олмагунингча хатти-ҳаракатларим охирига етмаган бўлади: мен бераман, сен олмайсан. Борди-ю, сенга берсам-у, уни олсанг — шунинг ҳаракатим яқунланади: мен бераман — сен эса олсан. Мен сенга ниманидир бера олишим мумкин, сен эса ҳозирча уша "ниманидир"ни қабул қилмайсан. Мен бера олишим мумкин, аммо "бериш" — ҳар иккимизга боғлиқ бўлган тепша-тенг ҳаракат ҳисобланади. Агар шундан сени ҳақорат қилса, танлашинг шарт: унинг ҳақоратини қабул қилиш керакми (биз кўпинча ўйлаб ўтирмай, шу ишни қиламиз), хафа бўлиш тўғрими? Ёки унинг сенга керак эмаслигини англаб, шунчаки қабул қилмаган маъқулми? Шунинг учун мен уша одамни ҳақорат қилолмасди, дегандим. У ҳақоратлабди, уни эса ранжитадиган сўзларни қабул қилиб, ўзининг ҳақоратлашига "ёрдам" берибсан!

Сени қандай сабабга кўра ҳақорат қилишмасин, энг яхшиси, эътибор берманг — аҳмоқлик камдан-кам ҳолатда газабга сазовордир, адоватни эса эътибор бермаслик орқали жазолаш керак.

С.ЖОНСОН

БЎШ САВАТ ТИЛСИМИ

Аунё энди-энди барпо бўлган даврда ер юзида барча жонотлар пайдо бўлган экан. Уларнинг қаршисида қуларда сават ушлаган фаришта пайдо бўлган. Унинг саватиди нималар жо демайсиз: энг фойдали фазилатлар ҳар қандай анда-мос сифатлар. Саватдан барча қонлонлар, ўзинга тегишлисини олиб кетибди. Тулки —

хйла-найрангнн, сичон — мол туплаш хислатини чумоли — меҳнатсеварликни ва ҳоказо.

Одатда бундай ҳолларда охирига келганда ҳеч вақт қолмайди. Энг охирида қайси бири келганди? Тугри одам! Фаришта унга қуруқ саватнинг узини берибди. У одамзот тилида гапириб, узидан ўрганиш қобилиятини қолдирибди ҳамда саватни мустақил равишда, ақл фаросатига кўра, тўлдиришни тайинлабди.

Шу боис, ҳамма ўзи учун тер тўқади. Муҳими, саватни тугри келган ҳар қандай кераксиз увадалар билан тўлдирмаслик керак. Чунки улар жуда кўп, шу билан бирга арзон туради.

Ҳамиша, ҳамма вақт одам дейишга муносиб Инсонлар жуда камдир.

П.Буаст

ҒОР КОМИДАГИ ХАТАР

Камтар ва одобли қуён яшаган экан. Бир кунни у деҳқон полизидан тўйтунича қарам еб, уйга кетип учун отланганида бирдан тулкига кўзи тушди. Тулки ўрмонга қайтиб кетаётганди. У деҳқон ҳовлисида товуқни қўлга туширолмаганидан жуда аччиқланган ва очиққан эди.

Қуённинг утакаси ёрилаёзди. Қочиб қолиш керак, аммо қаяққа? Қуён бирдан горга отилди. Аммо у ерда бошқа даҳшатли хатар кутиб тургани — горда илон жойлашиб олганини билмасди.

Аммо қуён жуда яхши тарбия кўрган ҳамда бегона уйга руҳсатсиз кириш мумкин эмаслигига ақли етарди. "Саломлашиш керак, — кўнглидан ўтказди у, — бироқ ким билан? Ғор билан, албатта!"

Орқа оёқларида ўтирган қуён одоб билан сўзлади:

— Салом, меҳрибон гор! Илтимос, менинг киришимга руҳсат беринг!

Бу овозни эшитган илон қувониб кетди. У қуён гўштини ниҳоятда хуш кўради.

— Кириш, кираверинг! — деб жавоб берди илон қуёнин алдамоқчи бўлиб.

Аммо қуён қандай жониворга дуч келганини жуда яхши тушунади.

— Кечирасиз, сизни безовта қиладим, — деди у. — Мени қуён хоним кутаётганини батамом унутибман. Мени қолинг, — сунг орқасига югура кетди.

Қуён ўз ошёнига сакраб кираркан, хушмуомалалик ҳақ қачон бировга зарар етказмаслиги ҳақида ўйлади.

Илон эса бошпанасига ўрмалаб кираркан, вишиллади:

— Уйга жавоб бермасам бўларкан! Эҳ, бу хушмуомала қиларкан! Кириш учун руҳсат сўраши шартмиди?!

Душманингизни енгишингиз мумкин бўлган энг яратвор талабалардан бири унинг хушмуомалалигидан ястун келишдир.

Д.Биллингс

БЎШ САВАТЛАР

Кеч кузда икки қўзиқорин терувчи киши учрашиб қолган.

— Бу йил сенинг омадинг келди, — деди улардан бири. — Қараб турсам, бойиб кетдинг: ҳам иморат кўтардинг, ҳам рўзгорингни эпладдинг, ҳам қизингни унатдинг. Менинг эса омадим чопмади: ўрмонда қанчалик юрмай, уйга қуруқ сават билан қайтдим.

— Ҳа, бу йил қўзиқоринлар яхши битмади, — жавоб берди бошқаси. — Мен ўрмонга бориб қарадим: мева чева ошиб-тошиб ётибди. Саватни пақирга алмаштирдим-у, тупша-тузук мева терувчига айландим-қолдим.

— Нега бундай қилдинг? — деб аччиқланди биринчиси. — Ахир биз ҳеч қандай мева терувчи эмас, таг-тугли қўзиқорин терувчилармиз-ку!

— Хуш, нима бўпти? — ҳайрон бўлади иккинчиси. Келгуси йили ёнгоқнинг ҳосили мўл бўлади. Кел, бирини ёнгоқ теришта борамиз.

Аммо саркаш қўзиқорин терувчи бўш саватни асли бий силкитганча кетиб қолди.

Қайсарлар шунинг учун қайсарки, улар узоқни кўри олмайдилар. Яна бир сабаби эса, бундайлар фақат битта нарсани кўришади.

Н.Массимо

БАДБҲҲҲ ОШИЁН

Бир кабутар нуқул инини ўзгартираварди. Уясидаги анқийдиган ёқимсиз, қуланса ҳидга чидаб бўлмасди.

У мазкур муаммо тўғрисида кекса, донишманд, тажрибали кабутарга алаам билан шикоят қилди. Кекса кабутар диққат билан бош тебратиб тинглади-ю, шундай деди:

— Ўғтибор бер, сен ҳадеб уянгни ўзгартирганини билан ҳеч нима ўзгармайди. Сенга ҳалақит бераётгани ҳид уядан эмас, балки ўзингдан анқиб турибди.

Ишни кўрарга кўзи йўқ одам фақатгина мукофот ва ҳокимиятни севади.

Сюнь-Цзю

ҲЕЧ ҚАЧОН ТҲҲТАМА

Қадам-қадам замонда бир кичик Ирмоқ яшаган экан. У тоғ бағридан бағоят гўзал яшил водий сари йўл олибди. Бир кун эса сахрога қараб югурибди. Кейин тўхтаб, ўйланиб қолибди: "Яна қаерга чопиб бориш мумкин?" Олдинда янги ҳамда нотаниш ҳудудлар ястанган бўлиб, Ирмоқ гангитб қолибди.

Шунда гойибдан овоз эшитилибди: "Ғайрат қил! Нотаниш эришган бўлсанг ҳам тўхтаб қолма. Олдинда экин жула кун қизиқарли нарсалар бор!"

Аммо Ирмоқ жойида тураверибди. У суви лиммо-лим экин буанишни истар, аммо ўзгариш бўлишидан жуда қўрқиб қолибди. Шу сабабли хавф-хатар қаршисига боришни истамабди. Ана шунда яна овоз янграбди: "Агар тўхтаб қолсанг, қандай ишга қобилиятли эканингни ҳеч қачон билолмайсан! Шунчаки ўзингни тасвириб кўр. Шундагина ҳар қандай кўршовда бўлсанг ҳам турри йўлни топишинг мумкин! Яна олға чол, инанар!"

Шундан кейин Ирмоқ жазм қилибди. У сахро бўй-бой югурибди. Аҳволи жудаям оғирлашибди. Нотаниш нарсалар ҳамда жазирама кун унинг кучини олиб, ҳолдан тўлатибди. Бир неча кундан сўнг эса қуриб қолибди...

Аммо унинг бутланган жажжи томчилари кўкка ўр-таб, бир-бири билан учрашибди. Улар катта булут пар-чаларга бирлашиб, сахро устига сузиб борибдилар. Булут сахро узра узоқ учибди, бу ҳаракати токи денгизга бори-тиришча давом этибди. Шунда Ирмоқ ёмғирнинг майин тоғчаларига айланиб, денгизга ёғибди. Энди у улкан денгизга қуйилибди. Тўққинлар бағрида майин тебранар экан, ўз-ўзидан кулимсирабди. Илгари водийда яшаган нима бундай ҳолатни ҳатто орзу ҳам қилмаган экан. Ирмоқ: Мен бир неча бор шаклимни ўзгартирдим ва фавқат энди ўзингизни тошганга ўхшайман! — деди.

Ўзгаришлар бўлишидан асло ҳайқма, қўлга кири-тилган галаба билан тўхтаб қолма! Ҳаёт шунчалик сер-қирраки, олдинда нима кутишини ҳеч қачон билмайсан. Энди асосийси, ўзингга ишониб қарор қабул қилишдан асло қўрқма!

Ҳеч нимага таваккал қилмайдиган одам ҳамма нарсани хавфсирайди.

Ж.Дэвис

БИР ҚОП ОЛТИН

Зевс ва Гера булутлар устида утириб, одамларни кузатишарди. Шунда Гера ерда утирганча аччиқ-аччиқ йиғлаётган кишига кўзи тушди. У ниҳоятда қашшоқ кийимлари жудаур, оёғидаги пойабзал бутунлай тўзи кетганди.

Геранинг раҳми келди ва Зевсдан илтимос қилди бошлади:

— Анови эркакни кўряпсанми, зорланиб йиғлаётган шунга ёрдам бер!

— Мен уриниб кўрдим, аммо у ҳали тайёр эмас!

Аммо Гера эшитишни ҳам истамади. Эркакка унинг сиздиқидан раҳми келганди.

— Нега бунча бағритошсан? Сен учун унга озгин олтин юбориш ҳеч қийин иш эмас. Кўряпсан-ку, у оғир устига-устак кийими ҳам йўқ.

Зевс кулиб юборди.

— Яхши, илтимосингни бажараман. Ҳақиқатан ҳам бу мен учун арзимас иш. Лекин у бунга тайёр эмас.

Бирдан булутсиз осмонда чақмоқ чақди. Бутун дунё лаҳзада қарахт бўлиб қолгандай туюлди. Сўнг инн қушлар сайраб, қуёш янада ёрқинроқ нур соча бошлади. Йўлда эса, камбағалнинг шундоқ қаршисида олтин солинган катта қоп пайдо бўлди.

Эркак ўрнидан турди. Сўнг бошини кўтармай, битта битта қадам ташлаганча юрар экан, қопга қоқилган тўзиб кетган пойабзални йиртиб юборишдан асраб қолди. Кейин эса олтин тўла қопни авайлаб айланиб ўтди-ю, хўрсинган кўйи йўлида давом этди.



Жиддий ишлар борасида нафақат қўлай имкониятлар яратиш, балки уларни қўлдан чиқармаслик ҳақида ҳам уйлаш керак.

Ф.Ларошфуко

СУПУРГИ ЧЕТЛАРИ

Бир қаринининг уч ўғли бор эди. Улар асло бир-бири билан келишолмас, бир жойда бўлсалар, гавго чиқаришарди. Чол ўзининг ўлиmidан кейин фарзандлари билангина яшашларини истарди.

Бир кун у утилаларини ҳузурига чорлади ва супур-гини ўртасидан синадиришни буюрди. Дастлаб тўнгич ўғли уринди, аммо ҳар қанча ҳаракат қилмасин, бу супурга қўлдан келмади. Ўртанча ва кенжа ўғил ҳам ошпаб олинмади. Шунда отаси супургининг ипини синаб, ўзининг титди ва болаларидан бир нечта супурги синадиришни синадиришни сўради. Улар буни осонлик билан бажаришди.

Шунда отаси "Ҳаётда ҳам худди шундай ҳол рўй берарди. Агар бирлашсангиз, сизларни ҳеч ким енгол-ламади, аммо тарқоқ бўсангиз, супурги чўпларидай ўзининг синадириб ташлайдилар", деди.



Ҳаётда танигчи — бирликда!

П.Элюар

ИККИ БҮРИ

Қадим-қадимда бир чол ўзининг набирасига ҳаётги кўрсаткич айтиб берган экан:

— Ҳар бир инсон вужудида аёвсиз кураш кечади. Бир неки бўри ўртасидаги олишувга ўхшайди. Бир бўри танада заҳарлат: гараз, нафрат, рашк-алам, афсус, худ-бинлик, ўзинга бино қўйиш, ёлгончиликни мужассам этган. Бошқа бўри эса яхшилик: тинчлик, меҳр-му-ҳаббат, орзу-умид, ҳақиқат, эзгулик ва садоқатни акс эттирилади.

Набира бу сўзлардан қалбининг туб-тубига ҳая-жонланиб сўради:

— Охирида қайси бўри енгади?

Чол кулиб жавоб берди:

— Ҳамиша ва ҳамма вақт сен боққан бўри ентиб қади.



Шундай инсонлар борки, ўзлари яшаётган дунёда янада яхшилайдилар. Улар дунёга эзгулик, мардонворлик, садоқат ва бирдамлик бахш этадилар. Асли бу инсонлар фургон ҳайдайдиларми, пул ишлаб турдиларми ёки бола тарбиялайдиларми — нима билан машғул бўлишларининг аҳамияти йўқ. Бундай кишиларнинг барчаси бизга ҳақиқатдан сабоқ беришадиларми, чунки ўзлари у билан келишувда яшайдилар.

А.Гарин

ДАНФИЛЛАМА УЙДАГИ БАХТСИЗЛИК

Бир эркак ҳашаматда яшашни орзу қиларкан. Ушбу яшаётган уйи, кийим-кечаги, бир сўз билан айтганда, атрофидаги ҳеч нима ёқмас экан. Бошқаларнинг ҳаммаси бор-ку, нима учун менда ҳеч вақо йўқ, Аммо ўз-ўзига савол беришдан эринмасмиш. "Агар чиройли уйим, дўзал хотиним, кўп пулим бўлганида, ўзимни нақадар бахтли ҳисоблардим", дея кун бўйи уйлоркан эркак.

Шундай кунларнинг бирида у сеҳргарни учратиб қолибди.

— Мен сенинг фикрингни уқдим, — дебди сеҳргар Ёрдам беришга тайёрман. Айт, нимани истайсан, барчасини муҳайё қиламан.

Эркак жудаям хурсанд бўлибди. Даставвал, у ўзининг бахтли бўлишига ишонмабди.

— Наҳотки шундай бўлса? Сўраганим заҳоти рўйи чиқадими-я! Балки эвазига бирор нарса истарсан?

Аммо сеҳргар ўзига ҳеч нима керак эмаслигини айтибди.

Сен кун вақтдан бери илтимос қиларкан, — дебди хотини учун ўзини нима кераклигини аниқ билмаган эркак деб уйлайман. Сўрагин, дарҳол муҳайё бў-

Ажойиб! — эркакнинг димоғи чоғ бўлди. — Менга шундан катта уй керак! Ажойиб пазанда ва зебо хотин керак. Ино ҳамиша кўп пулим бўлишини истайман. Ёнинг, — жавоб берди сеҳргар. — Сен уйкуга кетсан, эрталаб турганингда эса айттанларингнинг ҳаммасини муҳайё қиламан.

Эрталабдан ҳам эркак эрталаб уйқудан уйғонганида эса ҳашаматли уйда эмиш! Қаринида жилайиб турган соҳибжамол хотин. Нонушта алақачон тайёрланган. Ҳаммаси бениҳоя зўр! Банкда унинг номида пул очилган, пулларни қанча сарфламасин, ҳисоб китоби тўлаб турармиш. Эркак аввалига яна ўзининг эрталаб ишонмабди. У бутунлай ҳаяжон оғушида экан-

Аммо кун кетидан кун, ой ортидан ойлар ўтибди. Эр-киннинг ҳаётида ҳеч нима ўзгармаганди гўё. У ўз-ўзига эса берибди: "Яна нимани хоҳлашим мумкин, ахир ҳамма нарса бор-ку!" Аммо шунга қарамай, ўзи эрталаб бахт-саодатни ҳис қилмас экан. У яна сеҳр-гарни элқира бошлабди.

Мен нега бахтсизман, ахир ҳамма нарсам бор-ку? — дебди сеҳргар келгач.

Сен нималарни истаган бўлсанг, ҳаммасини ба-ридан. Шундай экан, ўз бахтинг ҳузурини кўравер-

Наолим йўқ. Мен улкан уйда ўзимни ёлғиз ҳис қилган, соҳибжамол хотиним бўлса ҳам хурсанд бўлган. Ушим истаган пуллар ҳам ҳузур-ҳаловат ба-риданмабди. Нега шундай, жавоб бергин, эй сеҳргар?

Сен мендан уй тиладинг, аммо унда меҳр-ҳаловат ва саранжом-саришталик бўлишини сўрамадинг! Хотин бўлдинг, бироқ муҳаббат ва садоқат ҳақида тапирганинг йўқ! Пул сўрадинг, аммо эркинлик, куч-қувват ва шодлик тапирганинг, улар айнан шуни сенга берган бўларди! — дебди жавоб берди сеҳргар.

Эркак қувониб кетди.

– Раҳмат, энди ҳаммасини тушундим, – деди у. Мен ана шу айтганларингнинг барини истайман! Иларни бергин!

– Хуп, агар сен ҳамма гапни англаган бўлсанг, буларнинг барчасини ўзинг ярат!

Эркак ўзининг оқдинги уйида хотинсиз, пуш ҳолда пайдо бўлди. Аммо энди унда аслида нимани тагалиги хусусида ишонч ва билим бор эди.



Сен аслида нимани хоҳлашингни бил, ўз ҳаётинг жавобгарликни зиммангга олишга шай бўл. Ана шу барчаси ҳақиқатга айланади.

МУАММО... ҚАНЧА ТОШ БОСАДИ?

Профессор қўлига сув солинган стаканни олади шогирдларидан сўради:

– Нима деб ўйлайсизлар, мана шу стаканнинг вази қанча?

Турли жавоблар эшитилди:

– Тахминан 200 грамм!

– Йўқ, 300 грамм бўлса керак!

– Балки 500 дир, ҳаммаси бўлиб!

Профессор давом этди: "Мен уни ўлчамасдан турганини аниқ айта олмаيمان. Аммо ҳозир бу муҳим эмас. Сизларнинг ҳар бири вақт эса шундай: агар стаканни бир неча даққа ушлаб турсам, нима рўй беради?"

– Ҳеч нарса!

– Тўғри, кўрқинчли ҳеч нима юз бермайди, – деб жавоб берди профессор. – Борди-ю, стаканни қўлинг икки соат маҳкам ушлаб турсам, нима бўлади?

– Қўлингиз оғриб қолади.

– Кун бўйи ушлаб турсам-чи?

– Қўлингиз қарахт бўлиб қолади. Сизда кучли мушак бузилиши ва фалажлик рўй беради.

Фотинингича, мен уни кун бўйи шунчаки ушлаб турсангиз, негадир эртанги кунда ўзгарадими?

Бўлмасин! – деб жавоб беришди талабалар.

Бундан кейин ҳаммасини тўғрилаш учун нима қилиш керак?

Уни стога устига қўйиш керак, вассалом! – қувноқ билан жавоб берди бир талаба.

Эркак шундай! – деди хурсанд бўлиб профессор. – Эртанги кундан кейинчиликлар билан ҳам айнан шу ҳол рўй беради.

Эркак бирор муаммони бир неча даққа ўйласанг, у муаммо пайдо бўлиб қолади. Агар муаммо ҳақида соатлаб ўйласанг, сени сўриб, жонингни ола бошлайди.

Эркак қанча ўйлама, одатда ҳеч нима ҳал бўлмайди. Эркак тобора оша боради. Муаммони фақат ҳаракат билан бартараф этиш мумкин. Уни ҳал қил ёки бир неча сўриб қўй. Сени қарахт қиладиган оғир тошни эртадан соғиб, кутариб юришдан асло маъни йўқ.



Эркаклар муаммони эмин-эркин муҳокама қилиш билан бундан буғиниларида аъло тарзда ечишлари мумкин.

Т.Маколей

ҚУРШОВДАГИ КИШИЛАР

Будда шогирдлари билан рақиблари яшайдиган қишлоқ ёнидан ўтиб кетаётганди. Қишлоқ аҳолиси улардан сакраб чиқиб, Будда ва шогирдларини ураб қўлидан алоқини олиб, тинмай ҳақорат қила бошлашди. Шогирдлар тутақиб кетишди ва қарши зарба беришга тайёр бўлишди, аммо Будданинг борлиги уларга хотиржамлик берди. Шу билан бирга Будданинг сўзлари қишлоқ аҳолисини ҳам, шогирдларини ҳам саросимага солиб қўйди.

У шогирдларига ўтирилиб, шундай деди: "Сизларнинг ронжигангиз. Бу одамлар ўз ишини бажармоқда. Улар назарга минган. Мен бу кишиларга гўё динлари,

ахлақий қадриятларнинг душманига ўхшаб кетман. Улар мени ҳақоратлаши табиий. Аммо сизга аччиқанасиз? Нима сабабдан бу кишиларнинг ушбу қадриятларини масхара қилишларига имкон берасиз? Ҳа, уларга боғлиқ бўлиб қолдингиз. Ахир сизлар ушбу эҳсончиликни қандай қилиб қўйиб бердингиз? Эмасмисизлар?"

Қишлоқ одамлари бундай гапларни асло кутини ганди. Шу боис ҳайрон бўлиб, жимиб қолшди. Сўз чўккач, Буда уларга бурилиб мурожаат қилди:

— Сизлар ҳаммасини айтиб бўлдингизми? Агар турмаган бўсангиз, мени яна ҳақорат қилишни имкони бўлади. Сизлар нима қарорга келсангиз, қанганимиздан кейин айтасиз

Рақиблар нима дейишни билмасдилар.

— Биз сени ҳақорат қилдик, — дейишди улар, — Ан
нега биздан хафа бўлмаяпсан?

– Сизлар эркин одамсизлар, – жавоб берди Булло Нимаики қилган бўлсангиз, бу ҳуқуқингиз. Мен буни жавоб беролмайман. Мен ҳам эркин одамман. Мен ҳеч ким тўсқинлик қилолмайди, ҳеч ким таъсир қилолмайман. Барча хатти-ҳаракатларим эркин ҳолатимдан келиб чиқади. Энди эса сизларга тигишли савол бермоқчиман. Ёнингиздаги қишлоқ аҳолиси мени хушнуд кутиб олиб, гуллар, мева-чева ширинликлар олиб келишди. Мен уларга: “Раҳмат, билакачаюн нонушта қилиб бўлганмиз. Бу меваларимнинг дуоларим билан ўзингизга олиб қолинг. Уларни қабул қилолмаймиз, чунки таом олиб юрмайсиз дедим. Энди эса сизлардан сурамоқчиман: “Уларни қабул қилолмай, ўзларига қайтарган егуликларини тинчи қилишлари керак?”

Оломон ўртасидаги бир киши шундай деди:

— Эҳтимом, уйларига олиб бориб, мева-чева ҳови ширинликларни болалари, oilаларига беришгандир!
Будда жилмайди:

— Сизлар ҳақорат ва қарғишларингиз билан нин қилмоқчисиз? Мен уларни қабул қилмайман. Агар уш мева ҳамда ширинликлардан юз утирсам, улар қайтарил

28

— Сизлар-чи? Мен ҳақоратларингизни
тасаввур Шундай экан, юкларингизни уйингизга
— Сизлар ва ниманки хоҳласангиз, шуни қилинг.

Ҳақини ҳақурағалай туриб, ўзинг ҳақинида ғамхурлик

Л. да Винчи

ОФИР ҰЙЛАР ЮКИ

...ишга уриниб кўр...

Биз катта уланнинг кекса денгизчи дўсти билан қирғоқ
дастур қилиб юрарди.

Уни қандайдир бир текис эмасди. Уни қандайдир

— Нима деб ўйлайсан, агар ҳозир
— аққиниб кетсам, алабатта чуқиб кетаманми? —

Этэ нунжарга яқинлашди. Жунбиша келиб қуту-
дан соғуқ тўқинларга қаради.

Дарига чуққан бўлардинг! — деди у ва титраб

ЭННИ ДЕНГЕЗЧИ ЭЪТИРОЗ БИЛДИРДИ.

Мен хәтимдә бирор марта
сүздә булган кишининг чүкканини курганим йүк!
Мен сүздә узоқ қоладиган булсам, шундагына чү-
кәтмен.

Бара, тұлқилар нақадаар кучли, — деди қиз пал-
лаңа жыжилаб уранар экан. — Сув ҳам муздай булса
ки йоран-ю, тирик қолганинда ҳам совуқ олдириб
атанинг учун шифохонага тушасан.

— Агар узоқ қолиб кетсам, сен айтган ҳолат юз бера
Ахир, мен денгизчиман! Куп марта сувга йиқилганм
шу боис, нима деяётганимни аниқ биламан. Мен
ринчи марта сувга йиқилганимда дахшатга тушганм
Сунгра ҳеч нима хавф солмаётганини билиб, тезг
чиқиб кетганман. Сенинг муаммоларинг билан
хуади шундай ҳолат юз берган! — дея мулоим
рожаат қилди у қизга. — Хўрсиниб, азоб чекиб
гандан кўра, яхшиси гам-ташвишдан қандай қил
тезроқ чиқиб кетишни ўйлагин!

Аксар ҳолларда муаммо муаммодан иборат бўлган
учун эмас, балки биз уни қандай қабул қилишимиз
бориб тақалади.

СУВДАГИ ҚАДАМЛАР

Бир эркак уйига одатдагидан барвақт қайтди. У
дарёнинг нариги қирғоғида жойлашганди. Шу бо
кичик кемага кечикмаслик учун жуадам шойилар
“Хотиним мени кўрса, нақадар қувонади!” деб ўйла
эркак.

Афсуски, у бир неча дақиқа кечикди, холос. Ке
қирғоқдан сузиб кетди. Эркак ниҳоятда ранжиди, ах
унинг қайтиши учун бир неча соат кутишга туғри
ларди.

Эркак қирғоқда утириб, бошини эгди. Шунда одам
бир донишманда одам келиб, “Нега ғамгинсан? Ўрни
дан тур ва олға қараб юр!” деб айтди.

— Ахир дарё бор-ку! — ҳайрон бўлди эркак.

— Демак, сув устидан юрасан!

— Мен эплаёлмайман!

— Энди эплайсан, — деди донишманда жиддий
ишончли овозда.

Эркак донишмандага қаради ва унга ишонди. У
барвақт боришни шунчалик истадики... Ўрнидан са
раб турди ва... сув узра юриб кетди. У ҳақиқатан х
сув устида қадам ташларди!

Уйга келиб, ҳаммаси тўғрисида гапириб берганида
таниш унга “Ростданми? Унда бутун мутлақо бошқача
ам билан танишибсиз! Нега уни меҳмонга таклиф
намодингиз?” деди.

“Ҳақиқатан ҳам уйга таклиф қилиш керак эди” ўй-
дан эркак ва донишмادнинг ҳузурига йўл олади. У
ерини кесиб ўтди ва донишмандни ўша жойдан топади.
— Биз хотиним билан сизни уйимизга таклиф қи-
ляпти, — дея мурожаат қилди эркак. — Борсангиз гоят
оминун бўлардик.

— Мен ҳозир боролмайман, — жавоб берди дониш-
ман. — Кема бир неча соатдан сўнг келади.

— Кеманинг нима кераги бор? — ҳайратга тушди
эркак. — Ахир сиз сув устида юра оласиз-ку!

— Ҳозирча кема бари бир менга керак. Сув устида
риниши биламан, аммо бунга ишончим комил эмас.

Энг муаҳиш ишончсизлик ўз-ўзига ишонмаслиқдир.
Т.Карлейль

ТАБИБ ҚОЧДИ, ҚУВ!

Бир қуаратли подшоҳ хасталаниб қолди. Унинг аҳ-
дан кундан-кунга оғирлашаверди. Саройга табибни
таклиф қилишди. У қандайдир доривор гиёҳлар билан
шаволай бошлади, аммо ҳеч қандай самара бермади.
Подшо тобора кучдан кетаётганини ҳис эгди. Натижада
онидан аччиқланиб, уни қатл қилишни буюрди. Под-
шоҳ ҳузурига бошқа табибни олиб келишди, аммо у
он ҳукмдорни даволай олмади. Шу боис қатл қилинди.
Ун ўтмай, бутун бошли салтанатда битта ҳам табиб
олмади.

Подшоҳ ниҳоятда қуаратли эди, аммо энди бунинг
қамияти қолмаган, чунки куч-қувват уни бутунлай тарк
етганиди. Атрофдагилар ҳукмдорнинг паҳлавонларга
ис саломатлиги қаёққа кетганидан ҳайратга тушганди.

У машхур табибларни излаб топиш учун бутун дунёга чопар жўнатди. Уларга улкан мол-мулк бериш ваъда қилди, аммо ҳеч ким бу подшоҳни даволашга истамасди. Чунки аввалги табибларни қандай қадар кўп ганини билишар, ўз ҳаётларини таҳликага қолдириш истамасдилар. Подшоҳ чуқур умидсизлик гирдобга тушиб қолди, у ўлишни мутлақо истамасди. Тўғри, бир ёш табиб ёрдам беришга рози бўлди. У сарой келиб подшоҳга "Мен сизни даволайман, фақат бунга айтганларимни қилишингиз керак. Розимисиз?" деди.

Подшоҳнинг бошқа иложи йўқ, шу сабабдан рози бўлди. Шунда табиб ваъда қилинган мукофотини бериш ҳамда подшоҳликдан энг яхши от тайёрлашни буюртмади. Шу билан бирга ҳамма хизматкорлар-у мулозимлар барча посбонларнинг саройини бир кунга тарк этишни талаб қилди.

Ёш табибга энг учқур отни тайёрлаб, ваъда қилиш мол-мулкни бердилар. Белгиланган вақтда барча отлар саройини тарк этишди. Фақат табиб билан посбон қолди, холос.

— Энди махфий дорингни бериб, мени ўлимдан қўтариш мумкин, — деди подшоҳ заиф ва паст овоз билан. Табиб унинг юзига тик қараб қолди.

— Дори дейсанми? Сен ҳеч қандай дорига эришсан! Сен зolim ва багритош ҳукмдорсан, ҳатто ўзини оқидан ҳам одамларга раҳминг келмайди. Менда қандай дори-дармон йўқ. Ҳеч қачон бўлмаган қасди Сени алдаган эдим!

Подшоҳ даҳшатга тушиб қолди. Табиб уни эса от тўхтамасдан энг қабих сўзлар билан ҳақоратлар билан ҳатто ётган жойидан туролмасди. Дорини бўлган подшоҳ мулозимлари ҳамда посбонларини чақира бошлади. У, табибни жазолаш керак, деб қарар, аммо ҳеч ким жавоб бермасди, чунки барча барчани подшоҳлик чегарасидан нарига кетини ўзи бутурган эди. Подшоҳ ўзини тўтолмагандан қўлга газабдан титради. У табибга ниманидир улоқтиришга аммо теккиза олмади.

Табиб шундан чاقқонлик билан итариб юборди. Шундан жойидан пастга қулаб тушди. Ҳукмдор зарб қилишга рози бўлди. Аммо бу табибга жуда кам кўч берилди. Шундан сўнг бемор ҳукмдорни турли-туман даволаш билан ҳақорат қилишда давом этарди. Подшоҳ шундан ўзини қўлга ололмасди. У бутун ҳаёти даво-да ўз ишларини нисбатан бундай ҳақоратли сўзлар-билан ўтказиб кетди. Бу ҳукмдор ҳар бир фуқа-ҳонинг оғирлигини кўрқув уйғота оладиган кучли ва қўрқоқ иншо эди. У ўзини ранжитган кишининг қўли билан бўғаласин, боплаб адабини бериб қўймоқчи эди.

Бир кунда бор кучини йиғиб, табибга қарши ҳақоратлар аста-секин, кейин тезроқ ҳақоратлар билан келди. Табиб эса подшоҳ шайнига янги-янги қўлларини ишлатиб, анча узоқлашди. Шунда табиб шайнига тушиб, қадинни ростлади. У табибнинг қўли билан, жазолашни хоҳларди. Оёқларига зўр берди. Шундан қилиб, ҳар иккаласи ҳам югурарди. Табиб сарой отга миниб олди ва ура қочди.

Подшоҳ ўзининг отига миниб уринди. Аввалига табиб анча қийин туялди. Аммо табиб узоқлашиб, қўлини кетайтганини кўргач, уни қувиб етишга аҳд қилди. Шу билан оғриқни енгиб, отини чоптириб кетди. Табиб аста-секин, сўнг яна ва яна тезлашди. Мана табиб ўтнинг бор кучи ила шитоб билан югуртира бош-лади.

Бир кунда подшоҳ улкан ором ва ҳаловатни ҳис қилди. У яна отга экан, чавандозлик билан ҳузурланиши билан қўлини амин бўлди. Подшоҳ тўшақда узоқ вақт қўлини ётган, ҳузурбахш ҳиссиётларни бутунлай унут-тиб қўйган эди. У ўзининг вужудига қулоқ тутиб, анча қўлини ҳис этди. Сўнг жilовни тортиб, отни қўли билан эрмакка чоптира бошлади. Саройга қайтгиси билан қўлини қолди. Табибни қувиб етиш истаги ҳам табибнинг қўли билан бўлди.

Сарой мулозимлари кўзларига ишонмай қолдилар. Табибни қутиб ётган подшоҳ ўрнига от устида чаққон

чавандоз утирарди. Ҳамма подшоҳни ҳаётга қайтариниб табиб қандай дори уйлаб топган экан, деб билан уринарди. Аммо подшоҳ фақат бир огиз гапни қатарарди, холос: "Ана табиб-у, мана табиб!"

Икки турдаги раҳм-шафқат мавжуда. Улардан бири — иродасизлик ҳамда ортиқ даражада ҳиссиёт берилишдан иборат. У юракнинг бегоҳлиги, унинг бахтсизлигини кўриб, огир ҳис-туйғуларнинг тезроқ халос бўлишга интилиш туйғусидир. Бу раҳм-шафқат эмас, балки бошқаларнинг ранж-аламиди. Узини чегаралашнинг беихтиёрий ҳиссидир. Шу билан бирга, бошқа раҳм-шафқат ҳисси ҳам бор — у ҳақини бўлиб, ҳиссиётларга берилишни эмас, балки ҳаракат талаб этади. Бу ҳиссиёт нима хоҳлаётганини билди қатъият, ранж-аламдан тортиб, раҳм-шафқатга лимидир. Бу ҳиссиёт инсоният қўлидан келадиган умиддан ҳам зиёда ишларни амалга оширишга қодир.

С.Цве

ТУЗ КАПАЛАГАН НОДОН

Бир куни нодон қандайдир кишининг уйига бор қолди. Уй эгаси уни меҳмон қила бошлади. Аммо егул тузсиз ва бемаза эди. Буни англаган меҳмон туз қўш

Туз таом мазасини тобига келтиргач, нодон ўзи уйлади: "Демак, ҳамма гап тузда экан. Агар бир чимдан билан шунчалик мазали чиққан бўлса, кўпроқ қўш нима бўларкин?"

Аҳмоқ аҳмоқлигича қолаверади: у ўша заҳоти фан тузнинг ўзини тановул қилишга тутинди. Тузни ютди роҳатланиш ўрнига азобга қолди.

Майда масалаларда калтафаҳм бўлган одам йир масалаларда ҳам калтафаҳм бўлади.

С.Бага

ИШЛАШ ВА ИШЛАШГА ҚАНДАЙ УЛГУРИШ КЕРАК?

Бир кеча-кунаудда 48 соат ва ундаан ҳам кўп вақт бўлиши мумкин

Эсингизда бўлсин, вақт — пул демак.

Б.Франклин

Ҳаётингиз давомида: "Афсус, менинг эгизгим йўқ!" деб ўйлаган лаҳзаларингиз бўлганми? "Эҳ, нега бир кун фақат 24 соатдан иборат", деганмисиз?

Шу қадар кўп ишга улгурмоқчи бўласиз, аммо сира ўқит етмайди! Ҳаётингизни ёруғ ниятлар банд этган. Малага ошматан бир олам режаларингиз мавжуда, улар-руёбга чиқариш учун вақт етмайди!

Таниш вазият, шундай эмасми?

Биз вақтни пулга сотамиз, яъни бизга ким пул тўтса, ўша учун ишлаймиз. Агар ишламасак, ҳақ ту-шмайди. Қўнчилиқ кишилар буни мунозарага ўрин қўймайди. Қўнчилиқдан ҳолат деб билишади. Аммо ҳаммаси ошқача бўлиши ҳам мумкин!

— Нималар деяпсиз? — хитоб қилди дарахт кесувчи овчига ҳайрон боқиб. — Эговлаш учун умуман вақтим йўқ, мен фақат арралашим керак!

Дарахт кесувчи яна ишга тушиб кетди.

Бир зум тўхта ва қара, балки етиб келгандирсан.

ОСМОНДАГИ ТОРТИШУВ

Бир кунни Қуёшнинг йўлидан Ой чиқиб қолди.

— Салом, Ой! Қаердан келиб, қаёққа кетяпсан? — сўради у.

— Йўл боши ҳисобланадиган ғарбдан келяпман. Менинг йўлим яқин эмас. Ҳозир Шарққа, мана шу йўл тутайдиган жойга бораман.

— Э йўқ, сингилжон! Сен ҳаммасини чалкаштириб юбординг! — деди Қуёш. — Бу йўлнинг бошланиш жойидан, яъни Шарқдан Ғарбга томон мен юриб боряп-ман.

Ой ва Қуёш тўхтаб, тортиша бошладилар. Улар ўрнинг бошланиши ва охири қайда, деб мунозара юнатишди. Қаерга бориш керак деб роса иккиланишди.

Шундан сўнг Ой ўйланиб қолди ва қизариб, шундай деди: "Тортишишнинг мутлақо кераги йўқ! Бизнинг ўрнимиз битта, қаерга боришнинг аҳамияти йўқ. Энг асосийси — тўхтамаслик".

Қуёш ҳам ўйланиб қолиб, саргайди. Сўнгра қўшиб аўшди: "Азизам, кимдир тўхтаса, унинг йўли йўқолади. Аниқо бахт-саодат бу — шунчаки қаергадир бориш эмас, балки мўжжаланган мақсаднинг сари одимлаш, адомақдир".

Шу билан қадрдон дўстлар ажрашдилар: ҳар бири ўз йўлига қараб кетди!

Ўз йўлигдан юр, бошқалар нима деса деяверсин.

А.Данте



III БЎЛИМ

САБР-ТОҚАТ ВА МЕҲНАТ

Сабр ҳар не эшикни очишга қодир
Тоқат қил ва муродингга ишонгил
Гулхон

“МЕН, ЯХШИСИ, БОЙ БЎЛАМАН”

Дехқон қунт билан ўз даласига дон сепарди. Унинг олдига бир бола келиб деди:

– Мен катта бўлсам, ҳеч қачон дон сепмайман!

Эркак унга бир қараб қўйди-ю, лом-мим демади.

– Ахир бу фойдасиз иш-ку, – давом этди бола. Яхшиси, мен бой бўламан.

– Нега бундай деб ўйлаяпсан? – сўради ундан деҳқон.

– Сиз шунча ишлаб, тер тўқасиз, уруг сепасиз-аммо уругларнинг ҳаммаси ҳам униб чиқмайди. Қаранг қушлар чуқиб кетяпти. Бир қисми ерга тўкиляпти айримлари эса бегона ўт туфайли униб чиқмайди. Бу жуда оғир ва фойдасиз меҳнатнинг айнан ўзи.

Қария бир оз индамай турди, сўнг жавоб берди: “Сенинг ким бўлишинг аҳамият касб этмайди, бироқ бир уруг сепасан. Ютуққа эришиш учун эса уруг сепишни эплаш керак. Бу ҳаёт негизи. Сен нима билан машғул бўлма, йўлингга ҳамиша тўсиқлар учрайди, бироқ бегона ўт, қушлар ёки бошқа нимадир бўлиши мумкин. Душманингга бутун диққатингни жамлаб қарамасдан яхшиси, ўз ишингни қилишда давом эт! Ақли одам ҳамиша уруг сепишни давом эттираверади. Шу билан бирга фақат битта сепилган уругга умид боғлаб ўтиравермагин. Яна кўпроқ, яхшироқ ишла!”

– Куп ишлаш?! Шуми далангиз менга ўргатадиган ягона қоида?! – деб тиржайди бола.

– Фақат битта ишнинг ўзи етарли эмас. Ҳар бир ишда сабр-тоқат керак. Уруг экилгандан сўнг ҳосил

дарров йигиб бўлмайди. Унинг униб-ўсиши учун вақт керак. Табиат қонунини бузиш мумкин эмас: дастлаб эксан, ўстирасан ва ана шундан кейингина ҳосилни йигиб оласан.

Аммо энг асосийси, нима эккан бўлсанг, шунини ўра-сон. Яхшиликни эккан бўлсанг, у янада кўпайган ҳолда ўзингга қайтади. Уругларни ниҳоятда эътибор билан парвариш қилиш керак. Агар шундай қилинмаса, у тосқари натижа бериши ҳам мумкин.

Одамларга меҳрли ва мулойим инсон,

Яхшиликка яхшилиқ қутмагай асло.

Ёмонми, яхшими, билгил, муқаррар:

Нима эксанг, ўрасан, шудир энг авло.

М.Шафий

ИККИ КАМЧИЛИК

Ўтган замонда бир киши уйда йигилганларга қан-дайди нотаниш одамнинг ўта хушмуомала хулқи тугрисида тўқинланиб гапириб берди. У айтган одам иккита камчиликка эга бўлиб, биринчидан, тез газабланар, иккинчидан, ҳақдан ортиқ даражада шошқалоқ экан.

Шу гаплар айтилаётган айти пайтда гапирилаётган киши ён-атрофдан ўтиб кетаёттанди. У ҳаммасини эшитди. Сўнг бақир-чақир билан уйга бостириб кирди. Ёни ўзи ҳақида гапирган кишини бўғиб олди-да, юзига тирсаки қўйиб юборди.

– Уни нима учун уряпсан? – сўрашди бошқалар.

– Мен тез аччиқланар эканман, хатти-ҳаракатларим-да шошқалоқ эмишман. Қачон шундай бўлганимни кўрибди? – деди у. – Шу сузлари учун урдим.

– Мана ҳозир шу дамда сен ўзинг жаҳлинг тез чи-киши ва хатти-ҳаракатда шошқалоқ эканлигингни ис-ботлаб бердинг-ку! Қандай қилиб рад этасан? Бу киши камчилигинг тугрисида эндигина сўз бошлаганди. Сен эса дарров газабланиб, уни уриб кетдинг.

Ҳа, бу одамнинг гумроҳликка қўл уриши ҳаммаи хайратга солганди.

Бу телба дунёдаги ҳар қандай киши ҳаётида ҳам шундай каби воқеалар учрайди. У эҳтиросга берилиб, айб иш қўл урганини билмай қолади. Курақда турмайдиган хатти-ҳаракатлар содир этади. Атрофдаги кишиларнинг таъна-маломатлар эшитгач, янада ҳаддидан ошадиган Ваҳоланки, агар у далилларга қўлоқ солганида, ҳаммасини тушуниб олган бўларди.

Узганинг камчилигини сир сақлашга уринмаган киши ҳам жазога лойиқ. У бошқа одамнинг нуқсонларини ҳақида гапиргани учун калтак ейди.

Агар ақл-идрок газаб ёки жазава таъсирига берилса ва сўқир жаҳл дўстни хатти-ҳаракат ёки сўзлар билан ҳақоратласа, кейин кўз ёшлар ҳам, оҳ-воҳлар ҳам ҳаттонини тузатишга қодир бўлолмайди.

А.Аристов

БИР УМР ЁЗИЛГАН КИТОБ

Хитойда бир ёш ва қизиқувчан император яшашни ўтган экан. Эндигина тахтга утирганига қарамай, у жуда ҳам кўп нарсани билар, аммо янада кўпроқ билгани келаркан. Бир кун сарой кутубхонасида ўқилмаган китоблар анча бисёр эканлигини билиб, ҳаммасини мутолаа қилишга илҳом топиб, императорнинг қўлига қўлади. Шу боисдан ҳам сарой донишмандини чақириб, бутун инсоният тарихини ёзиб чиқишни буюрибди.

Донишманд узоқ вақт тер тўкибди. Йиллар ўтибди ва ниҳоят хизматкорлар император хонасига инсониятнинг бутун тарихи ёзилган беш юзта китобни олиб келишибди. Бундан император таажжубга тушибди. У энди ёш бўлмаса-да, билим олишга иштиёқли уни ҳали тарк этмаганди. Аммо бу китобларни ўқиб чиқиш учун йилларни сарфлашга қўрби етмас, шунинг учун фақат энг муҳим ўринларини қолдириб, қолганини қисқартиришни илтимос қилибди.

Донишманд яна кўп йиллар тер тўкибди. Бир кун инсониятнинг император ҳузурига эллигача китоб олинган аравани олиб киришибди. Император бутун китобларни ўқиб кексайиб қолганди. У бу китобларни ҳам ўқиб чиқолмаслигига кўзи етибди. Шу боис донишманддан уни керакли ўринларини қолдиришни сўради.

Донишманд тагин ишга киришибди. Маълум вақт ўтгач, бутун инсоният тарихини ҳаммаси бўлиб битта китобга жойлаштиришга муваффақ бўлибди. Аммо китобни келтирилганларида император ўлим тўшагидан ўтар, у шу даражада рамақижон бўлиб қолгандики, китобни ҳатто очиб олмайди ҳам. Император нариги дунёга рихлат қилиш олдидан инсоният тарихини ниҳоятда қисқа таърифлашни илтимос қилибди.

Донишманд китобни очиб, охириги саҳифага бир неча жумла ёзибди: *ИНСОН ТУТИЛАДИ. АЗОБ ЧЕКАДИ ВА УЛАДИ...*

ИНШАХАНИ ЙЎҚОТГАН МАКТУБ

Бир кун ёзувчи ўзининг танишидан мактуб келди. Хатда адабнинг ҳикоясига муносабат билдирилганди. Ёзувчи дастлабки бир неча қаторни ўқиди. Унда: "Сизнинг ҳикоянгиз менга тегиб кетди..." деган сўзлар ёзилганди. Ёзувчининг аччиги чиқди. Чунки асар яхши, унда кимгадир тегиб кетадиган сўзлар йўқ эди.

У анча пайтгача аччиқланиб юрди. Хатто иштаҳаси йўқолди. Мактуб ёзган кишини учратиб қолганида, эса адабиёт борасида ҳеч нимани тушунмаслигини, ҳикояда ёмон сўзлар учрамаслигини айтиб, овозини бир парда кўтарди.

Хат ёзган киши эса адабга ҳайрон бўлиб қаради ва нима ҳақда сўраётгани билан қизиқди.

— Нима ҳақда бўларди, албатта, сизнинг мактубингиз тугрисида, — деб жавоб берди ёзувчи.

— Ахир мен ҳикоянгиз борасида ижобий фикр билдирганман-ку, — ҳайрон бўлди ўша киши, — сиз адабга ухшашсиз.

– Мен асло адашганим йўқ. Сиз ёзган сўзларни бир неча марта оқиб ўқидим. Умуман, уни ёддан биламан. Сиз "...ҳикоянгиз менга етиб кетди", деб ёзгансиз.

– Кейин-чи? – сўради мактуб эгаси.

Ёзувчи чўнтагидан гижимланиб кетган хатни чиқариб, тутилганча "Сизнинг ҳикоянгиз менга етиб кетди..." ва юрагимнинг туб-тубига қадар титратди" деган сўзларни ўқиди.

Сабр бизни мақсад сари яқинлаштиради, фараз эси ундан узоқлаштиради.

Ж.Дюбуа

"СЕҲРЛИ" МИХЛАР СИРИ

Жаҳли жуда тез ва ўзини тутамайдиган ёш йигит бор эди. Кунларнинг бирида отаси унга бир халтача миҳ бериб, қаҳр-ғазабни жиловлай оламаса, ҳовли деворидаги устунга биттадан миҳ қоқишни буюрди.

Дастлаб устундан бир неча ўнлаб миҳлар жой олди. Ҳафта ўтиб, ўтил қаҳр-ғазабини жиловлашни ўрганди. Кун уттан сайин устунга қоқиладиган миҳлар сонини камая бошлади. Ўсмир миҳ уришдан кўра, ўзининг миҳ жозини назорат қилиш енгил эканлигини англаб етди.

Ниҳоят у бирор марта ҳам ўзини идора қилишни йўқотмаган кун етиб келди. Бу ҳақда отасига ҳикоя қилиб берди. Отаси эса ўзини қўлга олишни уздамалган ҳар бир кунни устундаги битта миҳни сугуриб ташлашни мумкинлигини айтди.

Вақт ўтди ва ўтил устунда миҳ қолмагани ҳақида айтиладиган кун ҳам келди. Шунда отаси унинг қўлидан тутиб, деворга яқин олиб борди.

– Сен бу ишни ёмон бажармадинг, аммо устунда қанча тешик қолганини кўряпсанми? У ҳеч қачон оладингидек бўлолмайди. Агар одамга ҳам бирор нозини сўз айтсанг, унда ҳам ана шу тешикка ўхшаш чандиқ

қолади. Сен неча марта кечирим сўрасанг-да, бунинг аҳамияти йўқ, изи қолаверади.

Яхшилик осон ўчур хотиралардан,
Ёмонлик йўқ бўлмас ер остида ҳам.

Ж.Жебран

ҚУРИБ ҚОЛГАН МЕВАЛАР

Нар ва ургочи кабутар ин қуриб олишди. Кузда мевалар пишгач, улар инни мевалар билан тўлдириб ташлашди. Бир оз вақт ўтгач, мевалар қуриб, иннинг ярми бўшаб қолди.

Нар аччиқланиб, ургочи кабутарга мурожаат қилди: "Биз мева теришда бирга тер тўқдик. Кейин эса фақат сен ебсан. Қара, иннинг ярми ҳувилаб қолибди".

– Мен мутлақо еганим йўқ, – жавоб берди ургочи кабутар. – Меваларнинг ўзи кичрайиб қолди.

Кабутар бу гапга ишонмади ва жаҳдан титраб деди: "Агар емаганингда, бунчалик камайиб кетмаган бўларди".

У шу заҳоти мода кабутарни чўқиб ўлдирди.

Орадан бир неча кун ўтмасдан кучли ёмгир ёғди. Мевалар шишиб, олдин қанча бўлса, шунча миқдорга етди. Кабутар бунни кўргач, бирдан пушаймон бўлди.

– У ҳақиқатан ҳам емаган экан. Мен эса уйламай-нетмай ўлдириб қуйибман.

Кабутар мотам ичида гув-гувлаб, ургочи кабутарни чақира бошлади:

– Қаёқларга ташлаб кетиб қолдинг?!

Одамлар ҳам шундай қилишади. Улар ҳамма вақт ўзини осмондан қилиб фикрлайдилар. Уйламай-нетмай шайтоний ҳис-туйғуларга берилишади-да, буларнинг

барчаси вақтинчалик эканлигини билишмайди. Улар қатъий тақиқларни жорий этишади, пушаймонлик эса анча кеч келади. Қўлдан кетганини қайтаролмайсан. Кейин фақат огир оҳ чекканинг қолади, холос. Худди аҳмоқ кабутар каби.

БОЙНИНГ УЙИДА...

Бир киши донишманддан сўради: "Бойлик муҳимми ёки донишмандликми?"

Сўраётган кишининг бойлиги анча куп бўлиб, бежир бу ҳақда сўрамаганди. Шу сабабли донишманд кулиб қўйди ва шундай деди:

— Албатта, энг аҳамиятли ва ниҳоятда қимматлиси донишмандлик ҳисобланади.

— Ундай бўлса, айтинг-чи, мана сиз билимдон одам-сиз, — деди ҳалиги одам. — Бой кишиларнинг уйига кириб юрасиз, аммо бойлар сизнинг уйингизга кирганини ҳеч қачон кўрмаганман.

Донишманд кулимсиради ва шундай деди:

— Ҳа, донишманд кишилар ақли ҳамда билимдон бўлганлиги туфайли бойликнинг қадрига етадилар. Шу боис бойларнинг ҳузурига боришади. Бойлар эса шунчаки бой холос, бошқа ҳеч ким эмас. Улар ақл-зоковат қадрига етишмайди.

Инсон қадри унинг мол-мулки билан ўлчанмайди, у ўзи бунёда этган нарсаларда намоён бўлади.

Ж.Жебран

КАМСИТИШМИ ЁХУД ЭЪЗОЗЛАШ?

Ёзув столи устида бир хилдаги оппоқ қоғоз тахлами турарди. Аммо кунлардан бир куни улардан бири турли чизмалар, чизиқлар, нуқталар, белгилар пайдо бўлди. Афтидан кимдир патқаламни олиб, сиёҳдонни ботирган, варақни ҳар хил сўз ва турли-туман расмлар билан тўлдирганди.

— Мени қулоқ эшитмаган камситишларга гирифтор қилиш сенга нима учун керак бўлиб қолади? — деди қоғоз юраги сирқираб сиёҳдонга. — Сенинг асло ўтмайдиган сиёҳнинг оппоқ юзимини доғ қилиб, бир умрга ишдан чиқарди-ку! Энди мен бу аҳволда кимга керак бўламан?

— Ташвиш тортма, — деб таскин берди сиёҳдон. — Сени камситишни ҳеч ким истамаган, обрўингга ҳам путур етмади. Фақат кераклик гапларни ёзиб қўйишди. Энди сен шунчаки оддий қоғоз парчаси эмас, балки хат битилган мактубсан. Сен инсон тафаккурини ўзингда жо этиб, сақлай оласан. Бу тургидан-турри вазифанг ҳамда бутук қадр-қимматингдир.

Хушмуомала сиёҳдон ҳақ бўлиб чиқди. Стол устини йиғиштираётган киши вақт ўтиши билан сарғайиб қолган қоғоз варақларига кўзи тушди. Уларни тўплаб, ёниб турган печкага ташламоқчи бўлди, аммо бирдан бошдан-оёқ "қорайган" ва "тўлдирилган" вараққа кўзи тушди. Кераксиз қоғозларни ташлаб юборди-ю, ёзув битилган варақни қўлига олиб ўқиди. Сўнг уни инсоният ақл-заковатининг белгиси сифатида асраш вазирлигини англаб, эҳтиёткорлик билан стол қутисига солиб қўйди.

Инсоннинг биринчи вазифаси ақлий ва бошқа са-лоҳиятларни суниистеъмола қилиш эмас, балки бурчни адо этиш бўлмоғи лозим.

А.Сталь

БУЗОҚНИНГ ҚОЧГАНИ...

Бугу дәрё бўйига сув ичиш учун келди. Ўз аксини суяда кўриб, шодланиб кетди. Шохларининг баҳайбат ва бурама эканлигидан кўкси қабарди. Кейин эса варақларига кўз ташлаб, "Фақат оёқларимгина хунук ва ингичка", дея афсусланди.

Бирдан шер сакраб чиқиб қолади ва бугута отилади. Бугу текис дала бўйлаб қочиб борарди. Ўрмонга етгач, унинг бурама шохлари дарахт буталарига тикилиб қолади. Шер бугунни тутиб олди.

Буту ўлими олдидан зорланиб:

— Мен нақадар нодон эканман! Бекордан-бекорга оёқларимдан нолибман. Улар мени кутқарди. Мен нимадан шодланган бўлсам, ўшандан нобуд бўлдим.

Ақл ва юрак гўзаллик ёнида ҳамisha камбағал қариндошлар каби таассурот қолдиради.

Э.Рей

БЎЙНИ ҚҲЙШҚ... ЯХШИЛИК

Бир киши яйловда туяни кўриб, унга бўйни қийишқлигини айтиб таъна қила бошлади. Туя эса хотиржамлик билан "Қийишқлигим учун таъна қилмай қўя қол. Кел, яхшиси, мен олдинга тушиб, тўғри йўлдан юраман. Ана шунда бўйним қандай тўғриланишини кўриб, эгрилик ҳам маълум мақсадни кўзлаб вужудга келганини англаб оласан. Камон ҳам худди шундай! Агар у эгри бўлмаганида, ўқ қандай қилиб тўғри учиб бориши мумкин?" деб жавоб берди.

Уларнинг суҳбатини эшитиб турган бир киши "Яхшиликка буюрган майиб-мажруҳлик ақлли кишилар учун ҳамisha гўзалдир. Улар ҳеч қачон буни нуқсон ўрнида кўрмайдилар", деб муносабат билдирди.

Дилинг, тилинг ва қўлинг эгри бўлмасин.

ОЛОВДАГИ КАПАЛАК

Уч капалак ёниб турган шам устидан учар экан, олов ҳодисаларини муҳокама қилишга киришди. Улардан биттаси аланга яқинига келиб, "Олов ёруғлик чиқарар экан", деди.

Иккинчиси шамга янада яқинлашиб, қанотларини куйдириб олди-ю, капалаклар ёнига учиб бориб, оловнинг куйдириши ҳақида маълум қилди.

Учинчиси ҳаддан зиёд яқин учиб борди ва ортига қайтмай, гойиб бўлди. У нимага қийишқан бўлса, шунини билиб олди-ю, аммо бу ҳақда қолганларга айтиб нақтанишни ўзига эп кўрмади.

Билим олган одам унинг имкониятлари ҳақида гапиришдан маҳрум бўлади. Шу боис билимдон жим юради, маҳмадона эса буни тушунмайди.

ПОДШОҲНИНГ УЗУГИ

Сулаймон деган подшоҳ ўтганди. У доно бўлишига қарамай, ҳаёти ниҳоятда нотинч эди. Бир куни Сулаймон сарой донишмандидан маслаҳат сўрашга қарор қилди. "Менга ёрдам бер, ўзлимгидан чиқиб кетишман. Эҳтиросларга берилиб кетишга мойилман. Бу эса ҳаётимни мураккаблаштириб юборди!" — деди. Донишманд шундай маслаҳат берди: "Мен сенга қандай ёрдамлашини биламан. Мана бу узукни тақиб ол. Унда "Бу кунлар ўтади!" деб ёзилган. Қачон ниҳоятда гап-балабансанг ёки ҳаддан зиёд қувонсанг, узукдаги ёзувга шунчаки қараб қўй. Ана шунда у сени ҳушёр торттиради. Эҳтирослардан халос бўласан".

Сулаймон донишманднинг маслаҳатига амал қилиб, хотиржам бўлди. Аммо бир куни газаб келиб, одагга нувофиқ узукка кўз ташлади, аммо бу унга ёрдам бермади. Аксинча, Сулаймон ўзини янада идора қилолмай қолди. У бармоғидаги узукни ечиб, анча наридаги кўлга отмоқчи бўлди. Шунда бирдан узукнинг тескари томонида ҳам қандайдир ёзув борлигига кўзи тушди. Қараса, унда ҳам "Бу кунлар ҳам ўтади!" деб битилган экан.

Ортиқча ҳиссиёт ҳамisha ишончли йўлдан оғдиради. Бу ҳақда ёдда тутар экансан, адолатга қарши бормайсан, мулоҳазакорлик чегарасини бузмайсан. Ҳиссиётни жиловлаб, унинг устидан ҳукмронликни сақлай оласан.

Б.Грасиан

ОМОЧ СУДРАГАН ДҮСТ

Бир деҳқон ҳайвонлар тилини тушунарди. У ҳар куни молхона ҳовлисида ушланиб қолар, улар нима ҳақда гапиришларига қулоқ соларди. Бир куни ҳукин эшакка йиғлаб, ўзининг оғир юмуши ҳақида гапириб бераётганини эшитиб қолди.

— Мен омоч тортиб, эртаю кеч ишлашим керак. Кун қайнаган бўладими, оёқларим қаттиқ оғриб, бўйинимни бўйинтуруқ қийиб юборишидан қатъи назар, ишлашим лозим. Сен эса бу вақтда маза қилиб дам оласан. Байрамона жулни устинга ташлаб, ҳўжайин бирор жойга боришни истаб қолса, уни элтишдан бошқасини билмайсан. Борди-ю, боришнинг ҳожати бўлмаса, кўм-кўк майсани кавшаб кун бўйи дам оласан.

— Қадрли дўстим, — деб жавоб берди эшак, — ҳақ қатан ҳам ишинг жуда оғир. Мен сенга ёрдам бериб, ишдан озод қилмоқчиман. Кун бўйи дам олиш учун нима қилишинг кераклигини айтаман. Эрталаб қула келиб, сени омочга қўшмоқчи бўлаганида, индамая ётавер. Кучли инқилагин, токи у ҳўжайинга касал бўлиб қолганингни, ишлай олмаслигингни айтсин.

Шундай қилиб, ҳукиз эшакнинг масаҳатига кўнди Эртаси куни қул ҳўжайинга келиб, ҳукиз касалланиб қолгани ва омочни тортишга ярамаслигини айтди.

— Ундай бўлса, омочга эшакни қўшгин, — деди ҳўжайин. — Шудгорни давом эттириш керак.

Кун бўйи ҳукизга ёрдам беришни мўлжаллаган эшак унинг ишини бажаришга мажбур бўлди. Тунда уни омочдан чиқаришганида ҳолдан тойган, оёқлари чарчаганидан зирқираб оғрир, бўйинтуруқ осилган бўйни эса қақшарди.

Деҳқон молхона ҳовлисида ҳайвонларнинг суҳбатини эшитиш учун бирпас айланиб юрди. Гапни биринчи бўлиб ҳукиз бошлади.

— Сен энг яқин дўстим эканлигингни курсатдинг. Мен донишмандларча берган маслаҳатинг туфайли, кун бўйи дам оладим.

— Мен эса, — деб жавоб берди эшак, — ҳудди анонларга ухшаб қолдим. У дўстига ёрдам беради-ю, кейин ҳамма ишни ўзи қилади. Энди омочни фақат ўзинг тортишинга тутри келади. Чунки ҳўжайин қула анга, агар яна касалланиб қолсанг, қассобга топшириш кераклигини тайинлади.

Шундан сўнг улар бир оғиз сўз ҳам гапирдишмади. Чунки атиги бир кунгина давом этган дўстлик поёнига етганди.

Агар дўстинга ёрдам бермоқчи бўлсанг, шундай иш туттинки, унинг барча оғирлиги ва машаққатлари сенга малол келмасин.

“ЮР КЕТДИК, БУ ЕРДАН...”

Шундоқ қирғоқ ёқасида ажралмас ва эски дўст — икки тош ястаниб ётарди. Улар кун бўйи жануб қуёши остида тобланир, афтидан, денгизнинг бир чеккада шовуллаши хотиржам ва тинч ҳаётларига ҳалақит бермагани учун бахтиёр эдилар.

Аммо бир куни денгизда бўрон кўтарилиб, дўстлар иттифоқига раҳна солинди. Қирғоққа шовиб югурган тўлақин улардан бирини ўз қомига олди-ю, ўзоқ денгиз бағрига олиб кетди. Бошқа тош эса лой тўнкача қаттиқ ёпишган кўйи қирғоқда қолишга муяссар бўлди ва қўрққанидан анча вақтгача ўзига келолмади. Сўнг бир оз тинчлангач, ўзига янги дўстлар топди. Улар эски, вақт ўтиши билан қуриб, ёрилиб кетган лой парчалари эди. Янги дўстлар Тошнинг ҳаёт кечирish учун эртадан-кечгача нақада қалтис вазиятларга дуч келгачи, бўрон пайтида оғир хавф-хатарларга дучор бўлгани ҳақидаги ҳикояларига қулоқ солиб утирарди. Тош бу ҳақда ҳар куни такрорлайвериш, ниҳоят ўзини қаҳрамон деб ҳис қилди.

Йиллар ўтди. Қуёшнинг қайноқ нурлари остида Тошга ҳам дарз кетиб, дўстлари — лой парчаларидан деярли фарқ қилмайдиган бўлиб қолди. Манча шунда бир кун югуриб келган тўлақин қирғоққа ярқирок чақ-

моқтошни улоқтирди. Бу ўлкаларда ҳали бунақасини асло кўрмагандилар.

— Салом, биродар! — деб қичқирди у дарз кетган Тошга.

Кекса Тош ҳайрон бўлди.

— Кечирасиз, мен сизни биринчи марта кўриб турибман.

— Эй, сени қара-ю! Биринчи марта кўраётганмиш! Денгиз мени олиб кетгунича бу қирғоқда қанча йилларни бирга ўтказганимизни унутиб юбордингми?

Чақмоқтош эски дўстига денгиз гирдобиде не-не қийинчиликларга дуч келгани, шунга қарамай, у ер ажойиб ҳамда ниҳоятда қизиқарли эканини гапириб берди.

— Юр мен билан! — таклиф қилади Чақмоқтош. — Ҳақиқий ҳаётни кўрасан, асл бўрон нималигини билиб оласан.

Аммо унинг дўсти, дарз кетган Тош "бўрон" сўзини эшитиши билан кўрқиб кетди. У титилиб кетишга тайёр турган лой қатламга назар ташлади-ю, "Йўқ, бу менга тўтти келмайди. Мен усиз ҳам яхши жойлашганман", деб жавоб берди.

— Нима ҳам дердим, ўзинг биласан, — Чақмоқтош шундай дея югуриб кетаётган тўлқинга минди-да, денгиз томон ошиқди.

Қирғоқдагилар узоқ мuddат жим қолишди. Ниҳоят дарз кетган Тош тилга кирди.

— Дўстимнинг омади келгани боис, унда ўзига шунчалар ишонч пайдо бўлибди. Бунга эришиш учун ҳаётни хавф-хатарга қўйиш тўтримикан? Ҳақиқат қанда? Адолат қайда?

Лой устунлар ҳаётда ҳақиқат йўқлигини айтиб, унинг гапига қўшилилар.

Адолат ҳар кимга ўз адолатини бунёда этиш учун берилади.

Цицерон

УЧ ДОНИШМАНД ТАХМИНИ

Бир кун ич донишманда узоқ сафарга чиқмоқчи бўлишибди. Гарчи улар ўз юртида аҳли дониш ҳисобланишса-да, сафар қилиш дунёқарашни ўзгартириб юборади, деб умид қилишибди.

Қўшни мамлакатнинг чегарасидан энди ўтишган экан ҳамки, узоқдаги ниҳоятда баланд бинога кўзлари тушибди. "Бу қандай бино бўлди экан?" деб сўрашибди бир-бирларидан.

Саволга жавоб топиш учун ўша ерга бориб аниқлашса, шунинг ўзи кифоя. Аммо уларни хавф-хатар кутаётган бўлиши мумкин эди! Айтиб буладими, яқинроқ боришганида, номаълум иншоот қўлаб кетса-чи? Шунинг учун бир қарорга келишдан аввал яхшилаб ўйлаб олиш керак.

Донишмандлар имкон қадар турли-туман тахминларни олга сурдилар, сўнг уларни рад этишди, бунда ўз тажрибаларига асосландилар. Ниҳоят, яна асосий тажрибаларига таяниб, ушбу бино қандай бўлмасин, фақат улкан одамлар томонидан қурилган бўлиши мумкин, деган қарорга келишди.

Хуллас, юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, у ёққа бормаслик хавфсиз бўлади, деган қатъий қарорга келдилар. Шундан кейин шусиз ҳам бой ҳаётий тажрибаларини "бойитиб", уйларига қайтиб кетишди.

Тахмин қузувга таъсир қилади.

Кузатиш ишончга таъсир утказади.

Ишонч тажрибани пайдо қилади.

Тажриба эса ҳаракатни юзага келтириб, бу эса ўз навбатида тахминни тасдиқлайди.

Э.Мелло

БАДАВЛАТ ВА КАМБАҒАЛ КУЁВ

Файласуфнинг бир қизи бор эди. Унга камбағал ва бой йигит совчи қўйишибди. Файласуф қизини камбағалга берибди. Нега бундай қиладигиз, деб сўрашганида, шундай деб жавоб берган экан:

ЖАНЖАЛГА АЙЛАНГАН ТОРТИШУВ

Икки йўловчи сахро бўйлаб кетиб борар ва нимадир ҳақида қизгин тортишинларди. Биттаси саргайиб қуруқшаган юпқа лабларини ялай туриб, жазавога тушар, иккинчисига ниманидир исботлашга уринарди. Униси эса нафратга тулиб, бўғилиб кинояли куларди. "Сенинг гапларинг гирт бематъилиқдан иборат", деб, ўз навбатида шахсий ғояларини тикиштирмоқчи бўларди. Орадан кўп ўтмай, биринчиси яна бетоқат ҳолда иккинчисининг гапини бўлар ва ҳаммаси яна қайтадан бошланарди. Ҳар бири ўзини ҳақ деб билар, кучини кўрсатишга уринар, ўзига ишонтиришга тиришарди.

Шундай қилиб, тун бўсағасида тортишув жанжалга айланган ва душманлик олови ёнишга тайёр ҳолга келди. Улар бир-бирига бақиршиб, "Сенсиз ҳам кетаверман", деб чиранишди ва ҳеч нима демасдан, бошқа бошқа йўлдан айрилиб кетишди. Уларни совуқ зулмат ўз бағрига олди ва бутун саҳрони тун қоплади. Улардан биринчиси тун қаърига кўпол қадам ташлади. Аммо кўп ўтмай, ортидан ҳамроҳининг қадам товушини эшитди ва: "Мен қанчалик кучлиман! У ортимдан келмоқда, чунки у менсиз бирор иш қилолмайдй", деб ўйлади.

"Бари бир у қанчалик нотавон! Кулфат ва хавф-хатардан сақлаш учун ҳам ортидан боришим керак. Акс ҳолда буларнинг бари менинг виждоним зиммасига тушади" деб ўйларди шу пайтда бошқаси биринчисини қувиб бораркан.

Икки киши ҳеч қачон бир масала юзасидан бир хил таразда фикрлаёлмайдй. Мутлақо бир хил фикр нафақат турли-туман икки одамда, балки ҳар хил вазиятларда бўлган битта инсонда ҳам учрамайди.

М.Монтень

— Бой куёв аҳмоқ, у ҳадемай камбағаллашиб қолади, деб хавфсирадим. Камбағал куёв эса ақли. Умид қиламанки, у вақти келиб бойиб кетади.

Узоқни кўзловчи киши ҳар бир истакнинг ўз ўрнини белгилай олиши, сўнг уларни тартиб билан рўёбга чиқариши керак. Бизнинг зикъналигимиз кўп ҳолларда бу қойдани бузиб, бир вақтнинг ўзида талай мақсадлар кетидан беҳуда қувиш ва муҳим ютуқларни қўлдан чиқаришга мажбур қилади.

Ф.Аарошфуко

ТОМ УСТИДАГИ БОЛАКАЙ

Бир куни Донишманднинг тўнғич ўғли яхши иш қиломқчи бўлиб — ўйнинг томини тузатиси келди. У том устига чиқиб, ишга урина бошлади. Шунда уларнинг уйига қўшнис кириб қолди.

— Сен нотўғри қилапсан, — деди у. — Том тузатишни билмас экансан. Бошқача қилиш керак.

Бола қўшнининг масаҳатига қўлоқ солди. Бу киши ҳақ бўлса керак, шуниси маъқул, деб ўйлади. Қўшнис уртатгани бўйича ишлай бошлади. Шу пайт яна бир киши келди. У ҳам томни қандай тузатишга доир ўзининг масаҳатини айтди...

Донишман уйи оладидан утар экан, бир нечта эркакнинг сўкишгаётганига кўзи тушди. Уларнинг ҳар бири ўз фикрини ўтказишга уринарди.

— Сен айт-чи, — деб мўйсафидга мурожаат қилди тортишгаётганлардан бири, — томни қандай қилиб тузатиш мумкин? Шу масалани бизга ҳал қилиб бергин.

Донишман тинкаси қуриган ўғлига ҳамда ҳар бир масаҳат тўғрисида тузатилаверилиб, абгор ҳолга келган томга қарар экан, хотиржам жавоб берди:

— Жим туриб тузатиш керак, вассалом.

Аксарият одамлар фожиаси шундаки, улар ўзининг шахсий фикрига эга эмас.

Ж.А'Аламбер

ЭҲТИМОЛ... БАЛКИ...

Бир соя иккинчидан сўради:

— Биз нега бунчалик беқарормиз? Илгари ҳаракат қилардик, ҳозир эса негадир тўхтаб қолдик. Авваллари ўтирардик, энди эса негадир тикмиз?

— Эҳтимол, биз бирор нарсага қарам бўлиб, шу ҳолга тушгандирмиз? — деб жавоб берди бошқа соя. — Балки, бирор нарсага бўйсуниб, унга бўйин эгиб қолгандирмиз? Мен илоннинг қатма-қат териси ёки чигиртка қанотига боғлиқмиканман? Ким билади, нега шундай? Бундай эмаслигини ҳам ким билади, дейсан?

Узгалоарга боғлиқ бўлган ишлардан қоч. Фақат ўзингга тааллуқли ишлар сари интил!

Қадиمنى ҳинда ҳикмати

ОШҚОЗОНГА СИҚАН СУВ

Чанқаган киши сув ахтарарди. У куп марта саробни кўл деб ўйлаб, хатога йўл қўйди.

Ниҳоят, бир куни бу одам, ҳақиқатан ҳам кўлнинг олдига келди. У шу даражада ташна эдики, сувнинг ҳаммасини ичиб қўяман, деб ўйлади. Аммо ошқозонига сиққанича ича олмади, холос.

Худди шу тарзда улкан ҳақиқат кўли ёқасида ўтирган файласуфлар унинг сувини бир томчи қолдирмай ичмоқчи бўлишади. Бунинг эса сира иложи йўқ.

Ҳақиқатга эга бўлишдан кўра, уни излаган муҳимроқ.
А.Эйнштейн

ҲАШАМАТЛИ УЙДАГИ ДОНИШМАНД

Бир одам ўзини анча вақтдан бери қийнаган: "Куч нимада?" деган саволга жавоб ахтарарди. Шу орам таърифи дoston бир донишманд ҳақида эшитиб қолди

Донишманднинг ҳузурига келса, байрона кулба урнида ҳашаматли уй! Ҳовлида эса болалар шовқин-сурон билан ўйнаб юришарди... Меҳмоннинг ҳайрати ошди. У донишмандга ўзини қизиқтирган савол билан мурожаат қилди.

— Кучни ўзинг эгаллашинг мумкин, — деди бунга жавобан донишманд. — Сен ўз йўлингни изла ёки аж-додаларинг юрган йўлига қадам қўй.

Шунга кўра, бу одам камолот сари интилди, кунт ва сабр-тоқат билан машқ қилди. Ана шундан сўнг та-нанинг кучини англади.

У қийинчиликлар олдидан бош эгиб ўтирмади, фақат олга қадам босди. Ўз-ўзини енгди. Ана шунда у ирода кучини тушуниб олади.

У улут кишиларнинг фикр-мулоҳазалари магзини чақиб, ўз фикрига эга бўлди. Ана шунда билимнинг кучини фаҳмаиб етди.

Ўз кўнглининг ҳаёлий фариштасига сажда қилиб, уни севади. Ана шунда ҳис-туйғунинг кучини англади.

Уй-жой, оилага эга бўлгач, болаларини қўлига олиб, суяр экан, ҳаётнинг лаззатбахш кучини билиб олади.

Мавҳумликни хотиржам кутиб олганида эса, ўтган умрига асло афсус чекмади. Ана шунда у ўлим кучини ҳис этди.

Ҳеч ким ўз кучини амалда қўлламай туриб, унинг қай даражада эканлигини билмайди.

И.Гёте

МЕВА ИЧИДА... ТОШ

Қадим замонда мевани орзу қилган уч киши яша-ган экан. Уларнинг бирортаси ҳам ҳаётда мевани кўр-маганди (ушша мамлакатда мевалар ниҳоят кам учрарди).

Шундай қилиб уювлон бир-биридан беҳабар тарзда "мева" деб аталадиган ўзлари учун бутунлай нотаниш нарсани топиш мақсадида саёхатга чиқишибди. Кейин эса деярли бир вақтда мевали дарахт томон йўл олишибди. Биринчи киши диққат-эътиборсиз экан. У дарахтга бориб, мевага қарамабди ҳам. Чунки бутун йўл давомида қаёққа бориш, йўлда нима қилиш кераклигини мушоҳада қилиш билан банд экан. Унинг саёхати беҳудалиқдан иборат бўлибди.

Иккинчи киши калтафаҳм эди. Бу одам нимани билмасин, айнан, аслига мувофиқ тарзда, ҳеч бир муболагасиз тушунарди. У дарахтда пишиб ётган меваларни кўриб шундай деди:

— Ҳуш, нима бўпти? Мана, мевани ҳам кўраим. Аммо мен ириган нарсаларни яхши кўрмайман. Тушунимича, барча меваларнинг "тақдири" шундай.

У яна йўлда давом этиб, саёхати самарасиз якунланди.

Учинчи киши доно эди. У бир неча мевани узиб олиб, урганиб чиқди. Хотирасидаги меваларга алоқадор барча билимларни мумкин қадар эслади ва хушхўр меваларни ёриб кўрди. Шунда ҳар бирининг ичиде майда тошчалар борлигига кўзи тушди. Бу тошчалар аслида уруғ эканлиги, уни қадаш, ўсишини кузатиш токи янги мева туққунга қадар кутиш кераклигини аңглади.

Донишмандлик нарсаларга ҳар томондан қараш санъатидир.

Л.Ф.

ИККИНЧИ АҲМОҚ

Бир куни устоз океан қиргоғи бўйлаб сайр қилиб юрганди, унинг олдига ёш тадбиркор келди.

— Устоз, қўлингиздан кўп иш келади! Сувнинг маишу қисмини нефтга айлантириш сиз учун ҳеч нима

эмас. Шундай қилинг. Ўшанда Ҳиндистондаги одамлар йўқчилик нималигини билишмасди!

Устоз жавоб берди:

— Мен-ку, буни қила оламан, аммо океанга гутурт ташлаб юборадиган аҳмоқ ҳам топилади-да.

Донишманда бемаъниликдан нафратланмайди, балки уни эътиборга олади.

В.Швебель

ШАРШАРА ШИДДАТИ

Конфуций кўприқда туриб, дарёга назар ташлади: шаршара баланддан тушарди. У кўпикланиб, жўш урарди.

Қандайдир бир киши эса шаршарадан кечиб ўтишга уринарди. Конфуций унинг ҳузурига шогирдаарини юбориб, йўлдан қайтармоқчи бўлди ва шундай деди:

— Кимки шаршарадан кечиб ўтмоқчи бўлса, қийинчиликка дуч келади!

Аммо нотаниш киши қўлоқ солмади: у оқимни кесиб ўтди ва нариги қирғоққа чиқиб олди.

— Сиз жудаям чаққон экансиз! — деб хитоб қилди Конфуций. — Афтидан, ўзингизга хос сирингиз бор, шекилли? Бу шаршарага қандай қилиб кирдингиз-у, сўнг зарар кўрмай, соғ-саломат чиқиб кетдингиз?

Нотаниш киши шундай деб жавоб берди:

— Мен оқимга тушгач, унга бутунлай берилиб кетаман ва ихтиёримни топшираман. Бутунлай берилиб, ихтиёримни топшириб, танамни тўлқин ва оқимларга бағишлаганимдан сўнг ўзимча ҳаракат қилишга журъат ўтмайман. Шунинг учун оқимга кириб, қайтиб чиқа оламан.

— Эслаб қолинг, шогирдаарим! — деди Конфуций. — Ҳақиқатан ҳам, бутун ихтиёрни сувга топшириб, буткул

унга ишонганда у билан бир бўлишга эришмоқ мумкин. Одамлар билан бир бўлмоқ эса ундан-да осонроқдир.

Биз қилмишларимиз борасида ўзгаларнинг фикрига боғланиб қолмаслигимиз керак. Бурчимиз — ҳаракат қилиш. Қолгани — мукофот ва ҳурмат қозонмоқ бизни ташвишга солмаслиги лозим.

Н.Казандакис

ҚЎРҚИНЧЛИ ТУШ ТАЪБИРИ

Шарқ ҳукмдорларидан бири қўрқинчли туш кўради — унинг барча тишлари тушиб кетганмиш. Подшоҳ кучли ҳаяжон ичида туш таъбирчисини ҳузурига чорлади. Таъбирчи унинг сўзларини тинглаб, шундай деди:

— Аъло ҳазрат, мен сизга қайгули хабарни етказишга мажбурман. Сиз яқин кишиларингизнинг барчасини бирма-бир йўқотасиз.

Бу сўзлар ҳукмдорнинг газабини ошириб юборди. У шўрлик таъбирчини зиндонга ташлашни буюрди ва бошқа таъбирчини чақиртирди. Иккинчи таъбирчи туш мазмунини эшиттач, шундай деди:

— Мен сизга хушхабар етказишдан бахтиёрман. Сиз яқинларингизнинг ҳаммасидан узоқ яшайсиз.

Ҳукмдор хурсанд бўлди ва таъбирчини саҳийлик билан мукофотлади. Сарой амалдорлари хайрон қолди.

— Ахир сен ҳам шўрлик касбдошингнинг аини гапини айтдинг-ку! — дейишди таъбирчига. — Нега у жазоланди-ю, сен мукофотга сазовор бўдинг?

Таъбирчи жавоб берди:

— Тугри, биз иккимиз ҳам тушни бир хил таъбирладик.

Аммо гап нимани қандай қилиб айтишга боғлиқ.

ЧИРОЙ ҲАҚИДА МУНОЗАРА

Бир куни Камбағаллик ва Бойлик ўзаро қайсимиз чиройли, деб тортишиб қолишди. Анча вақтгача бу масалани мустақил ҳал қила олишмади. Сўнг илк дуч келган одамга мурожаат қилмоқчи бўлишди.

“Тортишувимизни қаршимизда биринчи учраган киши ҳал қилсин”, деб йўлга тушдилар.

Ўрта яшар киши учраб қолди. У бир томонидан Камбағаллик, иккинчи томонидан Бойлик келганини дастлаб сезмай қолди.

— Бизнинг баҳсимизни фақат сен ҳал эта оласан! — деб вайсаб кетишди улар. — Айт-чи, қай биримиз чиройли?

“Бу қандай кулфат бўлди, — деб ўйлади ўзича йўловчи. — Агар ҳозир Камбағаллик чиройли десам, Бойлик ранжиб, мени тарк этади-да, қочиб кетади. Борди-ю, Бойлик чиройли десам, Камбағаллик газабланиб, менга ташланиб қолади. Нима қилиш керак?”

Йўловчи бир оз ўйланиб турди-да, кейин шундай деди: — Сизлар бир жойда турганингизда, мен дабдурустан ҳеч нима деймайман. Йўл бўйлаб бир оз юринглар, қараб кўрай-чи!

Бойлик ва Камбағаллик бир оз сайр қилишди. Улар аввал оладинга, сўнг орта қараб юришди. Ҳар бири яхшироқ кўринишга уринарди.

— Хўш, — деб қичқиришди улар бир овоздан, — қай биримиз чиройли эканмиз?

Эркак кулимсираб жавоб берди:

— Сен, Камбағаллик, кетаётганингда, орқа томондан жуда чиройли ва мафтункор кўринасан! Сен эса Бойлик, утирилиб қараб, юзма-юз келганингда борми, ниҳоятда ажойибсан!

Бойлик ва камбағаллик — муҳтожлик ҳамда се-робликни англайиш учун ишлатиладиган сўзларнинг моҳиятидир. Шундай экан, ким муҳтож бўлса, у бой эмас, ким муҳтож бўлмаса, камбағал эмас.

Демокрит

IV БЎЛИМ

УСТОЗ ВА ШОГИРДЛАР

Ўртамиёна муаллим қилади баён,
Яхши мураббий эса тушунтиради.
Машхур ўқитувчилар курсатар аён,
Улуғвор устозлар-чи, руҳлантиради.

У.Уора

“УЙГА ЎТ ҚЎЙИШГ”

Устоз шогирдлари билан саёҳатга чиққан эди. Бир куни улар тунаш учун бадавлат хонадондан жой сурашди. Хўжайин истар-истамас рози бўлди. Шундан сунг от-хонага сомон гарамини тўшаб берди, бир кўзада совуқ сув, бир бўлак қоттан қора нон узатди. Эрталаб устоз шогирдларига барча пулларини йигиб, хўжайинга бериш ва миннатдорлик билдиришни буюрди.

Кейинги кечада эса улар тунаш учун камбағал кишидан жой беришни илтимос қилишди. У бисотидаги охириги қўйни сўйиб, меҳмонлар учун палов дамлади. Уйга шинам гилам тўшаб, уларни ўша ерга таклиф қилди. Аммо эрталаб...

Устоз шогирдларини тургазди-да, хўжайин уйқудан уйғонгунича уйни ёқиб юбориш ҳамда тезлик билан бу ердан кетишни буюрди. Шогирдлар кун бўйи миқ этишмади. Уларнинг иймони ҳайрати билан олишар, қаҳр-газаблари тошарди. Устоз шогирдларини қийнаган саволларни эшитишга қарор қилди. Шовқин кўтарилади. Ҳамма норози эди. Ахир, бойга охириги пуларигача санаб берилган, яхшилик қилган кишига миннатдорлик билдириш ўрнига эса уйига ўт қўйиш... Бу қайси қолишга сигади?

– Начора, кам билим катта билимни қаёқдан ҳам биларди? – деди уларга устоз. – Биласизларми, бой кишининг охириги хонумони куйиб кетиши учун молявий найранбозлик қўлашига айнан бизнинг пулларимиз етмай турарди. Ночор киши эса олтин турган жой тепасида яшар, аммо бу ҳақда ҳеч нима билмасди. Энди эса куйиб кетган кулбасининг қолдиқларини йигиштирганида, сирли йўлакда олтин тангалар солинган хумни, албатта, топиб олади.

Сабрнинг таги сариқ олтин.

ҲУҚМДОР БЕРГАН САВОЛ

– Сенинг жами бойлигинг ва бор мол-мулкинг қани? – деб сўради Устоздан бир ҳукмдор.

– Уларда, – жавоб берди Устоз куп сонли шогирдлари ва издошларини кўрсатиб.

Устоз уларни бойитган билимни назарда тутган эди.

Билим барглар кўкариши ва ҳосил етилиши учун томчилаб сув йиққан илдиждир.

А.Атахия

ЗЎРНИНГ ШҶРИ!

Қураш бўйича машхур устознинг шогирдлари жуда куп экан. Уларнинг энг каттаси куп йиллар тириш-қоқлик билан машқ қилиб, мураббийдан куп нарсани ўрганган эди. Бир куни у устозига мурожаат қилиб қолди:

– Айтинг-чи, мен ўрганмаган бирор усул қолдимми?

– Мен сенга билганларимнинг ҳаммасини ўргатдим. Сен менга маълум бўлган барча кураш усулларини ўзлаштирдинг.

Бу сўзлардан кейин ёш полвон манмансираб кетди. Ауч келган жойда барчага, энди мен мамлакатнинг энг

зур полвониман, ҳатто машҳур устозимни ҳам енгил оламан, деб мақтанарди.

Аммо устози у билан теппа-тенг ҳамда хотиржам курашганида, кутилмаганда шогирдининг икки курагини ерга тегизди.

— Қизиқ, — деди мағлуб бўлган шогира зўрга нафас оларкан, — мен сиз билган барча усулларни ўргангандим, аммо бари бир мени номатаъум усул билан енгдингиз.

— Мен сенга ҳақиқатан ҳам барча биланларимни ўргатганман, — жавоб берди устоз. — Аммо мазкур усул ҳозир, кураш жараёнида пайдо бўлди.

— Аммо буни менга ўргатмаган эдингиз-ку, — деди шогира.

— Ўргатоламайман, чунки бу кураш давомида ўйлаб топиладиган янги усуллардан бири! Уни ўзинг ўрганишинг керак.



Жараённинг ўзини севиш учун баркамолик гузаллиги ва аҳамиятини кўриш ҳамда англамоқ зарур, чунки МУВАФФАҚИЯТ калити ана шунда.

ЭШИК ВА БЕШ ҚОИДА

Бир донишманд қобилиятли ҳамда заковатли шогира излашга тушди. Бу шогира шу қадар етарли малака ва иқтидорга эга бўлсинки, устоз дунёдан кўп юмғунича унга барча билимини берсин. Шу мақсадга барча шогирдларини йиғишга аҳд қилди.

Жуда кўп шогирдлар жам бўлишди.

Донишманд шундай деди:

— Менда битта муаммо чиқиб қолди. Шаҳарда жумакатта ва огир ҳажмли бир эшик бор. Сизларнинг орангиздан ким уни четдан ёрдамсиз оча олади?

Шогирдлардан айримлари индамай бошларини эгишди: муаммо жуда чигал чиқиб қолганди. Бошқалар эса эшикни кунт билан текшириб чиқиб, дастакдан

фойдаланиш имкониятини, эшик таркибини муҳокама қилишди, сўнг бу муаммони ҳал қилиб бўлмайдиган, деган кулосага келишди.

Фақат битта шогира эшикка яқин келиб, кунт ва сабр-тоқат билан кўздан кечирди. Унинг юқори қисмини тақиллатиб кўрди, қалинлиги ҳамда чидамлилигини баҳолашга уринди. Эшикнинг нимадан ясалгани, ошиқ-мошиқлари қанчалик мустаҳкам мойланганини аниқлади. Ўзининг кўзлари ҳамда қўлларидан фойдаланиб пухта текшириб чиқди. У кўздан кечириш асносида эшикни бармоқлари билан тикиллатиб урди, муайян қисмларини қисиб кўрди.

Бошқалар, эшик ёпиқ ёки қотиб қолган, деб тахмин қилишди. Аслида эса у жуда енгил тарзда очиларди. Шогира чуқур нафас ростлаб, диққат-этиборини бир жойга йиғди ва эшикни охишта итарди. Эшик ҳеч қандай қаршиликка учрамасдан енгилгина очилди.

У шу қадар оддий ишланган ва лойиҳалаштирилгандики, салгина туртки берилса, осонлик билан очилиб кетарди.

Донишманд ўзига муносиб ворис топди. У бошқа шогирдларига ўтирлар экан, шундай сўзларни айтди:

— Ҳаётда муваффақият қозониш ҳам бир нечта асосий омилга боғлиқ. Бугун сизлар уларнинг амалий иш-ботини кузата олднгиз.



Биринчидан, атрофингизни ўраб турган реалликни тўлиқ текшириш ва англаш учун ҳис-туйғуларингизга имкон беринг.

Иккинчидан, шопилинч, шунинг баробарида нотўғри хулосалар чиқарманг.

Учинчидан, қарор қабул қилишда етарли даражада мадда бўлинг.

Тўртинчидан, уни қабул қилишда ишонч ҳамда шубҳа-гумонлардан мутлақо холи ҳолда ҳаракат қилинг.

Бешинчидан, диққат-эйтиборингизни бир жойга жамлаб, барча куч-қувватингизни ана шу ҳаракатга жо этинг. Ва ниҳоят, хато қилишдан қўрқманг.

УНИ ЖАМҒАРОЛМАЙСАН

Бир куни Устоз шогирдидан сўради:

— Ҳаёт мактабида сен учун энг муҳими нима эканлигини айта оласанми?

Уқувчи бир неча дақиқа ўйланди, сўнг жавоб берди: — Вақт.

Устоз шогирдига таҳсин ўқиди.

Вақт шундай хилқатли, уни йигиб бўлмайди. Вақт сақланмайди ва кўпаймайди ҳам. Уни фақат пул ёки билимга алмаштириш мумкин. Вақт инсон ҳаётидаги энг муҳим нарсасидир.

УСТОЗ, БОЛАЛАР ВА МАЖБУРИЯТЛАР

Ҳукмдорлардан бири ўз фарзандларининг устозига шундай деб пана-насихат қилганди:

— Энг аввало, ўзингга, шундан сўнг болаларинг талабчан бўл, чунки уларнинг диққат-эйтибори сенга қаратилган. Зурриётларимга муқаддас ёзувни ўргат пайгамбарлар ҳамда ҳукмдорлар туғрисида тапшириб бергин. Аммо уларни менинг қаҳру ғазабим билан кўрқитма. Агар болаларим улар билан бирор иш қилиш қўлингдан келмаслигига ишонч ҳосил қилишга устингдан қулишади. Ҳаддан зиёд зўриқтириб ўқитма, акс ҳолда ўқидан бешиб, ундан нафратланишад! Шу билан бирга, ўз мажбуриятларингга бепарво муносабатда ҳам бўлма, акс ҳолда, улар бекорчиликка ўрганиб қолишлари мумкин.

Мураббий юқори даражада обрў ва кам даражада ҳукмронликка эга бўлмоғи лозим.

Т.Шам

ҚУМГА ЁЗИЛГАН СЎЗЛАР

Донишманд ҳузурига келган олим шундай деди:

— Менга улуғ даҳолар айтган бирорта ҳикматни ёзиб берсангиз.

Донишманд кесак билан қум устига "Эътибор" деган сўзни ёзди.

— Шунинг ўзи кифоями? — сўради олим. — Балки яна бирорта сўз қушилар?

Донишманд яна битта "Эътибор" деган сўзни ёзди. Ранжиган олим:

— Мен сиз ёзган сўзнинг чуқур маъноси ва ўткирлигини билишим керак, — деди.

Шунда донишманд уч марта бирданига "Эътибор! Эътибор! Эътибор!" деб ёзди-ю, охирига хитоб белгиларини қўйди.

Олим елкаларини қисди ва ҳайрон бўлиб сўради:

— Бари бир "эътибор" сўзи нимани англатади?

Донишманд мулойим қилиб жавоб берди:

— Эътибор эътибор маъносини билдиради.

Эътибор — қалбимизнинг ягона эшиги бўлиб, онг-шуурда нимаики бўлса, барчаси зудликда у орқали киради.

К.Ушинский

ТЎҚНАШУВЛАРДАН ҚОЧИШ СИРИ

Устоз ҳузурига бир ўсмир келиб, унга шогирд тушмоқчилигини айтди.

— Бу сенга нима учун керак? — деб сўради Устоз.

— Қучли ва енгилмас бўлиш учун.

— Унда шундай бўл! Ҳаммага яхшилик қил. Хушмуомалалик ва мулойимликни эсдан чиқарма! Эзгулик ҳамда боадаблик сенга бошқаларнинг ҳурмат-эъзозини олиб келади. Руҳинг тозаради ҳамда эзгуликка лиммоним бўлади. Демак, сен кучли инсонга айланасан. Диққат-эътиборли бўлиш эса энг нозик ўзгаришларни

илгашга ёрдам беради. Бу турли тўқнашувлардан четлашиб имконини бериш қаторида курашмасданоқ енгиллигини таъминлайди. Агар зиддиятларни бартараф этишни ўргансанг, енгилмас одам бўласан.

— Нега?

— Чунки ҳеч ким билан курашмаслигингга тўғри келмайди.

Ўсмир кетди. Орадан бир неча йил ўтгач, у яна Устоз ҳузурига келди.

— Сенга яна нимадир керакми? — деб сўради Устоз.

— Мен саломатлигингиз ҳақида сўрамоқчиман. Сизга ёрдам керак эмасми, шунини ҳам билмоқчи эдим...

Шундан сўнг Устоз уни шогирдликка қабул қилди.

Яхшиликни улгворлик эмас, балки улгворликни яхшилик бунёд этади.

Т. Моффет

ЖАҲЛ КЕЛГАНДА...

Бир талаба Устоз ҳузурига қуйидаги сўзларни айтиб кирди:

— Устоз, менинг феълимни мутлақо бошқариб бўлмайди. Бунини қандай бартараф этиш мумкин?

— Шунақа, дегин?! Қани, менга феълнингни бир кўрсат-чи, — деди Устоз. — Унинг намоён бўлиши жозиба бағишлайди.

— Мен буни ҳозир қилолмайман, — кўнмади талаба.

Уни шу топда сизга сира кўрсатолмайман.

— Майли, кейин кўрсатарсан, — маъноли кулимсирани Устоз. — Иложинг етган пайтда менга тақдим этгин.

— Аммо ярамас феълим бош кўтарган пайтда унинг сизга келтириб бўлмайди, — эътироз билдирди талаба. — Бу ҳар доим кутилмаганда рўй беради. Ишончин

комилки, уни сизга етказгунча йўқотиб қўйсам керак.

— Агар шундай бўлса, бу шахсиятнингнинг ажралмас қисми бўлолмайди. Агар у ҳақиқатан ҳам бўлганида,

истаган пайтда менга кўрсатардинг. Сен турилган пайтингда, қаҳр-ғазабга эга эмасдинг. У сенга ташқаридан келган. Маслаҳатим шуки, ҳар сафар аччи-лансанг, ўзингни калтак билан савала, токи феъл-атворинг уни тутиб қолмасин, ўзидан узоқлаштирсин.

Агар аччиқланганингизни ҳис этсангиз, ташқарига чиқиб, уйингиз атрофини етти марта айланиб чопинг. Сўнг дарахт тагидаги ўриндиққа ўтиринг ва қаҳр-ғазабингизни таъкиб қилинг. Жаҳлни сўндириш ёки текшириш, ё кимгадир сочининг ҳожати йўқ. Уни ҳар томонлама англаб оладиган ҳолатда бўлинг. Қаҳр-ғазаб — фавқулодда муъжиза бўлиб, булуғлардаги электр токига ўхшайди. Агар сиз мазкур ҳолатда ўзингизни англай оладиган даражага етсангиз, аччиқланиш ўз-ўзидан сўнади.

Синаб кўринг! Жунбишга келиб, қаттиқ қаҳр-ғазаб ҳолатида бўлганингизда, бирдан ўзлигингизни англаш ҳолатига ўтинг. Шундагина ўзингизда айрим ўзгаришларни сезасиз: ички аъзоларда қандайдир черткени ҳис этасиз. Нимадир ўзгариб, моҳиятингиз суслашади.

Зоҳиран сусайиш учун вақт талаб қилинади, аммо ички мавжудлик алақачон заифлашган, ўзаро таъсир кучи бутунлай ўзиб юборилган бўлади...

Энди ўзингизни қаҳр-ғазаб билан тенглаштирманг. Танангиз совиши, ботинингизда, марказда барчаси тинч бўлиши учун бир оз вақт керак. Хотиржам бўлганингизда эса бутун дунё ҳузуур-ҳаловатини ҳис этишингиз мумкин. Борди-ю, аччиқлансангиз, ўзингизни йўқотасиз, чалкашиб қоласиз. Бундай ҳолатда кўрсанда бўлиш мумкинми?

Агар сиз қаҳр-ғазабни ҳис этсангиз, уни бошқа нинишга "ташламанг". Шу билан бирга жаҳлни сўндиришга ҳам уринманг. Қаҳр-ғазаб ажойиб ҳолат бўлиб, у сизни ижобий йўналишга буриб юбориши мумкин.

КУЛЧА МАЗАСИ

Бир йигит қатъий равишда ҳақиқий устозга шогирд тушмоқчи бўлади. У ўзи танлаб олган йўлнинг туғрилигинга ишонч ҳосил қилиш учун устозга шундай савол беради:

— Менга ҳаётнинг мақсади нимадан иборат эканлигини айтиб бера оласизми?

— Йўқ, айтолмайман, — деб жавоб берди устоз.

— Ҳеч бўлмаса, унинг мазмунини нимадан иборатлигини айтарсиз?

— Айтолмайман.

Умидсизланган йигит кетиб қолди. Шогирдлар саросимага тушдилар: ахир, нима сабабдан уларнинг устози саволга жавоб бера олмади?

Устоз шогирдларини тинчитар экан, шундай деди:

— Ҳаётнинг мазасини тотиб кўрмай туриб, унинг мазмунини ва мақсадини билишдан нима фойда? Кулча ҳақида фикр юритгандан кўра, уни еган яхши эмасми?

Мен аминманки, ҳар минг кишидан фақат бир одам бутун ҳақиқий маънода қандай яшаш кераклигининг сирини билади. Аксариятимиз бир соатнинг элики туққиз дақиқасини ҳаётимиздаги шод-хуррамликни йўқотганимиздан афсус чекиб ёки ишлар ёмон адо этилганидан уялиб (униси ҳам, буниси ҳам олий даражада бефойда ва кишини чарчатади) ёки яқин келажак ҳақида орзу қилиб, ёҳуд эртанги кундан хавфсираб ўтказамиз. Аммо ўтмиш ўтиб кетди, келажакка олдиндан муфассал назар солиш учун ажратилган вақт ҳам беҳуда сарф бўлади. Биз росманасига яшайдиган ягона фурсат — шу ерда ва ҳозир. Яшаш учун асос бўладиган бирдан-бир усул — ҳар бир дақиқани такрорланмас мўъжиза деб қабул қилишдир. Дарҳақиқат, шундай: Ҳаётимизнинг ҳар дақиқаси мислсиз мўъжизадир.

С.Жеймсон

“ҲЕЧ НИМА” НИМА ЎЗИ?

— Хотиржам бўлиш учун нима қилиш керак? — деб сўрашди шогирдлари Устоздан.

— Айтинг-чи, нима сувга тушади-ю, унда мавж пайдо қилмайди? Нима дарахтлар орасидан ўтади-ю, бирор товуш қолдирмайди? Дала-даштларда сайр қилади-ю, бироқ майсаларни мутлақо тебратмайди?

Шогирдлар бир неча ҳафта давомида беҳуда фикр юритиб, жавоб тополмадилар. Ниҳоят, тоқатлари етмай сўрашди:

— Бу қандай нарса экан ўзи?

— Нарса дейсизми? — саволга савол берди Устоз. — Ахир бу ҳеч қандай нарса эмас, балки ҳеч нима-ку.

— Демак, жавоби: ҳеч нима экан-да?

— Шундай деса ҳам бўлаверади.

Маҳоратни эгаллаш учун ҳам маҳорат керак.

Мақол

ЕЛКАДАГИ СОҲИБЖАМОЛ

Икки роҳиб пишқириб оқаётган дарёдан ўтишарёттанди. Уларнинг яқинроғида бир гўзал қиз турар, у ҳам дарёдан ўтмоқчи бўларди-ю, аммо кўрқарди. Қиз роҳиблардан ёрдам беришни илтимос қилди. Улардан бири уни индамай елкасига олади-ю, нариги томонга олиб ўтди. Иккинчи роҳиб газабга тўлди. У тартанда ҳеч нима демаса-да, аммо ичи қайнаб, хуруж қиларди: “Ахир бу ман этилган-ку! Муқаддас битиклар роҳибларнинг аёлларга яқинлашишини тақиқлайди. Шеригим эса уни, ҳатто елкасига олади!”

Улар ибодатхонага келишганида, ҳовлига қоронғи тушганди. Шунда қаҳр-газабга тўлиб-тошган роҳиб шеригига деди:

— Менга қара, бу ҳақда бош руҳонийга хабар қилишим керак. Ҳа, айтиб беришим шарт! Бу тақиқланганди. Сен бундай қилмаслигинг керак эди!

Биринчи роҳиб ҳайрон бўлди:

— Сен нимани тақиқланган деяпсан?

— Ҳали унутдингми? — деди иккинчиси. — Сен чироили ёш қизни елканда олиб ўтдинг-ку!

Биринчи роҳиб кулди ва жавоб берди:

— Мен қизни нариги қирғоққа бир дақиқа ичиди олиб ўтдим ва ўша ерда қолдирдим. Сен эса уни ҳалиям елкандан туширмабсан.



Яхши англаб олинг, одам ўз аксини бошқаларда яққолроқ кўради. Унинг ҳукми ўзининг қай даражада руҳан ўсганлиги ёки нималарни амалга оширолмаганини аниқ акс эттиради.

ГУЛДАН ГУЛГА

Бир ўқувчига шундай савол ҳеч тинчлик бермасди: яратган томонидан инсон учун олдидан белгиланган тақдир йўли унинг танлаш эркинлиги билан қандай қилиб ўйғунлашади? У мазкур савол билан устозига мурожаат қилганди, шундай жавоб олди:

— Сен гулдаста яшаш учун далага отланар экансан, йўлингни аниқ ишонч билан белгилай олмайсан. Ҳатто ҳаракат йўналишининг қийинчилиги билан тасаввур қиласан. Оладиган гулдастанг айнан қайси гуллاردан иборат бўлишини билмайсан ҳам. Фақатгина ички тасаввурингга таянибгина гулдан-гулга утиб борасан. Гулларнинг ҳар бирига миннатдорлик ила таъзим қиларкансан, уларни узиб, бир-бирига қўшиб, гулдаста ясаб борасан.



Ҳар бир гул — сенинг кундалик ушқоқ тажрибангдан иборат. Унга олиб борадиган йўл — ҳаётингнинг бир қисми. Гулдаста эса бутун ҳаётинг тажрибангдир. Унинг қандай бўлиши фақат ўзингга боғлиқ.

СТОЛ ЖУМБОҒИ

— Мен ҳаётда қайси йўлдан борсам, яхши бўлишини қандай билишим мумкин? — деб сўради шогира ўз устозидан.

Шунда устоз шогирадан стол яшашни сўради. Стол деярли тайёр бўлиб қолганида — фақат устки қисмини қоқиш пайтида устоз шогирадига яқинлашди. Шогира миҳни учта аниқ зарба билан қоқиб киргизишга одатланганди. Аммо бари бир битта миҳ қийинчилик билан кирди, шогира унга яна бир оз вақт сарфлаши керак эди. Шогира тўртинчи зарб билан миҳ қоққан эди, анча қўпол чиқди ва тахта ёрилиб кетди.

— Сенинг қўлинг миҳни болғада фақат учта зарба билан қоқишга ўрганган, — деди устоз. — Мазкур ҳаракат кўникмага айланиб қолса, ўз аҳамиятини йўқотади. Бу шикастланиш сабаби ҳам бўлиб қолиши мумкин. Ҳар бир хатти-ҳаракат — сенинг уринишингдан иборат.



Бунинг битта сири бор:

Ўз ҳаракатингни бошқариш учун одатта асло имкон берма.

НОЧОР ҚАНДАЙ БОЙ БЎЛДИ?

Эру хотин ва бир қиздан иборат оила бор эди. Улар ниҳоятда камбағал ҳаёт кечиришар, тошанлари рўз-йорға зўрга етарди. Эр-хотин қандай қилиб бойиб кетсак экан, деб бош қотира бошладилар.

— Ҳозир гадовдан ҳам баттар кун кечиряпмиз. Кел, бирорта бойни ахтариб кўрайлик. Ўша одамга ёнма-ён жойлашиб, нима қилаётганини кузатамиз-у, кейин унга ҳар томонлама тақлид қиламиз.

Шундай қилишди. Кулбаларини бузиб, бой кишининг хонадонини ёнидан янгисини қуриб олишди. Бой ўз хизматкорларини дала ва ползда ишлашга мажбур этар, сўнг уларни ҳосилни сотишга жўнатарди. Камбағаллар ҳам унга тақлид қилиб, иложи етгунча далада

ишлар, ҳосилнинг бир қисмини эса бозорда сота бошлади. Аста-секин ишлари яхшиланиб, даромадлари ўсди.

Эру хотин рўзгор юритишни яширинча ундан ўрганиб олганликлари учун бой кишига миннатдорлик билдирмоқчи бўлишди. Эр бир сиқим тилла олиб, бойнинг ҳузурига кириб борди.

— Сен нега буни менга олиб келдинг? — ҳайрон бўлиб сўради бой.

— Мен камбағал эдим. Хотиним билан келишиб, уйингиз ёнида жойлашиб, сизга монанд иш тутишга қарор қилдик. Жуда яхши бўлди, оиламиз фаровонлашди. Шунинг учун миннатдорлик эвазига туҳфамизни олишингизни сўраймиз.

— Агар сен мен туфайли бойлик эгалаган бўлсанг, демак, буларнинг ҳаммаси меники бўлади. Барча мол мулкнинг менга бермоғинг лозим. Шундан сенга неча ҳисса тегишини ўзим ҳал қиламан.

— Ахир мен зикналик қиламай, сизга тилла олиб келдим-ку! Агар бутун бойлигимни талаб қилишингизни билганимда, сизга ҳеч вақо келтирмаган бўлардим.

Бой ва камбағал узоқ тортишди. Ниҳоят, қозига мурожаат этишди. Қози уларнинг ўртасидаги баҳсни ҳал этолмай, қирол ҳузурига олиб борди. Собиқ камбағал киши таъзим қилиб, шундай деди:

— Аъло ҳазратим, мен-бу бадавлат одамнинг уйи ёнида жойлашиб, қандай иш юритишни кузатиб бордим. Барча хизматчилари далада тер тўкаётгани, бозорда қай тарзда савдо қилишаётганини ўргандим. Хуллас, бадавлат кишига монанд ҳаракат қилиб, муваффақиятга эришдим, ишларим бароридан келди. Миннатдорлик сифатида унга тилла келтирдим. У менга ёрдам берган деб ҳисобладим, аммо бой меннинг барча бойлигимга эга чиқмоқчи, шунга талаб қилипти. Аъло ҳазрат, сиздан илтимосим шуки, бу ишни адолат билан ҳал этсангиз.

Қирол бойга мурожаат қилди:

— Бу одам тўғри гапирдими?

— Ҳаммаси тўғри, жаноби олийлари.

Қирол бой киши ҳаддан зиёд зикналигини англаб, шундай деди:

— Эй бой, сенинг болаларинг борми?

— Ўғлим бор, аъло ҳазрат.

— Сенинг-чи? — деб собиқ камбағалга мурожаат қилди подшоҳ.

— Қизим бор, жаноби олийлари.

— Келишмовчилик чиқмаслиги учун қуда бўлишларингизни буюраман. Ана шунда ўзаро тақсимлаш боразида савол тутилмайди.

Бой ва собиқ камбағал қиролга таъзим қилиб, унинг доно маслаҳатини амалга ошириш учун чиқиб кетишди.



Жонингга тегмадим-у, ҳар касда бахилик кўрмак, Инсонлар тақдирига лоқайд ва сира қизиқмаслик. Қалбдан очкузликни қув, дунёдан ҳеч нима кутма, Ишон, сенга олам беҳад саховатли кўринур шунда.

Рудакий

ХАТОНИҲ МОҲИЯТИ НИМАДА?

Устознинг олдига бир киши келди. У узини ҳақиқат изловчи деб атади. Устоз шундай деди:

— Агар ростдан ҳам ҳақиқатни излаётган бўлсанг, сенга нима кераклигини айтаман, у...

— Биламан! — деб устознинг гапини кесди ҳақиқат изловчи. — У — ҳақиқат сари тийиб бўлмайдиган эҳтирос.

— Йўқ, — инкор қилди устоз. — У хато қилишинг мумкинлигини тан олишга тайёр туришдир.



Хатолар моҳиятига қўра муваффақият сари йўлдир. Модомики, ҳар қандай хатони англаш ҳақиқат сари гайрат-шижоат билан интилишга мажбур қилади ва ҳар бир янги тажриба у ёки бу хатолар кўринишини кўрсатиб беради. Биз шунга монанд равишда келажактаги хатоларга синчковлик билан чап берамиз.

А.Китс

ПУЛ ВА КЎЗГҮ

– Устоз, мен бир нарсага тушунмаяпман: камбағалнинг ҳузурига борсанг, у хушмуомалалик билан кутиб олади ва иложи етганча ёрдам беради. Бой кишига мурожаат қилсанг, у ҳеч кимни кўрмайди. Наҳотки бу фақат пул туфайли бўлса?

– Ойнадан қара. Нимани кўряпсан?

– Болали аёлни, бозорга бораётган аравани...

– Яхши. Энда кўзгуга қара. У ерда нимани кўряпсан?

– Кўзгуда нимани кўрадим? Фақат ўзимни кўряпман.

– Кўрдингми, ойна ҳам шишадан, кўзгү ҳам. Фақат бир оз кумуш кукуни қўшилса, кифоя. Ана шундан ўзингни кўраверасан.



Агар биз ўз бойлигимизни идора қилсак, демак, бадавлат ва эркинмиз, мабодо бойлик ўз ҳукмини ўтказса, унда биздан-да қашшоқ кимса йўқ.

Э.Берк

ЖАНЖАЛ БИЛАН ТУТАГАН МАЪРУЗА

Бир дарвиш шогирдларига сабоқ берар экан, шундай дейди: “Ўзингни эшитишга мажбур этишнинг битта йули бор: сен нима деяётганингни билишнинг керак. Шу билан бирга гаплашаётган одамларингга нисбатан ўзингни тута олишнинг лозим”.

Қария донолик сирларини узоқ баён этгани учун бир шогира сабр қилолмади. У жаҳл билан ўрнидан турди ва қулоқ солмай, кетиб қолди.

Кейин эса бир неча йил давомида нималар дейиш ва ўзида яхши хулқни ўзлаштириш санъатини ўрганди.

Одамлар уни ҳурмат қиладиган бўлишди. Улар ёш йигитнинг ишга сиққидилдан ёндашаётгани ва қалби пок эканлигини таъкидлаб, даврасини тарқ этардилар.

Бир куни йигит бир шаҳарга келди, у ерда нутқ сўзламоқчи эди. Аммо маърузаси жанжал билан тутади. Шундан сўнг ҳузурига ҳеч ким келмайдиган бўлади. Шогира бунинг сабабини билиш учун, ёши юзга етиб қолган устозининг ҳузурига келди.

– Сен сабоқни охиригача тингламаган йигитсан-а? – деди устоз. – Кўрдингми, одамлар устоз ҳузурига ўрганиш учун келишади. Агар уларга ҳақиқий инсон керак бўлса, устозга шунчаки ўхшаш кишини тингламайдилар. Муаллимнинг кўриниши эмас, балки қандай самара олиб келиши уни тавсифлайди, холос.



Таълим олишда тўхтаб бўлмайди.

С.Цзи



У БЎЛИМ

БАХТ

Бахт неда намоён?...
У ҳаёт йўлингдадир,
Тақдир айтур: олға юр,
Ёвни билма, говни буз,
Севгин, умид қил, ишон.

А.Майков

КАФТДАГИ ЛОЙ

Парвардигор одамни лойдан яратди ва озгина лойи ортиб қолди.

— Сенга яна нимани ёпиштирай? — сўради Парвардигор.
— Менга бахт-иқбол бергин, — деди одам.
Парвардигор ҳеч нима демади. У одамнинг кафтига бир бўлак ортиб қолган лойни қистириб қўйди, холос.

Ҳаёт фақатгина биз унга беришимиз мумкин бўлган мазмунга эга.

Т.Уайлдер

БАҲАМ КЎРАСАН, АММО КАМАЙМАЙДИ

- Қўлингдаги нима?
- Бахт.
- Нега бунча кичкина?
- У фақат меники, нурли ва чиройли.
- Ҳа... Қойил қолса бўлади.
- Бир парчасини берайми?
- Яхши бўларди...
- Қўлингни узат, баҳам кўрамин.
- Оҳ... бунчалик иссиқ...
- Ёқптимми?
- Жудааям... раҳмат!

- Яқин кишиларга раҳмат дейишмайди.
- Нега?
- Улар ҳаммасини сўзсиз тушунишади. Кўзга қараб.
- Бегоналар-чи?
- Бегоналар ҳам айнан бегоналарга раҳмат дейишади. Вақти келса, тушуниб оласан.
- Биласанми... бахтни қўлимга ушлагач, ўзимни анча яхши ҳис қиладим...
- Доим шундай бўлади.
- Борди-ю, мен уни ким биландир баҳам кўрсам-чи?
- Ўзингдаги бахт янада кўпаяди.
- Нега?
- Ўзим ҳам билмайман. Фақат у янада иссиқроқ бўлади.
- Қўл куйиши мумкинми?
- Қўллар ҳасададан куяди. Бахтдан куйиши мумкин эмас.
- Биласанми... мен бу муъжизани ким билан баҳам кўришни яхши биламан.
- Хурсандман.
- Ундай бўлса...
- Яна кўришамиз. Уни бошқалар билан, албатта, баҳам кўр. Чунки, кўпчиликка бахт етишмайди.

Бахт айнан уни бошқалар билан бўлишиш учун яратилган.

Ж.Расин

КЕКСАЛИКДАГИ ПУШАЙМОНЛИК

Бу одам умр бўйи кичкина оролда яшади. Аммо ушбу маскан оддий орол эмасди. У мафтункор гузаликка бурканган эди! Ба, ниҳоят ёшени яшаган эркак катта шаҳарга яшаш учун жунаб кетди. Бир куни унга кимдир шундай деди:

— Дунё муъжизаларидан бири саналган оролда яшаш ҳақиқатан ҳам зўр бўлса керак! Сизнинг омадингиз келган!

Эркак суҳбатдошига диққат билан қаради ва оғир таассуф билан деди:

— Биласизми, агар кимдир сиздан аввал оролниги шунчалик машхурлигини айтганида борми, мен уни яхшилаб куриб чиққан бўлардим.

— *Кимки нимагадир эга бўлиб, йўқотган бўлса, бари бир қисқа фурсатга бўлса-да, қувонган... Кимки йўқотиб қуйишдан қўрққан бўлса-ю, ундан юз утирса, бахтсизга айланади... У бари бир айрилиқ ичиде куйиб қолаверади ва бу куйиниш тобора ошиб бораверади. Чунки айнан бой берилган имкониятлар тасаввурини ҳавас келтирадиган куч билан намоён бўлади...*

ҚАМЧИ ИЗИ

Йула бошида бир гадоёй садақа сўраб турарди. Шундан ёнидан ўтаётган чавандоз қамчи билан унинг юзини солиб қолди. Гадоёй узоқлашиб кетаётган чавандоз ортидан қараб, "Бахтли бўл!" деди.

Бу сўзларни эшитган бошқа йўловчи ундан сўради: — Ахир, у сени қамчи билан урди-ку! Шунчалик итоаткормисан?

— Йўқ, — деб жавоб берди гадоёй, — агар чавандоз бахтли бўлганида, мени урмаган бўларди.

Бахт сизнинг кимлигингиз ва нималарга эга бўлишингизни аниқлатмайди. У нималар ҳақида уйлашингизни боғлай.

А.Карнеги

ИККИ ТОМЧИ ЁҒ

Бир савдогар ўзининг ўглини бахт сирини билан олиш учун энг катта донишманд ҳузурига юборди. Ўйигит қирқ кун саҳро кезиб, ниҳоят тоғ тепасидан улкан ва муҳташам саройга кўзи тушди. У излагани донишманд шу гўшада истиқомат қиларди.

Бахтга қарши, сарой кимсасиз бўлмай, одамга лик тўла эди: улар бир-бири билан тортишар, ўз молини тавсия қилар, савдогарлар, одамлар бурчак-бурчакда суҳбатлашар, кичик машоқлар гуруҳи ҳазин куй чалиб турарди. Ўртадаги стол устида эса ҳашаматли ва нафис идишлар турар, ўлкадаги барча ноз-неъматлар унда муҳайё эди. Донишманд барча меҳмонларни қабул қилар экан, йигит навбати келишини икки соат кутди.

Ниҳоят донишманд ундан нима мақсада келганини сўради, аммо бахт-саодат сирини айтиб бериш учун ҳозир вақти йўқлигини айтди. "Майли, йигит саройни икки соат айланиб, кейин шу залга келсин", деди у.

— Сендан битта илтимосим бор, — мурожаат қилди донишманд йигитга, икки томчи мойни чой қошиққа томизиб. — Мана шу қошиққа қараб юр, токи ундаги ёғ тукилиб кетмасин.

Йигит қошиқчадан кўз узмай, сарой зиналаридан юқори ва пастга кутарилиб-тушиб юрди. Орадан икки соат ўтгач, у донишманд ҳузурида пайдо бўлди.

— Хўш, — деди донишманд, — сenga залдаги форс пилалари ёқдимми? Бог-чи, уни энг моҳир усталар ўн иш мобайнида тиклашган. Кутубхонадаги китоблар ҳамда қадимий терига ишланган ёзувлар маъқул тушадими?

Хижолатдан қизариб-бўзарган йигит ҳеч нимани кўрмаганига иқрор бўлди. Ахир у бутун диққат-диққорини хўжайин ишониб топширган икки томчи чойга қаратган эди-да.

— Орқанга қайт ва уйимдаги барча ажойиботларни куриб чиқ, — деди донишманд. — Одамнинг қаерда ва қандай яшаётганини билмасдан туриб, унга ишониш қийин.

Йигит қошиқни қўлига олиб, яна саройни кўздан кечиришга киришди. Аммо бу сафар бепарво эмасди, у тоналани безаб турган барча нодир ва қимматбаҳо санъат асарларини куриб чиқди. Саройни ураган боғларни

томоша қилади, гулларнинг товланиши ҳамда суратлар ва ҳайкалларнинг жойлашувиға маҳлиё бўлади.

Донишманд ҳузуриға қайтиб келгач, кўрганларининг барини батафсил санаб берди.

— Мен тўкмай олиб келишни тайинлаган икки томчи ёғ қани? — сўради донишманд.

Йигит қўлидаги қошиққа қараса, мой тўкилиб кетган.

— Сента айтадиган ягона маслаҳатим ҳам шу, — деди унга донолар доноси. — Бахтнинг сири дунёнинг барча мўъжаз ҳамда мўътабар нарсаларини кўришдан иборат. Шу билан бирга чой қошиқдаги икки томчи мой ҳақида ҳеч қачон унутмаслик керак.

Бахт — бизнинг қаерда ва қай вақтда бўлишимиздан қатъи назар, руҳиятнинг ҳамиша хушнуд ҳолатда бўлишдан ва ҳеч қачон ғам чекмаслигидан иборатдир.

Диоген

НОЗИК ХИЛҚАТ ФИРИБИ

Гольф уйини буйича мусобақа ўтказилади. Гольф жуда катта пул ютуғига эга бўлади. Бахтта беланган эркак уйига қараб отландай. Аммо клуб яқинида унга бир аёл учраб, ютиб олган пулидан озроқ беришини ўтиниб сўради. Бу аёл шунчалик бахтсиз қиёфада кўринадики, эркак тўхтаб, унинг дарадини жон қулоғи билан тинглади. Маълум бўлишича, аёлнинг ўғли ниҳоятда огир касал эмиш. Уни жуда огир ва қиммат турадиган операция қилиш керак экан, пули эса мутлақо йўқ. Аёлнинг гаплари спортчининг юрак бағрини ўртаб юборди ва бор мукофотини болани даволатиш учун бериб юборди.

Бир неча кундан сўнг у яна ўзининг гольф клубини қайтиб келди. Дўстларига ўша бахтиқаро аёл ҳақида гапириб берди.

— Эҳ, аттанг! — дейишди улар бир овоздан. — Сен ҳам ўша алдоқчи аёлнинг қопқонига тушдингми? У пулларингга эга бўлиш учун буларнинг ҳаммасини ўйлаб топган. Бу ишни бир неча марта амалга оширган. Сента бу ҳақда етказишимиз жуда ноқулай, кечир. Дўстларинг бўганимиз учун айтдик.

— Шундай қилиб, унинг касал боласи йўқми? — аниқлик киритиш мақсадида сўради чемпион.

— Йўқ!

— Худого шукр! Бу ҳафтанинг энг яхши янгилиги бўлди! — деди кулимсираб эркак.

Берганини ёдидан чиқариб, олганини эсда сақлай-диган кишилар марҳаматли инсонлардир.

Э.Бибеско

ҲАММАСИ ЯХШИЛИККА

Бир қуаратли подшоҳ бўлиб, донишманд вазири доимо унга ҳамроҳлик қилар экан.

Бир куни подшоҳ ов қилиб юрганида, бахтсиз ҳодиса юз берибди: камон отишмаси пайтида унинг бир бармоғи узилиб кетибди. Подшоҳ газаб отига минибди. Донишманд вазир уни юпатишга ҳаракат қилиб:

— Аъло ҳазрат, ҳаммаси яхшиликка, — дедди.

Бу сузлардан подшоҳ баттар аччиқланибди. У вазирни зиндонга ташлашни буюриб, фақат сув беришларини тайинлабди.

Маълум вақт ўтгач, подшоҳ яна овга отланибди. Бу сафар у қўшни ўрмонлар томонга кетибди. Овозаларга қараганда, ўша ерда турли йиртқич ҳайвонлар куп экан. У ўрмонда ёввойи қабилла ҳам яшар экан. Ов пайтида улар подшоҳ ва мулозимларига хужум қилиб, қўлга олишибди. Қабилла ўзининг қандайдир Худосига ситинар, унга қурбонлик қилишлари лозим экан.

Қароқчилар шоҳни сураб, бош қоҳин ҳузурига келтиришибди. У подшоҳни кўриб, хурсанд бўлиб кетди:

— Ниҳоят биз аргизулик қурбонлик келтирдик! Энди анча вақтгача худонинг марҳаматидан баҳраманд бўламиз!

Қурбонлик қилиш маросими бошланибди. Шунда қоҳин подшоҳнинг бир бармоғи йўқлигини сезиб қолибди. Қаттиқ аччиқланиб, қабиладошларига қичқирибди:

— Худолар фақат энг яхши нарсаларга муносибдилар! Сизлар эса қандайдир ногирон кишини келтирибсиз. Унинг бир бармоғи йўқ-ку!

Подшоҳни ўрмонга қувиб юборишибди. У ўз салтанатига етиб келгач, энг аввало, донишманд вазирининг ҳузурига ошиқибди.

— Сен ҳақ экансан, — дебди подшоҳ кўз ёши тукиб. — Мен бармоғимдан маҳрум бўлдим, аммо ҳаётим сақланиб қолди! Лекин сен ҳам азоб чеқдинг. Қанча вақтинг зиндонда ўтди.

— Ҳаммаси яхшиликка, — жавоб берибди вазир.

Агар мен зиндонда бўлмай, сиз билан ўрмонга оғин кетганимда, ҳозир ҳаёт бўлмасдим. Бармоғим бутунлиги боис, мени қурбонлик қилишлари мумкин эди.

Бошқаларнинг хулқ-атворини тушуниш учун ақла ўз-ўзининг аниқлаш учун эса донолик керак.

А.Хайдар

РАНЖИШ — ДИЛДАГИ ТОШ ДЕМАК!

Шогира устозига мурожаат қилди:

— Сиз донишманд инсонсиз. Кайфиятингиз ҳаминча яхши, ҳеч қачон аччиқланмайсиз. Менга ҳам шундай бўлишга ёрдам беринг.

Устоз кўнди ва шогирдидан картошка ҳамда шаффоф халтача келтиришни илтимос қилди.

— Агар сен бирор кишидан аччиқлансанг ҳамда қарғазбага тўласанг, мана шу картошкани қўлайсан, — деди устоз. — Бир томонига ўзининг исм-шарифингни, иккинчи томонига эса жанжал чиқарган кишиникини ёзасан ва картошкани халтачага соласан.

— Шунинг ўзи кифоями? — ҳайрон бўлиб сўради шогира.

— Йўқ, — жавоб берди устоз. — Сен халтачани доимо ўзинг билан олиб юришинг керак. Ҳар сафар кимдандир ранжисанг, унга картошка қўшиб қўясан. Шогира рози бўлди.

Бир оз вақт ўтди. Халтача картошкага тўлиб борарди. Оғирлашиб ҳам қолди. Шогирднинг уни олиб юриши анча қийин бўлди. Картошқаларнинг ташқи томони кўкариб, туғунак чиқарди. Қўланса ҳид тарқата бошлади. Шогира устозининг ҳузурига бориб, шундай деди:

— Энди бўни кўтариб юришинг асло иложи йўқ. Биринчидан, халта ҳаддан зиёд оғир, иккинчидан, картошқалар ирий бошлади. Нимадир қилиш керак. Устози жавоб берди:

— Кўнглимда ҳам айнан шу ҳолат рўй беради. Сен бирор кишидан ранжиб, хафа бўлсанг, дилимда гўё оғир тош пайдо бўлади. Бунга дарров илгамайсан. Сўнгра тош катталашади. Қилиқлар, хатти-ҳаракатлар одадга, одат эса феъл-атворга айланиб, бадбўй иллатга олиб келади. Бу юкни унуттиш жуда қийин, чунки у ниҳоятда оғир, ўзинг билан доимий олиб юришинг осон кечмайди. Мен сенга бу жараёни четдан туриб тузатишга имкон бердим, холос. Сен ҳар сафар кимдандир хафа бўлсанг, "Шу тош менга керакмикан?" деб ўйлагин.

Барча нуқсонларни биз, ўзимиз пайдо қиламиз. Бирор ишни амалга оширишга бел боғлашдан олдин йўлаб кўриш керак: "Бу менга керакми ўзи?" Кичик

шод-хуррамликлар бизга нисбатан донишмандда жумла кўп. Ахир, уларни у ҳамма жойдан топади-да! Яхши яшаш ва хушвақтлик барчанинг ҳамроҳи бўлсин! Катта-кичик қувончлардан хушур-ҳаловат топиш учун (ахир улар ҳамма жойда мавжуд) кўз, қулоқ ва қалбни каттароқ очиб қараш керак! Олам шодлик, хушбахтликка лиммо-лим, фақат уни ҳаётингизга жон этсангиз кифоя! Кичик гўшада бўлса ҳамки, мўъжизалар учун жой топилади...

МУВАФФАҚИЯТГА ҚАНДАЙ МОЙИЛ БЎЛМОҚ КЕРАК?

Ҳамма жабҳада ижобийликни ўрганиш ҳақида ривоят

Бир оилада икки бола вояга етаеттанди. Уларнинг ёши бир хил, ҳатто таваллуд кунлари бир кунда эди. Фақат бири онанинг ҳақиқий боласи, иккинчиси эса ўтай эди. Ҳақиқий болани ота-онаси ниҳоятда яхши кўрар, уни доимо эркатлатишарди. Энг яхши ўйинчоқлар, янги кийим-бош олиб беришар, ҳамини авайлаб парваришлаб, арзанда қилиб ўстиришарди. Асранди болани эса ҳақдан ташқари ёмон кўришар, унга нуқул қандайдир ёмонлик қилишга уринардилар.

Оиланинг ҳақиқий боласи ярамас, ўжар бўлиб ўсарди. У билан куча-қуйда, албатта, бирор муҳҳиш воқеа рўй берарди. Бу бола қўлига нимаики тушса, ҳаммасини синдиради. Қўшнилари уни ёмон кўришарди. Иккинчи асранди бола эса, ота-онасининг салбий муносабатига қарамай, ниҳоятда хушмуомала ҳамда раҳмдил бўлиб ўсди. Унга тақдир ҳам кулиб боқди. Аслида-ку, ҳақиқий бола кўплаб имтиёзларга эга, лекин ҳаётда сира омад келавермади. Атрофдагилар ҳайрон эди: "Нега булар ҳар хил?"

Навбатдаги тутилган кунда ота-оналари арзанда бола учун катта ёғоч от сотиб олишди ва чиройли

тарзда қутичага жойлаштиришди. Ёмон кўрган болага эса ҳеч нима ҳада этмай... бўш қути беришди. Болалар совга қутисини очишганида, уларнинг муносабатига яна ҳамма ҳайрон бўлди. Арзанда бола қутини очиб, ёғоч отни кўрди ва бирдан газаб отига минди. "Нега менга жонсиз отни совга қилдинглар", деб бақиради оёқларини тапилатиб, юзидан эса кўз ёшлари тинмай оқди.

У совгадан, ота-онаси-ю, меҳмонлардан асло миннатдор эмас, ҳеч нима уни хурсанд қилмасди. Ўтай бола эса ўз совга қутисини очар экан, ниҳоятда хурсанд бўлди. "Раҳмат! Менга тирик от совга қилишди, фақат у ҳозир сайр қилишга кетган", деди табассумдан юзлари ёришиб. Ўзига берилган совга туфайли чин юракдан қувонди, ота-онасидан, пешанасига битилган тақдирдан, ҳамма-ҳаммасидан миннатдор бўлди. Бутун кеча давомида таклиф қилинган болалар меҳмонхонада у билан димоғлари чоғ бўлиб ўйнашди. Бошқа хонада эса ота-она ўзининг арзанда боласини ҳали-ҳамон тинчитиш билан овора эди.

Дунёга кулиб боқ, у ҳам шунга жавобан сенга табас-сум қилади!

Йигла, ана шунда ёлғиз йиглайдиган бўласан.

МОҒОР БОСГАН ТОШ

Бу оламда бир кўҳна харсанг бор эди. У кўк-яшил тусда бўлиб, четлари нотекис ва шунчалик эски эдики, кўп жойларини моғор босиб кетганди. Қариб кетгани ҳамда шамол, ёмғир ва қуёш туфайли кичик бўлақларга ажралиб қолганди. Ана шу бўлиниб кетган ушоқлари олдига бир бола келди. У ердан бир неча тош бўлақларини олди-ю, уйнай бошлади.

Қоронги тушгач, болакай уйига тунани кетди, тош бўлақларини эса ҳовлисига ташлади. Тунда қизиқарли

ва сеҳраи мўъжизага бой туш кўрди. Бола осмонга учгандай шодумон ва бахтли эди.

У эрталаб уйгонганда, бир қўшни қиз ҳовлига ниҳол ўтқазаётганини кўриб қолди. Қиз уни челақадаги сув билан сугорарди. Шунда бола кеча қача уйнаган тош бўлақларини олиб, ҳозиргина экилган ниҳол атрофига териб чиқди. Натижада сув дарахт тагидан нарига оқмайдиган бўлди. Шундан сўнг улар анча вақт тик турганча, кичкина ниҳолга термилиб қолишди. Ниҳол эса зўрга эшитиладиган қилиб: "Раҳмат", деди...

Орадан йиллар ўтди. Дарахт тагига одамлар кичкина сулача қуриб олишди. Севишганлар дарахт тагидан утиришни яхши кўришар, ундан эса шовуллаган қарагайларнинг хушбўй ҳиди анқирди.

Оддий яхшилик, ёқимли сўзлар, беминнат ёрдам, ширин илтифотлар, виждонан адо этилган бурч, холис хизматлар, сеvimли иш, дустлик, муҳаббат, садоқат — буларнинг барчаси жуда оддий тушунчалар, бироқ бахт айнан улардан таркиб топади.

О.Марден

ТУШУНАРЛИ ВА ТУШУНАРСИЗ

Бир куни Эйнштейн Чарли Чаплинга шундай деб ёзди:

"Сизнинг "Олтин тавадаси" номли фильмингиз моҳиятини бутун дунё тушунади. Сиз, албатта, улутвор инсон бўлиб етишасиз".

Чаплин жавоб юборди:

"Мен сиз билан кўпроқ фахрланаман. Сизнинг нисбийлик назариянгизни дунёда ҳеч ким тушунмайди, ammo шунга қарамай, улутвор киши бўлиб етишдингиз".

Муҳаббат ва маҳорат бирлашса, шоҳ асарни кутаверинг.

А.Рескин

БОШҚАЧА ҲАЁТ

Бой-бадавлат оилада бир уғил ўсаётганди. Бир куни отаси уни қишлоққа олиб борди. Мақсади камбағал кишилар қандай ночорликда яшашини кўрсатиш эди. Отасининг фикрига кўра уғли ўз кўзлари билан бошқача ҳаётни кўрсин ҳамда атрофини қўршаган нарсаларни янада қадрласин. Ана шунда мавжуд бойлик билан фахрлана олади.

Улар жуда ночор яшаётган бир оила томон йўл олиб, кечаю кундуз ўша хонадонда яшадилар. Сўнг уйга қайтдилар. Отаси углидан саёҳат ёққан-ёқмаганини сўради.

— Жуда ёқди! — деди тўлқинланиб бола.

— Энди бошқача ҳаёт ҳам борлигини биласан. Хуш, саёҳатдан нимани тушундинг?

— Ада, бизнинг уйда битта ит яшайди. Уларнинг ҳовлисида эса тўртта кўппак ҳамда ситир бор экан. Богимизда бассейнимиз мавжуд, уларнинг уйи яқинида эса улкан кўрфаз бўлиб, нариги қиргоғи мутлақо кўринмайди. Богимизни чироқлар ёритиб туради, уларникида эса бир олам юдузлар порлар экан. Бизнинг ташқи ҳовлимизда девор бор, уларники эса чексиз-чекгарасиз уфққа туташган.

Бундай жавобдан ота чуқур уйга ботибди.

— Раҳмат, ота, сиз менга бошқача ҳаётни кўрсатдингиз! — деб қўшиб қўйибди уғил.

Ҳаёт гузал ва серқирра. Дунё ҳар бир кишига унинг истагига хос равишда намоён бўлади. Ҳар бир инсоннинг ўз кўзгуси бор, шу боис, дунё ҳар қандай кишига қандайдир қирраси билан ярқираб кўринади. Бойликми ёки камбағаллик? Ҳаммаси дунёга қандай нигоҳ ташлашга боғлиқ. Камбағалликда ҳам бадавлат бўлиш мумкин. Энг асосийси, улкан моддий фаровонликка эга бўла туриб, камбағал бўлмаслиқдир.

БАЛАНД ТОҒЛАР ИДДАОСИ

Минглаб дарёлар, ирмоқлар, оқим ва шаршалар баланд тоғлардан бошланади. Айнан шу боис тоғлар кеккаяди. Улар ўз чуққиларидан сув эндириб, оёқларни остида ястаниб ётган денгизларни тўлдирганини айтиб, димоғи шишиб гердаёди.

— Эй сен, бемаъни тоғора, — дейди димоғдор тоғлар осойишта денгизга қараб, — агар сенинг қирғоқларинг биздан дастлабки сувни олмаса, суронли дарёлар бўлмаса, нима рўй беришини биласанми? Фақат қуруқ чуқур ўрага ўхшаб қоласан!

Денгиз катта оғизликка нима деб жавоб берарди? У лом-мим демасди. Денгизнинг ишлари ҳаддан зиёд кўп, жавоб беришга вақти етади, дейсизми? Булутларга намлик юбориш керак, токи у тоғларга жойлашсин. Булутларни сув билан тўлдирмоқ лозим, токи ёмғир бўлиб, пастга — денгизга боқиб турган ўша тоғларга ёғсин.

Одатда, бизга бахтнинг ўзи эмас, балки бахтли бўлиш маҳорати етишмайди.

М.Магерлин

УЛАР ҚАЙТМАДИЛАР

Император бир рассомга сарой деворларига Ҳимолай тоғи тасвирини чизиб беришини илтимос қилди. "Бунинг учун Ҳимолайда уч йил яшашим керак", деди мусаввир, чунки у буюк санъаткор эди.

— Бу сендан уч йил талаб қиладими? — деб сўради император.

— Мен кам вақт сўрадим, — жавоб берди рассом. — Токи Ҳимолайнинг бир қисмига айланмас эканман, унинг тасвирини туширишнинг улдасидан чиқолмайман.

Рассом орадан уч йил ўтказиб қайтди ва уч кун ичида деворни расмга тўлдирди. Император уни кўриш учун келди. Девордаги расм муъжизанинг нақ ўзи эди! Император ҳеч қачон бундай гузал тоғни кўрмаганди. У узоқ тикилиб турди, завқ билан термилди, сўнгра бирдан сўраб қолди:

— Мен бу ерда сўқмоқ йўлни кўряпман, у қаёққа олиб боради?

Рассом жавоб берди:

— Биз бориб кўришимиз мумкин.

Улар кетишди ва қайтиб келишмади.

Бахт — изланган жойларда эмас, балки уни топган масканда бўлади.

Ж.Пети-Сан

ҲАЁТ БАҒИШЛАЙДИГАН КИЧИК ҚАҲРАМОН

Денгиз суви кутарилиб, қирғоққа жуذا кўлаб меҳузларни чиқариб ташлади. Сув пасайгач, улар кўёш нурида қуриб қола бошлади.

Қирғоқда ўйнаб юрган бола меҳузларни битта-битта денгизга ташлашга киришди. У жониворларнинг яшаши учун ҳаракат қиларди.

Боланинг олдига бир киши яқинлашди ва сўради:

— Ҳой бола, сен нима учун бундай қиляпсан? Ахир, бу жониворларнинг барчасини қутқаролмайсан-ку! Улардан кўпчилиги бари бир ҳалок бўлади!

— Тўғри, мен ҳаммасини қутқаролмайман, аммо ҳар бирини қутқараётганимда қанчалик қувониб кетаётганимни билсангиз эди!

Бошқа шарҳда айтилишича, мазкур мулоқот қуйидагича кечган:

— Турган-битгани бемаънилик! — деб қичқирди амаки. — Атрофга қара, миллионлаб меҳузлар бор. Улар

қирғоққа тўшалаиб ётибди. Сенинг уринишинг ҳеч нимани ўзгартирмайди.

Бола навбатдаги медузани қирғоқдан кўтариб оларкан бир лаҳза ўйланиб турди-да, сўнг уни денгизга ташлаб шундай жавоб берди:

— Йўқ, менинг уринишим айнан шу медузанинг ҳаётини албатта ўзгартиради.

Мухаббат билан яшайдиган, ҳаёт тўхфа эгачак шарафни кўзлаб эмас, ҳаётнинг ўзи учун умр кечирадиган инсон бахтлидир.

Р.Богэн

ТОҶҚИР ЭШАК ТЎҒРИСИДА

Бир куни эшак қуауққа тушиб кетди ва ёрдам сўраб, кучли ҳангради. Унинг қичқиригига эгаси чолиб келди. Сўнг ноилож қўлларини икки томонга ёйди — ахир эшакни қуауқдан тортиб олишнинг имкони йўқ эди-да!

Шундан сўнг хўжайин мулоҳаза юритди: “Эшагим анча қари, улишига ҳам яқин қолган. Менинг эса бари бир янги, ёш эшак сотиб олишимга тўғри келади. Бу қуауқ қуриб қолган, уни анча вақтдан бери кўмиб, янгисини қазиргани истаганим. Нега энди бир ўқ билан икки кўённи урмас эканман? Ҳа, эски қуауққа қўшиб бир йўла эшакни ҳам кўмиб юбораман”.

У узоқ ўйлаб ўтирмай, икки қўшнисини ёрдамга чақирди. Учовлон ҳамжиҳат бўлиб, қуауққа тупроқ ташлай бошлашди. Эшак бунини дарров фаҳмлаб, ҳанграшга тушди. Одамлар унинг ҳайқиригига эътибор ҳам бермай, ишларини давом эттиришди.

Қўп ўтмай, эшакнинг овози чиқмай қолди. Хўжайин қуауққа қараб, шундай манзарага кўзи тушди — эшак силкинганча устига тушаётган ҳар бир ҳовуч тупроқни оёғи остига туширар ва топтарди. Бир оз вақтдан кейин у ҳаммани ҳайрон қолдирганча қуауқдан чиқиб кетди! Ана шунақа...

...Эҳтимол, ҳаётингизда жуда кўплаб турли кўнгил-сизликлар рўй бериши, келажакда ҳам янги ва янги ташвишларга учрашингиз мумкиндир. Ҳар сафар сизга навбатдаги кулфат дуч келиб, ўз гирдобига олса, эсингизда бўлсинки, ундан бемалол қутула оласиз ва шунинг эвазига янада юқорига кўтариласиз. Қараб-сизки, энг чуқур қуауқдан ҳам чиқиб кета оладиган бўласиз.

Ҳар бир муаммо бамисоли тошга ўхшайди. Ҳаёт уни сизга қарата улоқтирди. Нима қилиш керак? Сиз тошларни босиб ўтиб, бўронли оқимлардан халос бўлишга қодирсиз.

Оадий бешта қойдани эслаб қолинг:

- 1 Кўнглингизни нафратдан халос этинг — кимдан ранжиган бўлсангиз, барчасини кечиринг.
- 2 Юрагингизни ортиқча ҳаяжондан озод қилинг — умарнинг кўпчилиги фойдасиздир.
- 3 Оадий ҳаёт кечиринг ва нимагаки эга бўлсангиз, барини қадрланг.
- 4 Кўпроқ беринг.
- 5 Камроқ нарсаси кутинг.

ЧИРОЙЛИ ИДИШДАГИ ҚАХВА

Обрули олий ўқув юрти битирувчиларининг бир гуруҳи муваффақиятли мартабага эга бўлагач, кекса профессор ҳузурига боришди. Ташриф пайтида суҳбат ишга бориб тақалди: собиқ талабалар сон-саноксиз қийинчилик ҳамда ҳаётини муаммолардан шикоят қила бошлашди.

Профессор меҳмонларига қаҳва таклиф қилди-ю, ошхонага ўтиб, қаҳва қайнатгич билан турли-туман идишчалар: мармар, пиша, сопол, биллурдан ясалган-

ларини патниста солиб чиқди. Улардан айримлари жуда оддий, баъзилари эса ниҳоятда қимматбаҳо эди. Битирувчилар чашкасини қўлига олгач, профессор шундай деди:

— Ўзтибор беринг, ҳамма чиройли идишчаларни олди, оддий ва арзонлари эса патнисда қолди. Гарчи бу сизлар учун оддий меъёрий иш бўлса-да, ўзинга фақат яхши нарсани танлаш, балки айни пайтда сизнинг муаммо ва руҳий зарбаларингиз манбаи ҳисобланади. Шунини яхшилаб ўқиб олинг: чашканинг ўзи қаҳвани хуштаъм қилолмайди, албатта. Кўпинча у шунчаки қимматбаҳо бўлади, аммо баъзан биз нима ичаётганимизни, ҳатто яширади ҳам. Аслида эса истаганингиз чашка эмас, балки қаҳвадир. Шунга қарамай, сиз онгли равишда энг яхши чашкани танлаб олдингиз, кейин эса кимга қандай чашка текканига назар ташлайсиз.

Энди эса ўйланг: ҳаётни — қаҳва деб билинг. Иш, пул, мавқе, обрў-эътибор, жамият, бу — чашка. Барчаси фақат ҳаётни қўлаб-қувватловчи мазмунли воситага ўхшайди. Бизнинг қайси идишга эга бўлганимиз ҳаётимиз сифатини белгиламайди ва ўзгартирмайди. Биз кўпинча фақат идишга диққат-эътибор қаратамиз-у, қаҳванинг мазаси билан ҳаловат топиб, ҳузурланишни унутиб қўямиз.

Барча яхши нарсаларга эга одамларни бахтли кишилар деб бўлмайди. Аксинча, ўз ихтиёридагидан энг яхши ҳаёт ярата олган бахтиёрдир.

ЭНГ ШИРИН ВА ЭНГ АЧЧИҚ

Бир подшоҳ вазирага бутурибди:

— Менга дунёдаги энг нодир, денгиз тубидан ҳам топилмайдиган ширин таом келтир.

Вазир тил олиб келди ва қовуриб подшоҳнинг дас-турхонига қўйди. Бу ҳукмдорга жудаям ёқди.

Бошқа сафар подшоҳ яна буйруқ берди:

— Менга дунёдаги энг аччиқ таомни олиб келгин, энг аччиги бўлсин!

Вазир яна тил харида қилиб келди ва олампаñoҳга ҳаёя этди.

Подшо деди:

— Мен энг ширин таом сўрадим, сен тил бердинг. Энг аччиқ таом топишни бутурганимда ҳам тил олиб келдинг.

Вазир жавоб берди:

— Аниқ биламанки, дунёда тилдан ҳам ширинроқ ёки аччиқроқ ҳеч нима йўқ.

Тил ширин ёки аччиқ бўлиши мумкин эмас... Ахир, тил — ойна, холос. Одамлар телбаларча аразлайдиган ойна!

С.Довлатов

ЁМОННИНГ БИР ҚИЛИГИ

Битта қуш тақводор бўлишга қарор қилди.

У муқаддас китобни очиб, оятни ўқиди:

“Бошқаларга, сенга қандай муносабатда бўлишларини истасанг, айнан шундай муносабатда бўл”.

“Нақадаар доно кўрсатма, — деб ўйлади қуш. — Бугундан бошлаб ана шу тамойил асосида яшай бошлайман”.

У мазали ва ширали меваларни узиб олди-да, дугонаси — отнинг ҳузурига олиб борди.

— Салом, қадрли дугонажон, — деди отга. — Сен билан кўришмаганимизга ҳам анча бўлди. Қара, мен сенга мазали ва фойдаси тегадиган мевалардан олиб келдим. Илтимос, мазасини тотиб кўргин.

От меваларни еди ва... тил тортмай ўлди.

Маълум бўлишича, бу мевалар қушлар учун фойдали бўлиб, ҳайвонларга тўғри келмайдиган, заҳарли экан.

Хамма гап шундаки, муқаддас китобда ёзилган кўрсатмалар бошқаларга керакли ва фойдали эканлигини аниқ билганингиздан сўнг тўғри амал қилади.

УЧТА "МЕН"

Бир куни набира бобосидан сўради:

— Қалб нима дегани?

Бобоси унга бир пайтлар ўзининг бобосидан эшитганларини айтиб берди:

— Айтишларича, одамда учта "Мен" яшаб, унинг ҳаётини қўлаб-қувватлаб, маълум ўзанга йўналтириб туради экан. Биринчи "Мен" — жуда совуқ. Уни агрофинглаги барча одамлар кўришади. Биринчи ва иккинчи "Мен"лар одам устидан ҳукм юритиш учун доимо тортишиб, жанжаллашиб туради. Уларнинг нозиси бизни иккиланиш ва ваҳима сари ундайди. Фақат учинчи "Мен" биринчи ва иккинчини муроСага келтиради. Уни ҳеч ким кўрмайди. Биз баъзида ана шу "Мен"нинг борлигига ишонмай қоламиз. Ваҳоланки, у доимо биз билан бирга.

— Мен бу ҳақда ҳеч нима эшитмаган эканман, — деди набира.

Бобоси жиламайиб қўйди ва шундай деди:

— Биринчи "Мен" — ақл-идрок. Агар у иккинчиси устидан ҳукмронлик қилса, одам ҳисоб-китобли ва совуққон бўлади. Иккинчи "Мен", бу — юрак. Агар у енгса, соддадла одамга айланамиз. Бизни осонгина ранжитиш ва алдаш мумкин бўлиб қолади. Учинчи "Мен" эса — қалб. Фақат угина биздаги уйғунлиكنи таъминлаши мумкин.

Одамга ақл етишмаса ёмон, аммо қалб етишмаса, икки карра ёмон.

С.Жонсон

БИР ҚОП АСАЛАРИ

Бир кишининг қишлоқдаги ҳаёти жонига тегиб кетди. У саёхатчиларнинг "катта дунё" тўғрисидаги ҳикояларидан сўнг ҳар бир қадамда ўзини қуршаб турган чекловлардан озода бўлиб, ана шу оламга киришни чанқоқлик билан кутаркан.

Ниҳоят қаҳрамонимиз бир қарорга келди. У эрта тонгда "катта дунё"га элтувчи йўлга чиқди.

Кўп ўтмай бир донишмандни учратиб қолди. Назарида у "катта дунё"нинг барча нозик жиҳатларини билладигандай кўринди. Шу боис бирга қўшилиб юришга аҳд қилди. Бир оз вақт ўтди ва донишманд шундай деди:

— Қарагин-чи, йўлнинг чеккасида ётган нима экан?

Қаҳрамонимиз бориб кўрса, у чириган тўнкага ёпишиб кетган асалари ини экан.

— Бу асалари инини ўзимиз билан олишимиз керак. Эҳтимол, сотишга тўғри келиб қолар.

Шу сўзларни айтган қаҳрамонимиз ўзининг камзулини ечиб, халтача тикди ва асаларининг катта қисмини йигиб, елкасига ортмоқлади. Асалариларнинг бир қисми камзулдан чиқишга муяссар бўлди. Сўнг даҳшатли гўнгилаганча йўловчига ташланиб, чақа бошлади. Қаҳрамонимиз халтани ташлаб юбориб, қўлини уқалади-да, сакрашга тушди. Кейин халтани чангаллаб олди ва тош устига қўйиб, асалариларни ўлғунича тепкилади.

— Ўзингни бос. Кел, ўтириб нима қилаётганинг ҳақида ўйлаб кўрайлик, — деди донишманд.

— Бу одатий муносабат: асаларилар чаққанига яраша менинг жавобим.

— Наҳотки оддий муносабат бўлса? Айрим асаларилар қилган иш учун уларнинг барчасини жазолаш мумкинми?

— Менинг ўрнимда бўлган бошқа ҳар бир киши ҳам худди шундай қилган бўларди, — деди у ва "файласуфларни сира тушуниб бўлмайдиган" деб ўйлади.

— Асаларилар нима деб ўйларкан, кел, эшитайлик-чи? — донишманд шундай деб, қандайдир мўъжизавий ҳаракат қилди. Натижада сал наридаги учта асаларининг суҳбати бемалол эшитила бошлади.

Асаларилардан бири иккинчисига мурожаат қиларди:

— О, устоз! Сиз асалариларнинг аҳли дониши бўласиз. Нима рўй берганини бизга баён этиб берсангиз.

— “Катта дунё” дан бир неча жонзот келиб, бизни олиб кетмоқчи бўлишди. Айрим асаларилар уни қақиб олди. Бу одатий муносабат эди. Шунда уша жонзотлардан бири газабланиб, қавмимизни тошга қўйиб тепкилади.

Асаларилардан бири сўради:

— Улар ҳамиша ўзларини шундай туттишадими?

— Ҳа, бу жонзотлар доимо бир хил вазиятда худди шу тарзда бир хил ҳаракат қилишди. Агар айрим асаларилар бизни нималар кутаётганини билмасдан, “катта дунё”га боришга чанқоқлик билан интилмаганида бу ҳодиса рўй бермаган бўларди.

Асаларидан бири деди:

— Агар “катта дунё” шундай бўлса, шахсан мен уни излашга чек қўяман. Сиз қанчалик донишманд бўлманг, мактабингизни ҳам тарк этман.

Донишманд ҳамроҳига ўқтирди:

— Сен ҳам шунақасан. “Катта дунё”га кирмоқчи бўласан-у, йулга киргач, афсусланадиган ишлар қиласан.

Қайда бўлсанг-да ўйлама, дунё бепоендир деб,
Айтурларки, ҳар жойда бор тош ила тарози деб.

Мақол

ТҮРТТА КҮР ВА БИТТА ФИЛ

Бир куни тўрт нафар кўр одам филнинг қандай ҳайвонлигини, жила қурса, унинг нимага ўхшашини билимоқчи бўлишди. Улар ўзларини фил яқинига олиб боришларини илтимос қилишди. Бири улкан жониворнинг хартумини ушлаб кўрди ва “фил узун йўгон арқонга ўхшар экан”, деди. Иккинчи кўр одам филнинг

думига қўлини теккизди ва эътироз билдирди: “Йўқ, арқонга эмас, балки кўпроқ ипга ўхшайди...” Учинчиси филнинг оёғини пайпаслади ва: “Йўқ, аксинча у устунга ўхшар экан”, деди. Тўртинчиси филнинг қорнини сийпалаб, хулосасини айтди: “Ўчовларинг ҳам ноҳақ-сизлар! Фил улкан хумнинг ўзи!”

Шундай қилиб, кўрлар фил асида нимага ўхшаши борасида узоқ тортишдилар. Уларнинг ҳар бири ўзини ҳақ ҳисобласа-да, асида ҳаммаси ноҳақ эди.

Беш қўл баробар эмас.

Мақол

БАХТСИЗЛИК ВА...

Қадим замонда Хитой императори яшаган экан. Унинг ҳашаматли саройи бўлиб, энг ажойиб безаги иккита гулдон ҳисобланаркан.

Улар ҳақиқатан ҳам ҳақиқий санъат асари эди. Император гулдонларни ниҳоятда яхши кўрар ва саройнинг кенг шинам залига жойлаштирганди.

Аммо куналарнинг бирида бахтсиз ҳодиса рўй берди — улардан бири пол устига ағнаб тушди ва майда бўлакларга бўлиниб кетди. Император анча вақт гам чекди, сўнгра уни елимай оладиган усталарни қидириб топишни буюрди.

Шундай усталар топишди. Улар кечаю кундуз ишлаб, гулдонни қайта тикладилар. У иккинчисидан асло фарқ қилмасди. Шунга қарамай, бари бир кузга кўринмас асосий тафовут бор эди — елиманган гулдон ўзида сув сақлаёلمасди. Бироқ унда тенги йўқ тажриба, яъни синиб қолиш ва янгитдан тузалиш тажрибаси мавжуд эди.

Агар бахт эшигининг бири ёпилса, иккинчиси очилади. Биз эса жуда кўп ҳолларда ёпиқ эшик олда тураверамиз ва аллақачон бошқаси очилганини кўрмаймиз.

Х.Келлер

САОДАТ, ИҚБОЛ... ДУМДАМИ?

Кекса мушук майса устида ётганча ўзини қўёшда тобларди. Шунда ёнидан чаққон мушукча утиб қолди. У кекса мушук олдида ўмбалоқ ошди, сўнг сакраб туриб, доира бўйлаб югура бошлади.

— Нима қиляпсан? — эриниб сўради кекса мушук.
— Мен ўзимнинг думимни ушламоқчи бўляпман, — ҳарсиллаб жавоб берди мушукча.
— Нега?

— Айтишларича, думим — бахтим эмиш. Агар уни ушлаб олсам, толейимни тутиб оларканман. Мана, учинчи кунки, думимнинг ортидан қувмоқдаман. Аммо у ҳар доим мендан қочгани-қочган.

— Ҳа, — деди жилмайиб кекса мушук, — бир вақтлар мен ҳам худди сен каби бахтимнинг орқасидан чопганман, аммо у ҳар гал мендан сирғалиб чиқиб кетарди. Ушанда бу машабадан воз кечганман. Вақт ўтгач, мен бахт ортидан қувишнинг маънисини йўқлигини англаб олдим. Унинг ўзи ҳамisha изимдан эргашиб юради. Қаерда бўлмайин, бахтим доимо мен билан бирга, бу ҳақда ўйласам кифоя.

Бахт биринчи бўлиб унга ҳаммадан кам интиладиган ва у ҳақда кам ўйлайдиган одамларга келади. У қидирувни нишонини эмас, балки биз бошдан ўтказадиган ҳолатдир. Бахт бизни етакламаслиги, балки бизга ҳамроҳлик қилмоғи керак. Биз бахтни эмас, бахт бизни чулғаб олмоғи лозим.

А.Бэрроуз

КУЛПИ ОРТИДАГИ СИР

Адолатпарварлиги билан ном чиқарган бир султоннинг вазири бор эди. У ҳамisha табассум қилиб юрар, кайфияти кўтаринки, ишлари ҳам доимо яхши бўларди. Бу эса ўз-ўзидан аёнки, айримларда ҳасада ўтини

аланга олдиради. Саройда, вазирда бир гап бор, деган овозлар ўрмалаб қолди. Султонга шикоят қилиб, вазир бошқа давлат фойдасига жосуслик қилади, дейишгача бордилар.

У ҳар кунни кечаси хилват хонада яшириниб, ўша ерда утиради. Нима билан машғул бўлиши номаълум. Бу бежиз бўлмаса керак.

Бир кун султон тўсатдан ўша хонага назар ташлайдиган бўлди.

Эшикни очиб киришди. Ичкари бўм-бўш, деворда тўзиб кетган, ямоққа тулган эски тўн илинганди. Шунингдек, кийилавериб ишдан чиққан этик турарди.

Султон ҳайратта тушиб, вазирни саволга тутди:

— Бу ерда нима қиляпсан? Манави эски жанда нима учун керак сенга?

Вазир жавоб берди:

— Мен бу хонага мана шу тўн ва этикларни кўргани келаман. Бир пайтлар уларни кийиб, ҳузурингизга ташриф бўюргандим. О, улуг султон, сиз мени вазир даражасига кўтардингиз. Мен қаердан келиб чиққан-нимни хотирлайман ва ҳозирги мавқеим билан солиштираман. Ҳам куламан, ҳам хурсанд бўламан. Ҳаёт менга ниҳоятда гўзал кўринади.

Ҳаёт тўла-тўқис бахтдан иборат бўлмаслиги, бироқ унинг муайян қисми бахтни касб этиши мумкин. Бу бизга боғлиқ. Бахт нима руй беришига алоқадор эмас, у қалбларда. Бахтга ишониш — уни ҳақиқатга айлан-тириш демакдир, чунки бахт унга ишонишдир. Бахт яқинимизда, у жуда оддий ва содда. Бахт ёлгон бўлиши мумкин эмас, сабаби, у қалб ҳолатидир.

А.Моруа

БАХТ СОТИЛАДИМИ?

Шогира Устоздан сўради:

— Бахт пулда эмас, деган сўзлар қанчалик тўғри?
Устоз "Тўла-тўқис тўғри", деб жавоб берди.

— Бунни исботлаш осон. Масалан, пулга тўшак сотиб олиш мумкин, аммо уйқуни харид қилиб бўлмайди. Шунингдек, таомни сотиб оласан, бироқ иштаҳани эмас. Дорини ҳам оларсан, лекин саломатлиги сотилмайди. Пулга хизматкор ёллайсан, аммо дўстларни ололмайсан. Мулажиринг ёрдамида бирорта аёлга уйланса бўлар, бироқ муҳаббатни харид қилиш мумкин эмас. Пул эвазига уй-жойли инсонга айланасан, лекин оила ҳаволатига эга бўлишинг қийин. Чунтагинг қашпайган бўлса, гап-гаштак қилишинг мумкин, бироқ қувонч ололмайсан. Пулга билим олсанг-да, ақл-фаросат ҳеч қачон сотилмайди. Мен кўп нарсаларини тилга олдим, лекин бу рўйхатнинг охири йўқ.

Бахт? Агар сиз қанча кўп ҳашамат бўлса, бахт ҳам шунга яраша бўлади деб уйласангиз, адасасиз. Бахт чуқур туйғулар ва оаддий хушвақтликларга бўлган лаёқат, эркин уйлаш иқтидори, ҳаётда таваккал қилиш ва нимагадир муҳтожлик сезилгандагина кириб келади.

С.Жеймсон

“ҚҶШНИ, ҚАРЗ БЕРИБ ТУРИНГ”

Камбағалларга ёрдам беришнинг энг яхши усули — улардан бирига айланмаслиқдир.

Бир эркак қўшнисиникига пул қарз сўраб келди. Қўшнисининг пули бўлса-да, аммо бермади.

— Ахир мен озгина пул сўраяпман-ку! — деди ранжиб эркак. — Наҳотки сизга малол келса?

Қўшниси жавоб берди:

— Ҳамма нарса тўпланишга мойил бўлади. Агар мен сизга бугун озгина қарз берсам, эртага яна берсам, индин бу анча кўпаяди. Қайнаб турган сувга қурбақани ташласангиз, у сакраб чиқиб қочади. Чунки сув ҳаддан ортиқ қайнаган. Аммо уша қурбақани совуқ сувли қозонга солсангиз, сўнг уни аста-секин қиздира бошласангиз, қурбақа бушашади. Сув бир оз илиқлашди деб уйлайди

ҳамда сувда қайнаб пишганини билмай қолади. Ҳаётда қўшгина нарса аста-секин ривожланади. Агар эртага уйқудан уйғониб, қарзингиз алақачон бир неча минг сумга етганини кўрсангиз, безовталанармидингиз?

— Албатта! — деб жавоб берди эркак.

— Аммо у аста-секин кўпайса, ҳатто сезмай қоласиз. Биз барчамиз бир кун келиб, ё оёқ-қўлимиз билан қарзга ботамиз ёки бой одамга айланамиз.

— Қўшни, жуда ошириб юборишсиз. Мен кўп эмас, озгина қарз олмоқчиман. Уни сизга тезда қайтараман. Бу арзимас воқеа ҳаётимга ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди.

— Бундан жуда хурсанд бўлардим! Фақат эсингиздан чиқарманг: ҳаётда арзимас воқеалар йўқ. Биринчи қарашда эрталаб ширмой нонни қиём билан ейманми ёки мевалар тановул қиламанми, телевизор орқали бемаза фильм кўраманми ёки фойдали китоб ўқийманми, оқшомни дивандада ўтириб ўтказаманми ёки бир оз югураманми — булар унчалик аҳамиятли кўринмайди. Аммо бир неча йилдан сўнг бу арзимас воқеалар муҳим натижаларга олиб келади. Фақат мазкур натижалар турлича бўлади. Ширмой нон, телевизор ва диванда ётиш семиришга, молиявий муаммо ва саломатлигининг ёмонлашувига олиб келади. Мевалар, фойдали китоблар ва спорт эса саломатлик ҳамда гуллаб-яшнашга сабабчи бўлади.

Ҳаётда учрайдиган мойилликларга катта аҳамият бериш керак. Пул қарз олиш эса сени муваффақиятга элтувчи урф-одат эмас.

Яша ва ўзгаларнинг яшашига бер имкон,
Фақат бошқалар ҳисобига бўлмасин зинҳор.
Ҳар бир киши, барчанинг бахти-толеи учун
Бегонанинг мулкига қўл теккизма ҳеч қачон,
Борига қаноат қил, ҳар доим ва ҳаминша.
Шудир қонданинг энг тўғри йўл — машъали.

Г.Державин

ОМАД ЙЎЛИ ҚАЕРДА?

Бир киши суфий ҳузурига келиб, шундай деди:

— Менга омадга эришиш йулларини ургатинг.

Суфий жавоб берди:

— Мен ундан ортинини ургатаман. Сенга муваффақият қозона олмаган кишиларга нисбатан мурувватли бўлиш сирларини тушунтириб бераман. Бу шахсий муваффақиятга эришиш йўлигини янада ёритиб туради — сен янада ортинига эришасан.

Шунингдек, муваффақиятга эришган кишиларга нисбатан ҳам ҳимматли бўлишни ургатаман. Акс ҳолда ҳақиқий муваффақиятга элтувчи фаолият билан шуғулланиш борасида қобилиятсиз ва шафқатсиз инсонга айланишинг мумкин.

Бахтли одам яхшиликка бой киши,
Ўзи гулаб, ёг бахтта ҳам шодумон.
Бошқалар саодати бундайлар учун,
Ўзиникидан ҳам тотли, нурафшон.

М.Шафий



VI БЎЛИМ

МУҲАББАТНИ НИМА ҚУТҚАРАДИ?

Муҳаббат ҳар ишга шай: ношудни оқил қилур,
Муҳаббат ҳар ишга шай: камгапни нотик этур,
Қари айланур ёшга, ишқ-да, шунга ҳам қодир.
Юраксизга матонатдан доим нафас олдирур.
Кучни парчалайди у, лек ожизга куч берур.

Э.Роттердамский

БИР ПАЙТЛАР СЕВГИ...

Қадим-қадим замонда одамларнинг барча ҳис-туйғу ва қадриятлари бир тану бир жон бўлиб, кичикроқ оролда яшаган экан. Қувонч, Бахт, Муҳаббат, Миннатдорлик, Рашк, Қаҳр-газаб, Такаббурилик ва яна бошқалар... Бир кун, орол ҳадемай сув остига чуқиб кетади, деган овоза тарқалибди. Шунда барча ҳис-туйғулар ўзлари учун қайиқ ясашибди. Фақат Муҳаббатгина бундай бўлиши мумкинлигига ишоналмасмиш. У бутун теварак оламни фақат шод-хуррам ҳолда кўрар экан.

Аммо бари бир тўфон бошланибди ва ҳайратга соладиган орол аста-секин ростакамига чуқа бошлабди. Муҳаббат энди ўзига кема қуролмаслигига кўзи етиб, ёнидан утиб кетаётган қайиқдагилардан ёрдам сўрай бошлабди.

Унинг яқинидан бойликнинг ҳашаматли кемаси сузиб утибди.

— Бойлик, мени ўзинг билан олиб кет, — илтимос қилибди Муҳаббат.

Аммо Бойлик кемасида ҳаддан зиёд мол-мулк борлиги, олтин, қумушлар мўллиги учун, афсуски, Муҳаббатга жой йўқлигини айтибди.

Муҳаббатнинг бошқа кемага кўзи тушибди, унда ҳам сузиб бораётганмиш.

— Мени қутқар, — деб ёлворибди Мухаббат.

— Кечир Мухаббат, мен шу қадар андуҳдаманки, ёлғиз бўлишим шарт, — дея жавоб берибди Ғам ва нари сузиб кетибди.

Мухаббат Кибр-ҳавога мурожаат қилибди, у шундоқина ёнидан сузиб бораётган экан. Кибр-ҳаво ҳам Мухаббатни қабул қилмабди. "Менинг кемамда тартиб ва мукаммаллик мавжуд, сен эса бунга бузиб юборишинг мумкин", дебди у.

Мухаббат саросимага тушиб қолибди, ахир ёнидан утадиган бирорта ҳам кема қолмабди-да. Шунда у дабаурустандан бир овозни эшитибди: "Мухаббат, кел ёнимга, сени мен ўзим билан бирга олиб кетаман!" Мухаббат бурилиб қараб, унча катта бўлмаган кемадаги соч-соқоли оқарган қарияга кўзи тушибди.

Мухаббат шунчалик қувониб, миннатдор бўлибдики, халоскорининг исмини сўрашни ҳам эсидан чиқарибди. Улар манзилга етгач, Мухаббат қуруқликка чиқиб олибди, қария эса йўлида этибди. Шунда Мухаббат халоскорининг исмини билмаслигини англаб қолибди.

— Мени ким қутқарди? — деб сўрабди у Билимдан.

— Бу Вақт эди! — жавоб берибди Билим.

— Вақт дейсанми? — ҳайратга тушибди Мухаббат.

Аммо нега у мени қутқарди экан?

— Фақат Вақтгина ҳаётда Мухаббат нақақар кераклигини англайди!

Бир-бирингизни яхши кўринг, аммо муҳаббатни кишанга айлантирманг. Майли, у қалбларнинг икки қирогини бирлаштирувчи ҳаяжонга лиммо-лим денгиз бўлиб қолсин.

СЕҲРЛИ СЎЗЛАР

Кутчада бир сўқир киши ўтирарди. Унинг оёғи олдимидишча турар, ёнида эса: "Мен кўрман, илтимос, ёрдан беринглар!" деб ёзилган тахтача бор эди.

Ёнидан жуада кўп кишилар ўтаётган бўлса ҳамки, бирорта одам танга ташлашни ҳаёлига келтирмасди.

Мана ниҳоят, сўқир одамнинг олдида бир киши яқинлашди. У идишчага пуа ташлади, сўнг тахтачани олади-ю, нимадир ёзди.

Шундан кейин кимки кўр кишининг олдида утар экан, бефарқ бўлолмади. Кимдир унга танга ташлар, кимдир эса бир жуфт яхши сўз айтиш учун шунчаки тўхтаб утарди.

Сўқир бундай ўзгаришдан жуада ҳайрон бўлди. Шундай қилиб кун ботади.

Тонг отгач, сўқирнинг ёнидан яна ўша эркак ута бошлади. Кўр уни қадам товушидан таниди.

— Тахтачага нима деб ёзгандингиз? — деб қичқирди кўр.

— Ҳақиқатни! — жавоб берди эркак. — Фақат бошқа сўзлар билан.

У кулиб нари кетди.

Тахтачада: "Ҳозир кутчада баҳор, мен эса уни кўрол-маяшман", деб ёзилганди.

Ҳамдаралик хайр-эхсондан кўра яхшироқ, чунки пуа инсонга нисбатан ташқи томонлама муносабатни акс эттиради. Ҳамдаралик эса бошқа инсон билан кўнгида борини бўлишидир.

У.Маунтфор

БИР, ИККИ, УЧ... ПУФ!

Бир куни Қуёш билан Шамол учрашиб қолишди ва улардан қай бири кучли эканлиги тўғрисида тортишибди.

— Мен кучли ва қуаратлиман! Бутун бошли бўронни кунбишга келтира оламан. Ҳозир мен ўзимнинг энг кучли эканлигимни исботлайман. Қарагин, анови эркак мғирлпўш билан кетмоқда. Мен бир марта пуфлаб, естидаги ана шу ёмғирлушини еча оламан.

Шамол шундай деб пуфлашга киришиб кетди. У бир, икки, ниҳоят учинчи марта пуфлади. Ҳар сафар нафаси тобора кучли ва янада кучли бўла борди. Аммо эркак ёмғирлушига маҳкам ураниб олди. Шамол бор кучини сарфлаб пуфлар, гирдоб ҳосил қиларди. Ҳақиқий бўрон кутарилагандай эди. Аммо эркак ўзининг ёмғирлушига янада яхшилаб ўраниб олдики, уни асло ечадиганга ўхшамасди.

Ниҳоят Шамол ҳолдан тойиб, жиниб қолди.

Қуқда Қуёш чарақлаб кўринди. У ўткинчиға жилайиб, илиқ нафис нурлари билан уни илита бошлади. Дастлаб эркак бунга эътибор бермади. Аммо Қуёш тўхтамай нур сочаверди. Бу нур ҳароратли ва меҳр-муҳаббатга лиммо-лим эди. Эркак Қуёш нурларидан исиб кетган эркак яқинда юз берган бўрон шиддатини унутди. У димоғи чоғ бўлиб кулимсиради-ю, тезгина ёмғирлушини ечди.

— Мана кўрадингми, — деди Қуёш Шамолга, — меҳр-муҳаббат, яхшилик ва сабр-тоқат, қаҳр-газаб ва кучдан кўра ниҳоятда қуаратлидир.

Инсон ботинидаги эзгулик — қуёшга тенг.

В.Гюго

МУЎЖИЗА ҚАЕРДА?

Бола яхшилик ва ақл-идрок тўғрисидаги эртақларни ниҳоятда яхши кўрар, китобларда ёзилганларнинг барига ишонарди. Шу боис у ҳаётда муўжиза ахтарар, аммо сеvimли маталига ўхшаш ҳеч нима тополмасди. Онасидан "Муўжизага ишонишим тўғрими?" деб сўради. "Ёки ҳаётда муўжиза рўй бермайдими?"

— Асалим, — дея унга меҳр ила жавоб берди онаси, — агар сен яхши ва меҳрибон бола бўлиб ўссанг, ҳаётинг да барча эртақлар амалга ошади.

Эсингда бўлсин, муўжизани ахтармайдилар, яхши одамларнинг ҳузурига унинг ўзи келади.

ИЗЛАР ТЎҒРИСИДА РИВОЯТ

Бир одам бўлган экан. У ҳамма қатори эрталаб ишга жунар, кечкурун уйга қайтар, тунда ухларкан. Ва бир кунни тунда туш кўрибди...

Тушида у саҳро бўйлаб кетаётганмиш. Юриш оғир экан — оёғи қумга тикилиб қолар, офтоб беаёв қиз-дирар, атроф эса тирик жон учрамайдиган чексиз қум-ликлардан иборат эмиш. Аммо узоқ чақирим йўл босиб утилагач, баъзан уфқда жажжи яшил нуқта ялт этиб кўринар, сўнг тўхтовсиз яқинлашиб келар, аста-секин саробга айланар экан. Бу ердаги чашма суви ниҳоятда қуруқшаган лабларини намлаб, яшил майсалар кўзини хотиржам қилиб тинчлантирар, сайроқи қушлар эса сайраб йўловчининг қулогига лаззат бағишларкан. У шу жойда ўтириб, куч-қувватини тиклар, сўнг яна йўлга тушарди.

Яна уфққа қадар чўзилган қайноқ қум, унинг поёни кўринмайди. Бу саҳро орқали ўтиш гўё унинг ҳаётига айланган. Аммо энг асосийси, орқага қайрилиб қараганида ёнида яна бир қадам силсиласи пайдо бўлганини сезиб қолади. Бу Яраттанинг қадами эканлигини у билади, энг оғир даamlарда Оллоҳ уни ёлғиз қолдирмаслиги, ёнида эканлигини англайди. Ана шу гуфайли руҳи анча енгил тортади.

Бир кунни шундай воқеа рўй берди — бир неча кун ўтса ҳамки, унинг йўлида воҳа асло учрамади. Йўловчининг оёғини қорақутир босиб кетиб, қонай бошлади. Лаблари қовжираб, на қарғиш, на ибодат сўзларини алаффуз қила олди, онг-шуурига оғир қалин туман ўқкандай бўлди. Гўё ҳамма нарсаси қовжираб, бутун ер озида бир томчи нам қолмагандай кўринди.

Унинг қалбини қоплаб олган руҳий қуршов онгини тутунлай хиралаштириб қўйди. Ана шунда улим қинлашаётганини ҳис этди. Қўрқинчли даҳшатнинг ангалида қолгандай бўлди ва ҳушидан кетди. Бу узоқ

давом этадими, қисқа вақтми, ҳеч қачон биламади. Аммо қанчадир вақтдан сўнг кўзини очди, қандайдир салқинлик унга таъсир этади. Кўзларини очиб, бир неча одим эмаклади. Иссиқдан қуриб қолган танасининг ҳар бир хужайраси узоқ қутилган сувни сезгандай бўлади. У сувни узоқ вақт симирди, томчи кетидан томчи руҳий ва жисмоний кучларига қуйиларди. Хуллас, яна ҳаётга қайтди. Ичиб, одатдагидек ортига утирилиб қаради ва ҳайрон қолиб, фақат битта из силсиласига кўзи тушди. У алаб-биланг йўл қолдириб, уфқ ортига кетган эди.

Ана шунда у буюк бир қаҳр-ғазабга тўлиб, кукка хитоб қилди: "Менга энг огир аҳволда қолишни раво кўрдингми? Сал бўлмаса ўлиб кетардим-ку! Сенинг ёрдамнинг дунёдаги ҳамма нарсадан ҳам кўпроқ керак бўлиб қолганида мени ёлғиз қолдирдинг, Парвардигор?"

Унинг ҳис-туйғуси шунчалик кучли ва самимий эдики, кўкдан жавоб овози эшитилганида ҳам ҳайрон бўлиб утирмади: "Атрофга диққат билан қарагин, эй одам боласи. Аҳволинг оғирлашиб, юришга мажолинг қолмаганида, умидинг сўниб, фақат мўъжиза туфайли ҳаётни тарк этмаганинга... МЕН СЕНИ ҚЎЛИМДА ҚУТАРИБ ЮРАМИДИМ?"

БОЛАЛАРНИ ЙИГЛАТГАН ҚАРИЯ

Бир кекса донишманд киши қишлоққа келиб, ўша ерда яшаб қолди. У болаларни яхши кўрар ва улар билан кўп вақтини ўтказарди. Шунингдек, донишманд совғалар инъом қилишни севар, аммо фақат жуманозик, мўрт совғалар беради. Болалар қанчалик эҳтиёт бўлишмасин, янги совғалари кўпинча синиб қоларди. Улар хафа бўлиб йиғлашарди. Бир оз вақт ўтгач, донишманд болаларга яна совғалар инъом қилар, аммо бу ўйинчоқлар янада мўртроқ бўларди.

Бир кун ота-оналар унинг ҳузурига келиб, норози бўлишди:

— Сиз донишманд ва ақлсиз. Болаларимизга фақат яхшилик тилайсиз. Аммо нега уларга мўрт совғалар беришсиз? Қанчалик ҳаракат қилишмасин, ўйинчоқлар бари бир синиб қоляпти. Улар эса йиғлашапти. Ваҳоланки, ўйинчоқлар шу қадар ажойиб, чиройлики, уйнамасаниннг иложи йўқ.

Қария кулимсираб жавоб берди:

— Йиллар утгач, кимдир уларга ўз юрагини ҳада этади. Эҳтимол, ҳозирги мўрт ўйинчоқлар қимматбаҳо туҳфа билан хуади ўшандай эҳтиёткорона муносабатда бўлишни ўргатар?

Муҳаббатни енгиб бўлмас тусиқлардан бошқа ҳеч нима мустаҳкамлаёлмайди.

А. Вера

АҚЛСИЗЛИК ЎЙИНИ

Бир кун Ақлсизлик ўз ҳузурига дўстларини чорлаб, чойхўрликка таклиф қилди. Ҳамма келди. Хурсандчилик қилиб қўшиқ айтдилар. Рақс тушдилар. Ширинлик улашилгандан сўнг Ақлсизлик бекинмачоқ ўйнашни таклиф қилди:

— Мен юзгача санайман, сизлар эса яширинасиз. Биринчи топилаган яна юзга қадар санайди.

Қўрқув ва Ялқовликдан бошқа барчаси рози бўлди.

— Бир, икки, уч... — деб санай бошлади Ақлсизлик.

Ваҳима тўғри келган жойга яширинди. Қувонч боққа қараб югурди. Қайгу ҳаётнинг ўткинчилигини ўйлаб, йиғлаб юборди. Ҳасад эса Шодликка ёпишиб олиб, баланд чуққилар ортига яширинди.

Ақлсизлик ҳамон санарди. Ранж-алам Ақлсизлик токи тўқсон тўққизга етгунича ранжиб тураверди.

— Юз! — деб қичқирди Ақлсизлик. — Энди мен сизларни ахтара бошлайман.

Энг аввало Қизиқувчанлик топилди. У биринчи бўлиб кимни топишаркан деб, атрофга алағлаб турарди. Ақлсизлик деворга осилиб турган Гумончи ҳам топди. У

деворнинг қайси томонида яширинсам яхши бўларкан деб иккиланиб турган экан.
Ҳамма топилади.

— Мухаббат қаерда? — бирдан сўраб қолади Қиссатчанлик.

Ҳамма излашга тушди. Ақсизлик узоқ-узоқдан бориб, Мухаббатни излаб экан, чиройан, кундан-кунга анқиб турган атиргулли боққа кириб қолди. Дарахт шоҳларида нимадир шиттирлади. Ақсизлик гула шоҳларини қайтаргани, қичқирдиқ эшитганидан Мухаббат бўлиб, гуллар тикани унинг кўзига кирди кеттанди. Ақсизлик гантиб қолиб, кечирим сўраб кел чўкиб, узрхоҳлик қилди. Шунда у бир умр Мухаббат билан бирга қолишга қатъий ваъда берди. Мухаббат кунди.

Ана шундан буён Мухаббат Ақсизлик билан бирга юради.

Инсонни тафаккур маърифатли қилади, туғилган уни бошқаради.

Ж. Рустам

НАЙЗАЛАР БИЛАН УРУШ

Ер юзининг тинчликсевар аҳолиси фавқулодда қурат соҳиби бўлмиш сеҳрлардан она сайёрадаги барча уруш ҳамда қон тўкишларни тўхтатишни сўрабди.

— Бу жуда осон, — дебди у. — Мен барча қурола-арасларни йўқотаман ва ҳеч ким уришолмайди.

— Жуда соз! — хитоб қилишибди одамлар.

Сеҳрлар таёқчасини бир марта силкитган андан айтганлари юз берибди.

Ер юзида уч кун тинчлик ҳукм сурибди. Урушнинг га мойил бўлганлар қуролини изласа ҳамки, топи олинмабди. Улар аслаҳаларини бир умр йўқотишганини англагач, ёш дарахтлардан найза тайёрлаб, қир-гинбаротни бошлаб юборибдилар.

Бу қайгули хабар сеҳрларгача етиб борибди.

Бизонга бўлманлар, — дебди у. — Мен барча ёш сеҳрларни йўқотаман ва уришқоқлар бундан бўён қилган бўлмайдилар.

Тунги кайфиятидаги одамлар икки-уч кунлаб ёш сеҳрларни ахтариб, найза тайёрлашга мосини излабди. Топа олмагач, улкан дарахтлардан тўқмоқ қилибдилар. Шу тариқа яна қон тўкишлар бошлаб кетганлиги. Сеҳрлар яна чора кўрибди — у катта сеҳрларнинг ҳаммасини тутдай тўкибди. Шунда сеҳрлар металлдан пичоқ ва қилич тайёрлашибди. Сеҳрлар она сайёрадаги барча металлни йўқ қилибди. Сеҳрлар буш келишмабди: палахмон ясагач киришиб, бир-бирларига тош ота бошлашибди. Натижада тош-ларини қон йўқотишга тўғри келибди. Шунда тинчлик сеҳрларлари бонг урибдилар — барча дарахтлар йўқотилди, металл ва тошлар қолмади. Энди қандай яшаш, инсонни тановул қилиш мумкин? Ҳадемай усимликлар қон қолмабди, одамлар ҳатто урушмасдан туриб, ўлиб кеттишди. Муаммони бу тарзда ҳал қилиб бўлмайди. Сеҳрлар ҳам эсанкираб қолибди.

— Нима қилиш кераклигини билмайман? — дебди у. — Бизонга қолса, бутун инсониятни йўқ қилган бўлардим, андан афсуски, бу ҳозирча ҳукмимда эмас.

Тинчликсевар кишилар умидсизликка тушибди. Қандай иш тутишни билмабдилар. Шунда бир ақлли Бизонга сеҳрларга мурожаат қилибди:

— Нима қилиш кераклигини мен биламан. Одамлар бошқаларнинг хатти-ҳаракатларини ҳис этадиган бўлишсин. Агар бир киши бошқага жароҳат етказса, унинг қон айнан ана шу огрикни ҳис этадиган бўлисин. Бизонга ю, қимгадир қувонч улашса, бу хурсандчилигини унинг ангагасин. Ана шунда, эҳтимола, бошқа бировга оғриқ етказмас. Чунки у огрикни уша ондаёқ ҳис этади ва укташга мажбур бўлади.

Ҳамма болакайнинг фикрига қойил қолибди. Сехрар эса бу ғояни тўлалигича ҳаётга татбиқ этибди. У ҳамма дарахт, металл ва тошлар, ҳатто қурооларни ҳам аслига қайтарибди. Одамлар қиргинбарот аслаҳаларни меҳнат қурооларига айлантиришибди.

Шу кундан эътиборан сайёрада ҳеч ким бошқа бирова ранж-алам етказмайдиган бўлибди, чунки ўзи ҳам унинг оғригини ҳис этаркан. Аксинча одамлар бир-бирига ёрдам беришга киришибдилар. Чунки уларга қувонч ҳис-туйғуси ёқиб, буни ўзлари ҳам ҳис этишаркан. Барча-барча уйғунлик ва хурсандчилик оғушида яшай бошлабди.

Бизнинг ҳар биримиз бошқа инсон аслида фақат ўзи ҳис этган туйғунини англашини тушунамиз.

А.Жил

ПОДШОҲ УЧУН СОВҒАЛАР

Қадим-қадим замонда ҳудди сизнинг мамлакатингизга ўхшаш жойда унча катта бўлмаган шаҳарча бор эди. Унда беш нафар етим бола яшарди. Отасиз қолган бу сағир болалар яшаш учун жипс бўлиб бирлашгандилар. Бир кунги подшоҳ уларнинг бахтсизлигидан хабар топди ва ўз бағрига оламоқчи бўлди. "Мен сизларга оталик қиламан, ҳаммангизни олиб кетиш учун келаман", деди у. "Подшоҳга бу болаларнинг нима кераги бор экан?" хайрон бўлишди одамлар.

Ҳукмдорнинг режаси бор эди. Қишлоқда яшовчи одамлар болаларга тайинлашди: "Сизлар подшоҳда илм таассурот қолдиришларинг керак. Кимки яхши қобилиятта эга бўлса, саройда яшай олади". Болалар тер тукиб, совга тайёрлашга киришдилар. Улардан бири ёғоч уймакорлиги билан шугулланиб, подшоҳга ажойиб тўхфа ҳозирлади. Синглиси эса осмонни чиройли тарзда суратда акс эттиришга уринди. Бу санъат асарини сарой

деворига илиб қўйиш мумкин эди. Яна бир сингли чиройли куйлаш ва мусиқа асбобини чалишни ўрганди. Бир ўтил подшоҳни ўзининг ғайриодатий донишмандлиги билан ҳайратга соламоқчи бўлди. У тун ярмигача шам ёруғида китоб ўқирди. Фақат кичкина қизча подшоҳга ҳеч нима беролмасди.

У қўлига мўйқалам олганида бармоқлари сира ўзига бўйсунмади. Қизалоқ қўшиқ айтишга уринди, аммо товуши бугиқ чиқди. У ҳатто ўқини ҳам ўргана олмас, уқувсиз эди. Хуллас, қизчанинг подшоҳга берадиган тўхфаси йўқ, баҳам кўрадиган ягона нарсаси — чин юракдан изҳор этадиган меҳрибонлик ва ширин муомаласи бўлиши мумкин эди, холос. Унинг эзгуликка лиммо-лим кўнгли бор эди. Қизалоқ ўзининг кўп вақтини шаҳар деворлари ёнида утказар экан, одамлар кириб-чиқишини кузатарди. У йўловчиларнинг отини тозалаш ва жониворларга ем беришга кумаклашиб, шу билан бир неча чақа ишлар, ортиқ ҳеч қандай иш қила олмасди. Аммо унинг юраги тоза, мусаффо эди.

Бир оз вақтдан сўнг шаҳарчага савдогар кийимида бир эркак кириб келди.

— Сен эшагимга ем бера олайсанми? — деб сўради у қизчадан.

— Бу ишни эшлайман, — деди қувониб қиз ва жониворни олиб кетди. — Эшагингиздан асло хавотир олма. Қайтганингизда ювиб-таралган, қорни тўйган бўлади.

Эшакни сугораётиб, йўловчидан сўради:

— Бу ерга бутунлай келдингизми?

— Йўқ, фақат бир неча кунга.

— Балки узоқ йўлдан толиқиб келгандирсиз?

— Ҳа, толиқдим.

— Бир оз ўтириб, дам олишни истамайсизми? — деб таклиф қилди қизалоқ девор ёнидаги ўриндиқни кўрсатиб. — Назаримда жуда яхши одамга ўхшайсиз. Сиз билан суҳбатлашиб ёқимли экан.

Йўловчи кулиб, соқолини силаб қўйди.

— Сен донишманда қиз экансан, — деди у. — Мен қай-тиб келгач, сен билан узоқ суҳбатлашаман.

Эркак айтилгандан кўра анча барвақт қайтди.

— Ахтарган одамларингизни топдингизми? — деб суради қизча.

— Ҳа, тоқдим, аммо уларнинг мен учун вақтлари йўқ экан. Биттаси ёғоч ўймакорлиги билан банд бўлиб, иш-ни ўз вақтида тугатиш учун шошарди. Бошқаси расм чизиб, диққатини чалғитишни истамас экан. Учинчиси эса мусиқа билан машғул. У билан гаплашмоқчи эдим, вақти йўқлигини айтди. Мен ахтарган бола эса катта шаҳарга кетган ва яхши мактабга кирган экан.

Қизнинг кўзлари катта-катта очилиб кеттанди.

— Ахир сиз подшоҳга мутлақо ўхшамасиз-ку? — деди у ҳайрон бўлиб.

— Мен оддий кўринишга ҳаракат қиламан, — тушунтирди ҳукмдор. — Баъзан ўзимни жуда якка ҳис этаман. Шундай вақтлар бўладики, кўпинча оддий халқимиз орасида бўлишни истайман.

— Шунинг учун биз болаларни ўз қарамоғингизга олмақчи бўлибиз-да?

— Ҳа, шунинг учун. Болалар суҳбатлашишни севишади. Катталар менда яхши таассурот қоладиришни исташади, болалар эса жуда соддадил.

— Демак, менинг ака ва опаларим жуда банд экан-да?

— Ҳа. Мен уларнинг олдига яна бир марта келаман, балки ушанда мен учун вақтлари топилар.

Шундай қилиб, талай қобилиятларга эга болалар шох билан учраша олишмади-ю, буш вақти ва гаплашиш истиаги бўлган ягона иқтидорли қиз унинг қизига айланди.

Ҳатто ҳар қандай кичик совға ҳам, агар сен уни муҳаббат ила ҳадя этсанг, муаззамлик кашф этади.

А.Уолкот

ЁРДАМ УЧУН ОТИЛГАН ТОШ

Ёш йигит кайфияти чоғ ҳолда қандайдир қўшиқни хиргойи қилганча ярқираган янги "Ягуар" машинасида кетаёттанди. Бирдан йўлда утирган болаларга кўзи тушди. Уларни эҳтиёткорона айланиб ўтгач, яна тезликни оширди. Шунда тўсатдан машинага тош келиб текканини эшитди. Йигит автоуловни тўхтатди, ундан тушди. Сўнг болалардан бирининг ёқасидан чангаллаб ушлади-ю, сياتаганча бақира бошлади:

— Аҳмоқ! Нима учун машинамга тош отасан? Бу машина қанча туришини биласанми ўзи?!

— Мени кечиринг, жаноб! — деди бола. — Машинамизга зарар етказиш хаёлимда ҳам йўқ эди. Гап шундаки, менинг акам ногирон. У аравачаси билан ағдарилиб кеттанди. Мен акамни кўтаролмайман, жуда оғирлик қилади. Биз бир неча соатдан бери ёрдам сураймиз, аммо бирорта ҳам машина тўхтамади. Тош отишдан бошқа иложим қолмади, акс ҳолда сиз ҳам тўхтамаган булардингиз.

Йигит ногиронни аравачага ўтқизишга ёрдам берди. Шунда кўзларига келган ёшнинг зўрга тўхтатиб, томоғига тиқилган йигини гипса бўтди. Машинасига қайтар экан, ярқираган эшигига теккан тошдан қолган ўйиққа кўзи тушди.

У бу машинада яна кўп йиллар юрди. Ҳар сафар ус-талар эшикдаги ўйиқни таъмирламоқчи бўлишганида, яқинлаштирмасди. Чунки бу ўйиқ унга шундай ҳикматни эслатиб турарди: "Агар шивирлашларни назар-писанга қилмасанг, сенга тош улоқтиришлари мумкин".

ЎРМОН ОДАМИ

Бир киши қалин ўрмон ичида яшарди. У одамларни ҳам, тилни ҳам билмасди. Ҳаёт бу одамни ёшлигидан ўрмоннинг энг қаърига ташлаган ва унга табиатнинг

узи тарбия берганди. Унинг нозик танасини гоҳ шабада, гоҳ айиқ боласи, гоҳ бўривачча, гоҳ қуёш ўзининг нурлари билан эркалаб силарди.

Гўдаклигида бу болани гуллар ҳам, дарахтлару буталар ҳам ифор буйлари билан чулғашга уринарди. Энг кўҳна ўрмоннинг ҳар бир парчаси шодлик ила ўзини олий хилқат — инсонга бағишларди.

Бола нафрат, қаҳр-газаб нималигини билмай, ёвузлик, кўролмаслик, пасткашлик ва зўравонлик начилини англамай ўса бошлади. Ёш вужудни тўлдирган нур қўлини қай томонга узатса, ўша тарафга қўйилиб товланарди. Болакай асосан ёш олма дарахти билан дўстлашиб олди. Улар ўзаро самимий муносабатда бўлиб, нимага қўрблари етса, баҳам кўришар, ҳаёт сирларидан баб-баравар қувонишарди.

Инсон қўларининг нури ила исиган олма тенги йўқ мазгала эга мева бера бошлади. Аммо бу бебаҳо таъмини на инсон, на олма ниҳоли, на ўрмонни ураганлар ҳисобга олишди. Улар қувонч чулғанган гўзаликни шунчаки тотиб кўрдилар, холос.

Орадан маълум вақт ўтгач, сеҳрли майдончани шаҳарлик одамлар эгаллаб олди. Улар ўрмон одами билан ҳам танишдилар. Тенги йўқ таъмага эга мевадан еб кўриб, тотли мазасидан ҳайратга тушдилар. Илм одамлари эса бу мевадан намуналар олиб, ўзларининг институт ва музейларига олиб кетдилар. Мазкур мевадар уруғлари сейфларида сақланаётгани билан аниқ мос келганини аниқладилар. Академиклар ўрмон одамидан бу мевани етиштириш сирларини айтиб беришини сўраганида, у мевани етиштирмагани, фақат олма ниҳолини ниҳоятда яхши кўрганини айтиб берди.

Мухаббат — бебаҳо тўхфа. У ҳадя этишинг ва ўзингда қилиши мумкин бўлган ягона нарсасидир.

ЯХШИ КЎРМАСЛИК САБАБИ

Оқил қариянинг ҳузурига ўсмир келди ва аламлидан йиғлаб деди:

— Донишманд бобо, нега мени ҳеч ким, айниқса қизлар яхши кўрмайди?

Донишманд жавоб берди:

— Чунки сен ҳеч кимни, айниқса ўзингни севмайсанда!

Мухаббат ўзининг севишдан бошланмоғи лозим. Ўзини севмаган инсон ўзгани севиши ҳам мумкин эмас. Ўзини севиш ўзини ҳурмат қилиш билан чамбарчас боғланган. Агар биз ўзимизни ҳурмат қилмасак, ўзимиз билан келишолмаймиз.

Х.Даунов

ТИЛЛА ҚУТИЧА

Бир одам болалигида кекса қўшниси билан яқин дўст тутинганди. Аммо вақт ўтиб, ўқиш ва ишқибозликлар юзага келди, кейин эса иш, шахсий ҳаёт. Йигитчанинг ҳар бир дақиқаси ганимат бўлиб, ўтмиш, ҳатто энг яқин кишиларини ҳам эслашга вақти йўқ эди.

Бир куни у қўшнисининг вафот этгани ҳақида эшитиб қолди. Тўсатдан кекса чол унга кўп нарсаси ўргатгани, ҳалок бўлган отасининг ўрнини билинтирмасликка уринганини эслади. Ўзини айбдор ҳис этиб, дафн маросимига борди.

Кечқурун, дафндан сўнг у марҳумнинг ҳувилаб қолган уйига кирди. Ҳаммаси узоқ йиллар аввал кўрганидек эди...

Фақат стол устидаги мўъжаз тилла қутича, яъни марҳум энг қимматбаҳо ҳисоблаган ашё йўқолганди. Йигит, уни қариндошлардан бири олган бўлиши мумкин деб ўйлаб, уйни тарк этди.

Аммо орадан икки ҳафта ўтгач, у почтадан жўнатма олади. Жўнатмада қўшнисининг номини кўриб, титраб кетди ва қутини очди.

Унинг ичида айнан ўша тилла қутича бор эди. Яна чунтак соати ҳам бўлиб, "Мен билан ўтказган вақтларинг учун раҳмат", деган сўзлар ўйиб ёзилганди.

Йигит тушунди: чол учун кичик дўсти билан ўтказган вақти энг қимматли нарса бўлган экан.

Шундан буён йигит хотини ва ўглига мумкин қадар кўпроқ вақт ажратишга ҳаракат қиладиган бўлди.

✿
Ҳаёт нафас олиш миқдори билан ўлчанмайди. У нафасни тутиб туришга бизни мажбур этган онлар миқдори билан ўлчанади.

Вақт биздан ҳар бир сонияда ўтиб кетаверади. Уни ҳозирнинг ўзидаёқ сарфлаш керак.

МЕРОС НАСИБ ЭТГАН ЎГИЛ

Муҳаббатингизни ичга ютиб юрманг ва у билан ҳисоб-китоб қилманг. Зиқна бўлсангиз, борини ҳам йўқотиб қўясиз. Аксинча, муҳаббатингиз гуллашига имкон яратинг. Уни ўзгалар билан баҳам кўринг, бошқаларга берингки, токи яшнаб ўссин.

Қиролининг уч нафар ўгли бўлиб, улардан бири меросхўр қилиб танланиши керак эди. Бу жуда чигал иш, чунки учаласи ҳам ақли, ботир эдилар. Улар эгиз-закаар бўлиб, ёшлари тенглиги боис, мерос масаласини ҳал қилиш қийин эди. Қирол улуг донишманд билан маслаҳатлашди. У ҳукмдорга бир гоя берди.

Шундан сўнг қирол учала ўглини ҳузурига чорлади. Уларнинг ҳар бирига халтачага солинган гул урутини берди ва узининг зиёратга жўнаётганини айтди.

— Зиёрат маълум вақт, бир, икки, уч, ҳатто янада кўпроқ йилларга чўзилиши мумкин. Бу сизлар учун

синов. Қўлингиздаги уруғларни мен қайтиб келганимдан сўнг қайтариб берасизлар. Кимки уларни яхши сақлаган бўлса, ўша меросхўрим бўлади.

Қирол зиёратга жўнаб кетди.

Тунгич ўғил: "Бу уруғларни нима қилсам экан?" деб ўйлади. Сўнг уларни пулат сандиқда сақлаш ҳақида ўйлади. Ҳа, шундай қилади. Отаси келганидан сўнг қай тарзда бўлса, худди шу ҳолида қайтариб беради.

Иккинчи ўғил бошқача фикрлади: "Агар мен уруғларни худди акамдек сақласам, нобуд бўлади. Ўлик уруғлар эса умуман уруғ ҳисобланмайди". У дўконга бориб, уларни сотди ва пулини олади. "Отам келгач, дўконга бораман-у, янги уруғ сотиб оламан, мен у кишига ўзи берганидан кўра яхширогини тўхфа қиламан", деб режа тузди.

Учинчи ўғил эса боққа борди ва бўш жойларга уруғни сепиб чиқди.

Орадан уч йил ўтгач, ота саройга қайтди. Биринчи ўғил пулат сандиқни очди. Уруғлар нобуд бўлган ва сасиб кетганди.

— Бу нимаси?! — деди отаси. — Наҳотки шу мен берган уруғлар бўлса? Улар гуллаши ва ажиб иффор тара-тиши керак эди-ку! Сеники эса сасиб ётибди! Бу мен берган уруғлар эмас!

Ўғли ўша уруғларнинг ўзи-ку, деб эътироз билдирди, аммо отаси инкор этди.

Иккинчи ўғил дўконга отилди. У ердан уруғ сотиб олиб, ортига қайтди ва отасига берди.

— Ахир бу уруғлар мен берганимнинг айнан ўзи эмас-ку! — деди отаси. — Фикринг яхши, аммо бари бир бу менинг сенда кўришим керак бўлган сифатга ўхшамайди. Сен руҳшуноссан.

Қирол учинчи ўғли борасида ҳам умид, ҳам қўрқув билан ўйлади: "У нима қилган экан?"

Учинчи ўғил отасини миллионлаб гуллар бурканган боғ томон олиб борди.

— Бу сиз берган уруглар, — деди у. — Улар етигани заҳоти йиғиштириб оламан-у, сизга қайтариб бераман.
Отаси жавоб тариқасида деди:
— Менинг меросхурим сенсан. Уруглар билан айнан шундай иш тутиш керак эди!

Фақат жамғариш билан банд киши ҳаётни англаб етмайди. Ҳисоб-китоб асосида умр кечирадиган ақа ҳам уни тушунишга қодир эмас. Фақат ижодкор ақа ҳаётни англаши мумкин. Гулларнинг нафосати ана шунда, улар ҳеч қачон заҳира бўлиб қолмайди. Гуллар муҳаббат рамзи сифатида қолаверади, муҳаббатни эса сақлаш душвор.

Гулларнинг севги-муҳаббат рамзи эканлиги тасодифий эмас. У барча асрлар, барча мамлакатлар, ҳар қандай жамиятда шундай рамз бўлиб келган. Муҳаббат гулларга ўхшайди, улар сенда очилса борми, бошқалар билан баҳам кўришинг, ўзгаларга тақдим этмогинг лозим. Уни қанчалик кўп берсанг, сенда шу қадар кўп очилади. Бошқаларга беришни давом эттирсанг, шундай кун келадики, сен ишқ-муҳаббатнинг ўзгармас ва чексиз-чегарасиз манбаи бўлиб қоласан.

ҲЕЧ НИМА ҚИЛМАСЛИК ОФАТИ

Ҳовли оралаб катта қари кўшак утиб борарди. Унинг олдинги оёғи оқсарди. У чор атрофга назар ташлади. Шунда орқасини деворга тираганча мунгли оҳангда миёвлаб ўтирган жажжи мушукваччани кўриб қолди. Кўшак ўша томонга юрди. Шу пайт иккита бола пайдо бўлди. Улар тиржайганча бу олишувда ким енгаркан деб, қизиқиб кузатиб туришарди.

Шу пайт ҳовлига бир аёл кирларни ёйиш учун чиқиб қолди. У болаларнинг ниманидир қувноқ ҳолда муҳокама қилаётганлари ва қўлларини ит ҳамда мушуквачча томон чўзиб кўрсатиб турганларига кўзи тушди.

У тезда вазиятни фаҳмлаб, ёрдамга ошиқди. Аёл итни ҳайдаб юборди ва мушукваччани қўлига олди.

— Сизлар уялмайсизларми? — деди у болаларга мурожаат этиб.

— Нима бўлди, биз ҳеч нима қилганимиз йўқ-ку, — деб эътироз билдирди ачиқланган болалар.

Аёл хўрсиниб жавоб берди:

— Ана шуниси ёмон-да, ҳеч нима қилмай, индамай турибсизлар.

Ёмондан кўра яхши бўлиш, бу ҳали яхши дегани эмас.

П.Сир

ЎТТИЗ ЙИЛЛИК ГАП

Эр-хотин ўттиз йил бирга яшашди. Шу муносабат билан хотин одатдагидек нон пиширди. У ҳар куни булка пиширар, бу анъанага айланиб қолганди. Аёл нонушта пайтида нонни кўндаланг кесар, икки томонига ҳам ёғ суртар, юқори қисмини эрига берарди. Аммо... бутун қўли ярим йўлда тўхтаб қолди...

“Мен ҳозир, турмушимизнинг ўттиз йиллигида булка ноннинг қип-қизил бўлиб пишган устки қисмини ўзим ейман. Бунни ўттиз йил орзу қилгандим. Ахир ўттиз йил давомида мен унга намунали хотин бўлиб хизмат қилдим. Ажойиб ўғиллар ўстириб бердим, содиқ ва оқибатли рафиқа бўлдим, рўзгор юритдим, оиламизга қанча куч ва саломатлигимни сарфладим”, деб уйлади у.

Шу қарорга келиб, эрига ноннинг пастки қисмини берди. Шунда қўллари қалтираб кетди — узоқ йиллик анъана бузилганди.

Эри булка нонни оларкан, шундай деди:

— Сен бутун менга қанчалик бебаҳо совга тақдим қилганингни билайсан, севгилим. Ўттиз йил давомида

мен ўзим яхши кўрган ноннинг пастки қисмини ема-
гандим. Чунки уни ҳақиқатан ҳам сенга тегिशли деб
ҳисоблаганман.

Яхши эркакнинг хотини ҳам яхши бўлу.

Мақол

ЭРЛИ АЁЛ АРЗЛАРИ

Унча катта бўлмаган қишлоқда бошқаларга ўхша-
маган бир аёл истиқомат қиларди. Унинг болалари
ҳам, эри ҳам, қариндош-уруғлари ҳам йўқ эди. Шунга
қарамай, аёл жуда хушмуомала ва куйинчак эди.
Унинг олдига маслаҳат ва паноҳ сўраб келишарди. Аёл
барчани яхши, эркататувчи, ширин сўзлар билан қар-
ши оларди.

Бир куни унинг ҳузурига катта оилали, эри, кўплаб
болалари, неваралари бор аёл келди. Бу аёл ниҳоятда
ғамгин эди.

— Мен ёлғизман, — деди у. — Болалар вояга етишди.
Энди уларнинг ўз ҳаёти бор, невараларимнинг ўз қи-
зиқишлари мавжуд. Мен эса эрим билан қолдим.
Ўртамизда муҳаббат бўлмаганини энди ҳис этияман.
Биламан, сен мени тушунмайсан. Чунки умр бўйи якка
яшагансан. Мен астойдил гаплашадиган, ўзаро масла-
ҳатлашадиган, ҳис-туйғуларимни баҳам кўрадиган ки-
шини тополмаяпман. Шунинг учун сенинг ҳузурингга
келдим.

Аёл ўйланиб қолди, сўнг жавоб берди:

— Мен ҳақиқатан ҳам сени тушунолмадим, чунки ҳеч
қачон ўзимни ёлғиз ҳис этмаганман. Ахир атрофимда
бутун бошли дунё турганида, қандай қилиб ёлғиз бў-
лайин? Биз эркин ва бахт-саодатга чулғаниб дунёга
келамиз. Ёлғизликни ўзимиз яратамиз. Бир-биримизни
тушунмаслигимиз ҳамда ўзаро келишмаганимиз ту-
файли ҳар куни энг яқин кишиларимиздан маҳрум бў-
ламиз. Улар билан яшаб туриб, шўпайиб ёлғиз қола-
миз.

Атрофга назар ташла! Ана шунда атрофингда бу-
тун дунё турганини кўрасан. Уни қарши олиш учун
ҳузурига бормоғинг керак.

ҒОЙИБ БЎЛГАН ҚОПЛАР ТИЛСИМИ

Ака-ука яшар, улар бир далада ишлаб, ҳосилани ҳам
ўртадан бўлишарди.

Бир куни ярим тунда уларнинг кичиги уйғониб
кетди ва ўйлади:

“Акам ўйланган, болалари бор. Унинг ташвиши
кўп. Харажати меникидан кўра бисёр. Шундай экан,
омборимдан бир неча халта дон олиб, уникига қўшиб
қўйсам, адолатдан бўларди. Акам анча иззат-нафсли,
олийжаноб. Агар дон ҳақида айтсам, албатта “йўқ”
дейди. Шунинг учун бу ишни тунда бажаришим керак,
токи билиб қолмасин”.

Шундай қилиб, у халталарни акасиникига қўшиб
қўйди ва шундан сўнг ухлады.

Бир оз вақт ўтгач, акасининг уйқуси ўчди ва уйга
берилди: “Мен ҳосилнинг тенг ярмини олаётганим яхши
эмас. Укам бўйдоқ, у оилавий қувончдан маҳрум. Бир
неча халта дон берсам, келажати учун анча яхши бўлади”.

Айтилган сўз — отилган ўқ.

Эрталаб улар ўринларидан тургач, омборларига назар
ташладилар. Ҳайратнинг чеки-чегараси йўқ: олдидан қан-
ча дон бўлса, ҳозир ҳам шунча миқдорда турарди.

Йиллар ўтди, аммо улардан бирортаси ҳам жигари-
нинг омборига яширинча бир неча халта дон олиб
кирса-да, халталар сони мутлақо ўзгармаётганини
фаҳмлай олмасди.

Биродарлик — ўзинг эгалашни истаган ҳуқуқларни
бошқаларга бериш, ўзгалар сенга қандай муносабатда
бўлишларини хоҳласанг, уларга ҳам худди шу тарзда
муносабатда бўлишдир.

Э.Калинчи

Бир муъжаз шаҳарда ўсмир ва қиз яшаб, бир-бирини ниҳоятда яхши кўришарди. Аммо уларнинг улкан муҳаббатидан бошқа ҳеч вақолаари йўқ, жуда камбағал эдилар.

Шунга қарамай, севишганлар ўз муҳаббатини ҳаммасидан зиёда ҳисоблашарди. Бир кун улар турмуш қуришга қарор қилишди. Аммо ўша бахтли кун яқинлашса-да, келин ва кўёвнинг совғалари тайёр эмасди. Бир-бирига ҳаёда бериш учун уларнинг мутлақо пулни йўқ эди.

Ана шунда келин бўлмиш ўзининг гўзал сочларини қирқишга мажбур бўлди. Пулига севгилиснинг кумуш соати учун занжирча сотиб олди. Бу соат кўёвга катта бобосидан қолганди.

Кўёв узоқ ўйлаб ўтирмай, ана шу соатни сотди. Сўнг маҳбубасига кумуш тароқ харид қилди — токи гўзал сочларини тараб юрсин.

Иккаласи учун энг қўллуғ, энг бахтли сана — тўй куни етиб келди. Кўёв ва келин бир-бирларига совғаларини улашишди. Йигит қизга кесилган сочи учун тароқ, келин эса жавоб тариқасида бўлажак эрининг соати учун сотиб олган занжирни тўхфа қилди. Қарангки, энди... соч ҳам, соат ҳам йўқ эди.

Агар киши муҳаббат нима эканлигини айта олса, демак, у ҳеч кимни севмаган!

Муҳаббат нелигин бўлмас изоҳлаб,

Муҳаббат не ўзи? Бу жўн, мураккаб.

У — айрилиқ, кўз ёш, орзу, армонлар.

Ишқдир тотли висол, ширин азоблар.

Унинг нималиги — айтиб бўлмас иш.

Англаш-чун шунчаки керақдир СЕВИШ.

Худонинг олдига эркак келиб, зерикканини баёт эттибди. Худо ўйга ботибди: "Барча ашёлар эркакни бунёд этишга сарфланган бўлса, аёлни нимадан яратиб мумкин?" Эркакнинг илтимосини рад этмай, узоқ ўйлаб мулоҳаза юритгандан сўнг Худо аёлни яратибди. Ўнга қўёшнинг бир неча ёрқин нурулари, тоғнинг барча фусункор бўёқлари, ойнинг уйчан тамғинлиги, оққуш гўзаллиги, мушук боласининг нозкарашмаси, ниначи назокати, мўйнанинг эркалатувчи ҳарорати, оҳанрабоининг тортиш кучи — барчасини бир жойга бириктирибди. Шундан сўнг чучмалликдан огоҳлантириш мақсадида қуйдагиларни қўшибди: юлауларнинг совуқ милтиллаши, шамолнинг беқарорлиги, кўзи ёшланиб турадиган булут, тулакнинг қувлиги, пашшанинг хираллиги, наҳангнинг очкўзлиги, урғочи арслон рашки, арининг қасоскорлиги, зулукнинг қонхўрлик хусусиятларини... Шуларни жамлабди-ю, сўнг ҳаёт бағишлабди. Натижада ҳақиқий Аёл пайдо бўлибди.

Худо бу аёлни эркакка тўхфа қилибди. Кейин шундай деб тайинлабди:

— У қандай яратилган бўлса, шу тариқа олавер. Ўзгартираман, деб овора бўлма.

Худодан сўнг биз, биринчи навбатда аёл оламида бурчлимиз: у аввал бизга ҳаёт тўхфа қилади, сўнг бу ҳаётга мазмун бахш этади.

К.Боуви

ФАРИШТА

Тугилишидан бир кун олдин гўдак Яратган Эгамдан сурабди:

— Мен бу дунёга нима учун келаман, билмайман. Нима қилишим керак?

Яратган Эгам жавоб бери:

– Мен сенга фариштани тухфа этаман. У ҳаммиса сен билан бирга бўлади. Ана шу фаришта ҳаммасини тушунтириб беради.

– Аммо мен уни қандай тушунаман? Тилини билмайман-ку!

– Фаришта сенга ўзининг тилини ўргатади. У сени барча кулфат-офатлардан асрайди.

– Мен қандай қилиб ва қачон сенинг ҳузуриңга қайтиб келаман?

– Фариштанг ҳаммасини айтиб беради.

– Фариштаннинг исми нима?

– Исми муҳим эмас. Унинг исми жуда қул. Сен уни ОНА деб атайсан.



МУНДАРИЖА

I БУЛИМ

Ҳаммаси сенинг қўлиңда

Кафтдаги жон	4
Жумбоқнинг жавоби	5
Аслабий профессор ташрифи	6
Ота-бола ва эшак	7
Пр остидаги одамчалар	9
Соғлиқ, бахт ва муҳаббат дукони қайда?	10
Гул ва гузаллик	11
Бир танганинг икки юзи	12
Обқ остидаги хазина	13
Гойиб бўлган қўланка	14
Юмуқ кўзлардаги ўзлик	14
Дунёни ўзгартирмоқчи бўлган одам	15
Ҳаракат учун... ёрдам	16
Буш сават тиасими	17
Гор комидаги хатар	18
Бўш саватлар	19
Баабўй ошпён	20
Ҳеч қачон тўхтама	20
Бир қоп олтин	22
Супурги четлари	23
Икки бўри	23
Дангиллама уйдаги бахтсизлик	24
Муаммо... қанча тош босади?	26
Қўршовдаги кишилар	27
Отир уйлар юки	29
Сувдаги қадамлар	30
Табиб қочди, қув!	31
Туз капалаган нодон	34
Яшаш ва ишлашга қандай улуриш керак?	35

Пешанага ёзилган ҳарфлар	36
Қизалоқнинг саволи	37
Кукларга уч, хонқизи... ..	38
Занглаш вақти	39
Дарахтдан қўрққан одам	40

II БУЛИМ

Мақсадга эришиш йўллари

Гап нимани кўришда!	41
Қўр боланинг зўрлиги	42
Ёниб кетган қулаба	43
Мингтадан битта	44
Чанқоқ талвасаси	45
Орзулар не керак ўзи?	46
Бир соатлик йўл	47
Бир туянинг териси	48
Атиргул меҳмонхонаси	49
Ботқоқдаги нилуфар	51
Бир пақир бойлик	52
Ур-калтаклардан сўнг... ..	52
Ғалабани таъминлаган ун дақиқа	54
Йўллар сири	55
Минорадаги туя	56
Тоғ ва хутик	57
Ёниб битиш саодати	58
Қўҳинур олмоси	59
Ҳаётнинг муҳим қирралари	60
Телбаларча ов	61
Ўлим озуқаси	62
Орзулар аскари	63
Ўлик балиқлар қиссаси	64
"Ҳазилкаш" арвоҳлар	65
Қўйилмақом ғалвир	67
Бир ҳовуч танга	68
Икки қор парчаси	69
Олтин тухум васвасаси	70
Ёлгон важлар	71
Вақти йўқ ишчи	72
Осмондаги тортишув	72

III БУЛИМ

Сабр-тоқат ва меҳнат

"Мен, яхшиси, бой бўламан"	74
Икки камчилик	75
Бир умр ёзилган китоб	76
Иштаҳани йўқотган мактуб	77
"Сохрали" миҳлар сири	78
Қуриб қолган мевалар	79
Йонинг уйида... ..	80
Камситишми ёҳуа эъозлаш?	80
Бузоқнинг қочгани... ..	81
Бўйни қийшиқ яхшилик	82
Оловдаги капалак	82
Подшоҳнинг узуги	83
Омоч сураган аўст	84
"Юр, кетдик, бу ердан..."	85
Уч донишманд тахминлари	87
Бадавлат ва камбағал кўёв	87
Том устидаги болакай	88
Жанжалга айланган тортишув	89
Эҳтиомол... Балки... ..	90
Ошқозонга сиққан сув	90
Ҳашаматли уйдаги донишманд	90
Мева ичида... тош	91
Иккинчи аҳмоқ	92
Шаршара шиддати	93
Қурқинчли туш таъбири	94
Чирой ҳақида мунозара	95

IV БУЛИМ

Устоз ва шогирдлар

"Уйга ўт қўйинг!"	96
Ҳукмдор берган савол	97
Зурнинг шўри!	97
Эшик ва беш қоида	98
Уни жамғаролмайсан	100
Устоз, болалар ва мажбуриятлар	100
Қумга ёзилган сўзлар	101

Туқнашулардан қочиш сирі	101
Жаҳл келганда	102
Кулча мазаси	104
"Ҳеч нима" нима ўзи?	105
Елкадаги соҳибжамол	105
Гулдан гулга	106
Стул жумбоги	107
Ночор қандай бой бўлди?	107
Хатонинг моҳияти нимада?	109
Пул ва кўзгү	110
Жанжал билан тутаган маъруза	110

V БУЛИМ

Бахт

Кафтадаги лой	112
Баҳам кўрасан, аммо қамаймайди	112
Кексаликдаги пұшаймонлик	113
Қамчи изи	114
Икки томчи ёғ	114
Нозик хилқат фириби	116
Ҳаммаси яхшиликка	117
Ранжиш — анидаги тош демак!	118
Муваффақиятга қандай мойил бўлмоқ керак?	120
Могор босган тош	121
Тушунарли ва тушунарсиз	122
Бошқача ҳаёт	123
Баланд тоғлар идаоси	124
Улар қайтмадилар	124
Ҳаёт бағишлайдиган кичик қахрамон	125
Топқир эшак тўтрисида	126
Чиройли идишдаги қаҳва	127
Энг ширин ва энг аччиқ	128
Ёмоннинг бир қилиги	129
Учта "мен"	130
Бир қоп асалари	131
Тўртта кўр ва битта фил	132
Бахтсизлик ва... ..	133
Саодат, иқбол... Думдами?	134
Кулги ортидаги сир	134

Бахт сотиладими?	135
"Қўшни, қарз бериб туринг"	136
Омад йўли қаерда?	138

VI БУЛИМ

Муҳаббатни нима қутқаради?

Бир пайтлар севги... ..	139
Сеҳрли сўзлар	140
Бир, икки, уч... Пуф!	141
Мўъжиза қаерда?	142
Излар тўтрисида ривоят	143
Болаларни йиғлатган қария	144
Ақсизлик ўйини	145
Найзалар билан уруш	146
Подшоҳ учун совғалар	148
Брам учун отилган тош	151
Ўрмон одами	151
Яхши кўрмаслик сабаби	153
Тилла қутича	153
Мерос насиб этган ўғил	154
Ҳеч нима қилмаслик офати	156
Ўттиз йиллик гап	157
Эрли аёл арзлари	158
Гойиб бўлган қоплар тилсими	159
Сотилган соч	160
Эркакнинг иатимоси	161
Фаришта	161



УЎК: 821.512.133

КБК 84(5У)7

Х24



Х24

Ҳар кунги ҳикматлар / Туловчи А.Бедилова.
– Т.: «DAVR PRESS» НМУ, 2014. – 168 б.



ISBN 978-9943-4314-4-7



УЎК: 821.512.133
КБК 84(5У)7

Маърифий-оммабоп нашр

ҲАР КУНГИ ҲИКМАТЛАР

Донишмандлар муваффақиятнинг
абадий қонунлари тўғрисида

Бош муҳаррир Асрор Мўмин
Масъул муҳаррир Хосият Ражабова
Муҳаррир Насрулло Эргашев
Мусахҳиҳ Лола Шаймова
Дизайнер Жаҳонгир Абдужалилов
Саҳифаловчи Азиза Ойназарова

Нашриёт лицензия рақами АІ-№ 213
2014 йил 20 июнда нашриётга топширилади.
2014 йил 16 сентябрда босишга рухсат этилади.
Бичими 84х108/32. «Ballica APP» гарнитураси.
Шарти босма табоғи 8,82.

Нашриёт ҳисоб табоғи 5,90. Адади 2000 нуска.
932-сонли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

Оригинал макет "DAVR PRESS" нашриёт-матбаа
уйида тайёрланди.

"DAVR PRESS" НМУ МЧЖнинг матбаа бўлимида
офсет усулида chop этилади.

Манзила: Ўзбекистон Республикаси, 100156,
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20-А даҳа, 42-уй.
Тел: + (99871) 120-1299;

Маркетинг бўлими: + (99871) 120-1233; 120-1202.

Web: www.davypress.uz
E-mail: davt-press@mail.ru